


С.Собиров, Н.Ахмедов, У.Жуманова

ИПАК ҚУРТИ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ



С.СОБИРОВ, Н.АХМЕДОВ, У.ЖУМАНОВА

**ИПАК ҚУРТИ КАСАЛЛИҚЛАРИ
ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ**

(Үкүв тұлданма)

Аттестация
сұйық сөздөйі

24. XII. 2012

ТОШКЕНТ-2011

Ипак курти касалликлари ва зараркунандалари.
С.Собиров, Н.Ахмедов, У.Жуманова. Тошкент, 2011 йил. 96 бет.

Мазкур ўкув кўлланмада ипак куртида учрайдиган касалликлар ва зараркунандалар тўғрисида маълумотлар берилган. Жумладан, касаллик кўзгатувчи бактериялар, вируслар, замбуруглар ва бир хужайрали содда ҳайвоnlар тўғрисида муайян тушунчалар, ҳар бир касалникнинг аломатлари, келтирадиган зарари, уларнинг тарқалиш эпизоотологияси, диагностикаси ва уларга карши кураш чоралари келтирилган. Кўлланмада касалликларни ўрганиш бўйича лаборатория машгулотлари ўтказиш тартиби ҳам берилган.

Ўкув кўлланма магистрлар, талабалар, илмий ходимлар, шунингдек ипакчилик соҳасида фаолият юритувчи барча мутахассисларга мўлжалланган

Такризчилар:

- 1. К.Д.Давронов** – Ўзбекистон Миллӣ университети, Микробиология ва биотехнология кафедраси профессори, биология фанлари доктори
- 2. И.Махсудов** – Тошкент Давлат аграр университети, Зоотехния кафедраси профессори, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Ўкув кўлланма Тошкент Давлат аграр университети Ипакчилик кафедраси йигилишида (2010 йил 30 сентябрдаги 2-сонли баённома), Зоотехния факультети ўкув-услубий кенгашида (2011 йил 20 январдаги 5-сонли баённома) ҳамда университет ўкув-услубий кёнгашида (2011 йил, 24 февралдаги 4-сонли баённома) кўриб чиқилди ва чоп этишига тавсия этилди.

ЛВ № 525504

Тошкент Университети

КИРИШ

Республикада пилла етиштириш салмогини, сифатини камайишига ва технологик күрсаткычларини пасайишига ипак куртинг касаллуклари жуда катта таъсир күрсатади. Курт бокиши даврида баъзан касаллик оммавий (эпизоотий) тус олиб бир звенодан бошқа звеноларга, бир хўжаликдан бошқа ва ҳатто туман ва вилоятларга тарқалиб пилла ҳосилини камайишига сабабчи бўлади. Касаллуклар ичидаги кўпроқ учрайдиган бактериоз ва вирус касаллукларидир. Касаллик асосан ипак куртини бокиши жараёнида агротехника қондларига риоя қилинmasлиги натижасида содир бўлади. Пилла ҳосилини камайишига касаллуклардан ташқари турли хил зараркунандалар, бокиши давридаги механик таъсирлар ва турли хилдаги кимёвий моддалар ҳам келтириб чиқариши мумкин. Кўкламги курт бокиши даврида замбуруғ касаллиги кўп зарар келтирмасада, куртхоналарда намликтининг меъёридан юкори бўлиши ғанани қалинлашиши ва ёғингарчилик кўп бўлган жойларда бу касалликнинг учраб туришига сабаб бўлади.

Пебрина касаллигини эса бир ҳужайрали ҳайвонлар келтириб чиқаради ва бу касаллик ипакчилика энг хавфли касаллуклардан бири хисобланади. Ҳозирги вактда бу касалликни олдини олиш чора тадбирлари мавжуд бўлиб, барча уруғчилик корхоналарида соғлом уруғ олиш учун целлюляр уруғ тайёрлаш усулидан фойдаланилади.

Ипак куртини бокища юкорида келтирилган касаллуклардан ташқари вирус касаллиги ҳам мавжуд бўлиб, айрим йиллари куртларни оммавий ўлимига сабабчи бўлиб, фермер хўжаликларнинг иқтисодиётига катта зарар келтиради.

Республикамизда пиллачиликни яхшилаш, етиштирилаётган пилла миқдори ва сифатини талаб даражасига етказиш учун ипакчилик соҳаси бўйича малакали мугахассисларни тайёрлаш, университетда дарс бериш жараёнини такомиллаштириш, фан ва техника ютуклари ва илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш зарур бўлади. Шунинг учун қуйидаги ўкув қўлланма қисқача бўлсада талабаларда ипак курти касаллуклари тўғрисида маълум кўнималар ҳосил қиласи деган умиддамиз.

Тут ипак курти касаллуклари ва зараркунандалари фани бўйича ёзилган ушбу қўлланма ёрдамида дарс жараёнида талабалар касалликнинг асосий белгилари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг турлари

ва микроскопик тузилиши ҳамда касалланган куртлардан препаратлар тайёрлаш ва касаллик турларини аниқлаш каби жараёнларни ўзлаштириб оладилар.

Ўзбекистонда ипакчилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, тўқимачилик саноати ва ҳалқ хўжалигини табиий ипак хомашёси билан таъминлайдиган сердаромад соҳалардан биридир. Табиий ипакдан пишиқ ва қимматли газламалар тўқилиб, ундан авиация ва космонавтика соҳасида, тиббиёт, радиотехника ва бошқа соҳаларда ҳам фойдаланилади. Шунинг учун ҳам дунёда ипакчиликни ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Охирги маълумотларга қараганда пилла етиштириш бўйича Хитой 400 минг тоннадан ортиқ, шундан 75-80 минг тонна бошқа ипак куртларидан, иккинчи ўринда Хиндистон 100-110 минг тонна, учингчи ўринда Ўзбекистон 25 минг тонна пилла тайёрлайди.

Пилла сифати бўйича биринчи ўринда Япония, кейин Корея, Хитой ва Бразилия туради. Ҳосилдорлик хорижий мамлакатларда 1 грамм куртдан 3,5-4 кг, республикамиизда эса 1 грамм куртдан 2,5-2,6 кг пилла олинади. Хорижий мамлакатларда 1 кг пиллани 8-15 долларга сотади, бизларда эса бу кўрсаткич 3-5 ва ҳатто 2-3 долларни ташкил этади. Хорижий мамлакатларда навъти пилла миқдорини 90-95% ини ташкил этса, бизда 80-82% ни ташкил этади.

Республикамиизда бокилаётган ҳар бир қути куртдан 2008-2010 йиллар мобайнида ўртacha ҳосилдорлик 52-54 кг ни ташкил қилган. Ҳозирги вақтда Республикада бокилаётган зот, дурагайларнинг ўртacha бир дона пилла оғирлиги 1,8 грамм бўлса бир қути куртдан олинаётган ўртacha ҳосилдорлик 75-80 кг пиллани ташкил қилган бўлар эди, ҳосилдорликниң бундай юқори ёки аксинча кам бўлиши, албатта ипак куртини боқиш агротехникисаiga ва куртлик даврида учрайдиган касалликларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ипакчиликни ахволини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида 2000 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача республика Вазирлар Мажхамасининг қатор қарорлари ишлаб чиқилди.

Карорларда пиллачиликни ривожлантиришда' унинг озиқа баъзасини кўпайтириш тут ва курт касалликларига ва зараркунандаларига қарши самарали кураш олиб бориш, пилла ҳосилини кўпайтириш, унинг сифат ва технологик кўрсаткичларини яхшилаш чора тадбирларини кўриш масалалари илгари сурilmоқда.

Албатта тут ипак қуртининг касаллклари ва зааркунандалари бўлмаганда эришилаётган ютуқлар янада юқори ва самарадор бўлиши мумкин эди. Қурт боқиш жараёнида қуртларнинг касалланиб нобуд бўлиши ҳосилнинг камайишига, пилла сифати ва технологик кўрсаткичларнинг паст бўлишини асосий сабаблардан бири хисобланади.

Япония олими Косо Мутони маълумотларига қараганда, нобуд бўлган қуртларнинг 80% касалликлар, 10-15% зааркунандалар, колган 5% механик таъсирлар орқали бўлар экан. Француз олими Шаплунинг маълумотларига кўра 1950 йилларда 85-90% қуртлар пебрина касаллигидан нобуд бўлган, натижада дунёда пилла топшириши бўйича энг охирги ўринга тушиб қолган.

Ўзбекистонда 1960-1970 йиллар мобайнида уруғчилик корхоналарида 4.242074 капалакларнинг тухум тўпламлари 44765 кути қурт уруғлари сифатсиз деб топилиб, куйдириб ташланган. Фарғонада, 1970 йил Марғилон уруғчилик корхонасида тайёрланган 25 минг кути уруг пебрина билан касалланган деб топилган ва айрим туманларга тарқатилган қуртлар бешинчи ёшигача 100% ўлиб кетган. Бундан ташқари 1973 йил Самарқанд ва Тошкент уруғчилик корхоналарида тайёрланган уруғлар пебрина билан касалланганлиги, 1973-1974 йилларда эса Каттакўргон ва Шахрисабз уруғчилик корхоналарида тайёрланган ипак қурти уруғлари пебрина билан касалланганлиги аниқланган (Е.Н.Михайлов).

1968 йил Тожикистоннинг пиллачилик станцияларида тайёрланган элита ва супер элита уруғлари пебрина спораси билан касалланганлиги аниқланган. Республикаизда касалликнинг бундай келиб чиқиши сабаблари наслчилик хўжаликларида қуртхоналарнинг йиллар давомида дезинфекция килинмаганлиги яъни заарсизлантирилмаслиги оқибатида йўл қўйилганлиги аниқланди.

Куртларнинг нобуд бўлишига касаллик ва зааркунандалардан ташқари механик таъсир орқали уларнинг сонини камайиши, боқиш давомида сўрилардан тушиб кетиши, ғаналарни алмаштирганда жароҳатланиши, айниқса биринчи ва иккинчи ёшларда ғана билан қўшилиб кўпгина қуртлар кўринмасдан ташлаб юборилиши уларнинг умумий сонини камайишига, йилнинг ноқулай шароити, озиқанинг сифати пастлиги, озиқани тўйиб истеъмол килмаганлиги кабилар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Аммо кузатишлар шуни кўрсатадики, агротехник шароитларнинг барчаси муҳайё

бўлганда ҳам касаллик ва зааркунандалар ҳосилнинг пасайишига ва сифатини бузилишига юқорида кўрсатилган механик таъсиrlарга нисбатан жуда катта зарар келтиради.

Ипак курти касалликлари пилла ҳосилини камайтиришдан ташқари унинг сифатини ҳам пасайтиради. Натижада республика изизда олинган нуқсонли пиллаларнинг 70-80 фоизи инфекцион касалликлар натижасида бўлади. Лекин нуқсонли пиллалар фақатгина касалликлар натижасида эмас, балки улар бошқа сабаблар натижасида, қорадоғли, тўлиқ ўралмаган пиллалар, шакли ўзгарган пиллалар, дукурма, яъни икки ёки ундан ортиқ куртлар биргаликда ўраган пиллалар, тешик пиллалар ҳам нуқсонли пиллалар ҳисобланади.

Нуқсонли пиллаларни ичида тўлиқ ўралмаган юпқа пўчоқли пиллаларни, ғумбаги кўринадиган пиллаларни учратамиз. Бундай пиллаларда ўлик курт ёки ғумбаклари чиримаган бўлса куртлар стрептококк касаллиги билан касалланган бўлиши мумкин. Тўлиқ ўралмаган тирик ғумбакли пиллаларни эса касалликлар натижасида эмас, балки тўйиб озиқланмаган, оч қолган куртлар ҳам ҳосил қилиши мумкин.

Пилла ичидаги ўлиб пилла қобигига ёпишиб қолган, силкитганда овоз бермайдиган кар пиллалар кўпинча сарик касаллигидан, баъзан қончириш-септицимия билан касалланиш натижасида бўлади. Айрим ҳолларда кар ва қорапачоқ пиллалар ҳосилини 7-8 фоизини ташкил этади.

Пиллаларни ўз вақтида ғумбагини ўлдирмаслик кар пиллаларни миқдори ортиб боришига сабаб бўлиши мумкин, чунки касаллик куртларнинг пилла ўраш давридагина эмас, балки ғумбаклик даврида ҳам пилла ичидаги ғумбак танасида ривожланиб, уни капалакга айланмасдан нобуд қилиб, юқорида айтилган нобоп пиллаларни ҳосил қилиши мумкин.

Республикамиз уруғчилик корхоналарида капалак чиқмаган пиллаларнинг миқдори 3-4 фоизини ташкил этади. Шундан тахминан ярими инфекцион касалликлар натижасида содир бўлади. Афсуски, касалликларни олдиндан илмий асосланған даражада диагностикасини аниклаб берадиган мутахассислар жуда кам. Фақатгина уруғчилик, наслчилик корхоналарида бу соҳа бўйича пебрина касалликларини аниклаш учун микроскопик кузатишлар олиб борилади ва цељлюляр усу碌да уруғ тайёрланади.

КАСАЛЛИК ВА УМУМИЙ ПАТОЛОГИЯ ТЎҒРИСИДА БАЪЗИ БИР ТУШУНЧАЛАР

Барча тириқ организмларга, шу жумладан ўсимлик ва ҳайвонот дўнёсига табиатнинг ташқи омиллари, овқатланиш, об-ҳаво, ёргулук энергияси ва микроорганизмлар доимий равишда таъсир қилиб туради. Айрим ҳолларда ташқи омилларнинг ўта кўп таъсири организмларнинг меъёрий физиологик ҳолатини бузади, натижада организмда чукур ўзгаришлар содир бўлади, уларнинг таъсирида организмларда ривожланиш бўлмайди, кам ривожланиди, ҳаёт жараёнига таъсир қилиб организмнинг меъёрий физиологик ҳолатини ўзгартиради. Организмлардаги бундай ўзгаришлар касаллик деб аталади. Касалликлар натижасида организмнинг содир бўладиган ўзгаришини ўрганадиган фан *патология* деб аталади.

Патогенез-касалликнинг ривожланиши натижасида организмдаги ҳар хил ўзгаришларнинг содир бўлишидан ташкил толган, уларнинг бир кисми касалликнинг келиб чиқиц сабабларини йўқотишга йўналтирилган бўлиб, организмни химоя қилиш реакциясидир, яъни иммунитетнинг келиб чиқишидир. Шу билан бирга касаллик даврида организмнинг тўқималари ва органларида ҳар хил ўзгаришлар, бузилишлар кузатилади, модда алмашинуви бузилади, организм тўқималари ўлади, парчаланади. Касалликнинг ривожланиши натижасида организмда патологик жараёнларнинг белгилари содир бўлади.

Ҳар бир касаллик ўзининг бир катор ташқи белгилари - *симптомлари* билан ҳаракатланади. Мана шу патологик, патофизиологик хусусиятларига қараб уларнинг қўзғатувчилари аниқланаб, диагноз қўйилади. Касалликнинг дастлабки сабабларини ўрганувчи фан *этиология* деб аталади.

Касалликлар ичida шундай касалликлар ҳам бўлиб, буларга нерв системасининг функционал бузилиши, эндокрен, овқат ҳазм қилиш системасининг бузилиши, ҳамда шикастланиш натижасида, ҳар хил ташқи мухитнинг салбий таъсиrlарида, нурлар иссиқ ва совуклар, кимёвий моддаларнинг таъсирида бўладиган касалликлар юқумсиз касалликлар хисобланади.

Энг кўп тарқалган касалликлар микроорганизмлар тарқатадиган касалликлардир. Бу касалликлар юқумли касалликлар

хисобланади. Касалликни қўзғатувчи организмлар бактериялар, замбуруғлар, вируслар, ва бир ҳужайрали содда ҳайвонлар бўлиб, булар юқумли касалликларни келтириб чиқаради, бундай касалликка эса инфекцион касаллик деб аталади. Касаллик ривожланишининг бошлангич даври, яъни ташки аломатлари аник бўлмаган даврига инкубацион, яширин даври деб юритилади. Агар касалликни паразит ҳайвонлар келтириб чиқарса бундай касалликлар инвазион касалликлар деб аталади. Ҳайвонларнинг шунингдек, ҳашаротларнинг оммавий касалланиши эпизоотий деб, одамларда касалликнинг оммавий тарқалиши эса эпидемия деб юритилади.

Микроорганизмлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда ўсимликлар бир-бирлари билан чамбарчас ҳамкорликда-симбиоз ҳолатда ҳаёт кечиради, айримлари эса ҳайвон ичакларида-симбиоз ҳолатда ҳаёт кечиради, ҳайвон ичакларида зарар келтирмасдан озиқланаб яшайди, бунга комменциализм, яъни текинхўр деб юритилади. Буларга кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, суварак ва терметларнинг ичакларида кўплаб бир ҳужайрали хивчинли ҳайвонларни, ипак қуртининг ичак флорасида эса бактерияларни кузатиш мумкин.

Айрим ҳолларда микроб-симбиозлар ўз ҳўжайнини билан шундай боғланиб кетганки, улар ҳўжайнин учун ҳаётий зарур бир кисмини ташкил этади. Симбионтлар ҳўжайниннинг овқат ҳазм қилишда иштирок этиб энг қийин ҳазм бўладиган моддаларни ўзлаштиришда иштирок қиласди. Масалан, айрим ёғоч қатлам билан озиқланувчи қўнғизларнинг личинкаларини ўрта ичагини эпителия ҳужайраларидан ажралган фермент билан микроорганизмлар биргаликда қийин парчаланувчи клетчаткани ҳам ўзлаштиришга ёрдам беради.

Баъзи бир микроорганизмлар ўзининг “ҳўжайн” ларига тажовузкорлик қилиб унинг тирик ҳужайралари билан озиқланшига ўтиб, тўқималарни емира бошлайди бундай микроорганизмлар паразит микроорганизмлар деб аталади. Ўлик органик моддалар билан озиқланувчи микроорганизмларга сапрофитлар деб аталади.

Фақат тирик тўқималар ҳисобига яшовчи организмлар облигат-ҳақиқий паразитлар деб юритилади. Масалан, вирус ва пебрина қўзғатувчилари облигат паразитлар ҳисобланади. Ўлик органик моддалар билан озиқланувчи микроорганизмларга

сапрофитлар деб аталади. Сапрофитлар ичиде вактингчалик паразитлари бўлиб, буларнинг ривожланиши учун хўжайин танасидаги қаршилик пасайганда, яъни микроблар тирик хужайра плазмаси ва ўзик органик моддалар билан озиқланганда паразит сапрофит ўргасида чегара қолмайди. Бундай категорияга кўпчилик бактериялар, замбуруғлар ва бошқа микроорганизмлар кириб ҳашаротларда турли хилдаги касалликларни қўзғатиши мумкин.

Микробларнинг касаллантириш даражаси уларнинг вирулентлиги, токсинлиги – захарлилиги билан аниқланади. Вирулентлик бу патогенни тирик организм тўқимасига кириши, кўпайиши ва касаллик қўзғатиш хусусиятидир. Унинг микдори микробнинг минемал меъёри ва касаллик туғдириши билан ўлчанади. Ҳашаротларнинг мойиллилик даражасига, организмга инфекциянинг киришига, тез юқтиришига қараб микроб вирулентли бўлиши мумкин.

Ипак курти кўпроқ пебринани юқтиришга мойил, лекин у уй пашшасини касаллантира олмайди. Ипак куртининг личинкаси ҳар бир ёшининг ўрталарида ўта таъсирчан ва юқиш йўли оғзи, озиқа орқали юқади. Микробларнинг вирулентлиги унинг табиати, насли ва яшаш мухитига боғлик. Ташқи мухит омилларини паразитга нисбатан салбий таъсирлари микробнинг вирулентлигини пасайтиради.

Касаллик қўзғатувчи микроб, унинг токсин ҳосил қилишига қараб ҳам аниқланади. Микроб хужайраси организмга зарар келтириши билан бирга оксилларни парчаловчи протолитик ферментларни ҳам ҳосил қиласди. Бундай ферментлар патоген ферментлар деб аталади. Вирулентлик ва токсинлик касаллик туғдирувчи микроорганизмларда ҳар хил микдорда бўлиб, антагонистик хоссасига боғлик бўлади.

Кучли вирулентли бактерия касал организмида фаол ҳолда кўпайиб, тез тарқалади ва инфекцион жаённи ҳосил қиласди. Айрим ҳолларда микроб бутунлай вирулентсиз бўлиши ҳам мумкин, аммо жуда заҳарли-токсинли бўлади. Масалан, иссиққонли организмда қокшол касаллигини қўзғатувчи таёқчасимон бацилла органик моддаларга бой тупроқнинг устки қатламида сапрофит яшайди, аммо жароҳатланган жойга тушса заҳарли токсини билан организмнинг тўқималарини ўлдиради ва уни ўлимга олиб келади.

ИММУНИТЕТ. И.И.МЕЧНИКОВНИНГ “ХҰЖАЙРА ИММУНИТЕТИ” НАЗАРИЯСИ

Касаллик құзғатувчи микроорганизмлар хұжайин организмиңа ҳар хил таъсир қилиши, яғни күп ёки кам касаллантириш мүмкін. Организмнинг инфекцион касалларларга чидамлилиги ёки уларни қабул қылмаслиги организм иммунитети деб аталади.

Организмларнинг касаллукка чидамлилиги ёки уларни қабул қылмаслиги касаллик құзғатувчининг миқдорига, унинг вирулентлігіне, токсинлігіне ва касаллук құзғатувчининг касаллантириш даражасы боғлиқ бўлади.

Касаллукни қабул қылмаслик даражаси организмнинг холатига, унинг ёшига, ривожланиш стадиясига ва туғма хусусиятларига боғлиқ. Туғма иммунитет организмнинг турига ҳам боғлиқ бўлади, яғни организм маътум бир касалларларга ўта чидамсиз ёки чидамли бўлиши мүмкін. Мисол учун пебрина касаллиги билан одамни касаллантириб бўлмайди, ёки сил касаллиги билан куртни касаллантириб бўлмайди. Организмларнинг эволюцион поғоналарида туғма иммунитет билан бирга ҳаёт давомида ҳосил бўлган иммунитет ҳам бўлади. Бундай иммунитет касал бўлиб туғилган организмда ёки табиий холда сунъий равишда ҳосил килинган иммунитетdir.

Организмнинг касаллик құзғатувчи микроблардан ҳимоялаши тұғрисида 1882 йил И.И.Мечников “Хұжайра иммунитети” деган назарияни илгари суради. Бунда у организмдаги қон хұжайраларнинг фагоцитоз қобилияты, яғни қонга тушган ёт таначаларни, ҳар хил микробларни йўқотиш қобилиятини аниклади.

Ҳашаротларда иммунитетнинг фаоллиги гемолимфа хұжайрасидаги гемоцитларнинг фагоцитлар реакцияси фаоллигига ҳам боғлиқ бўлади. Тут ипак куртининг гемоцитлари бешта асосий типга: пролейкоцитлар, донадорсиз гемоцитлар, донадор гемоцитлар, эноцитоидлар, сферулоцитларга бўлинади.

Пролейкоцитлар – ёш, кичик, катта ядроли, кам миқдордаги цитоплазмали бўлиб, улар ўсиб бўлинниш йўли гемоцитларнинг бошқа типларига диффенциланади.

Донадорсиз гемоцитлар – булар урчуксимон ёки макронуклеоцитлар бўлиб, ҳар хил катталақдаги хұжайралар, гомоген цитоплазмали, нисбатан катта ядроли, фагоцитозда иштирок этади.

Донадор гемоцитлар – иирик хужайралар бўлиб, ҳар хил киррали аниқ чегараланмаган, амёбанинг сохта оёқларини эслатувчи, рангсиз цитоплазмали кичик ядроли фаол фагоцит хужайралардир.

Эноцитоидлар – унча кўп бўлмаган, катта юмалоқ ёки овал формали, узунчок, вакуолали, қорамтири донадор ядроли хужайралар бўлиб, бу фагоцитозда иштирок қилмайди.

Сферулоцитлар – кўп ва катта вакуолали, улар орасида зичлашган кичик ядроли, цитоплазмаси қўриниши қийин бўлган хужайралар бўлиб, улар цитологик жараёнларда, личинкалик тўқималарни парчаланишида, метаморфоза даври яқинлашганда иштирок этади.

Инфекция қон хужайраларнинг бир қанча фаол гурухларини чиқариб, айрим категорияли гемоцитларнинг миқдорини алмаштиради, яъни фаол фагоцитор типдаги хужайраларнинг миқдорини кўпайишига олиб келади. Бир икки кундан кейин ёш қон элементларининг миқдори тиклана бошлайди. Фагоцитоз ходисаси касаллангандан бошлаб, 1-1,5 соатдан кейин кузатилади. Фагоцитоз ходисасининг фаоллиги, тезлиги ҳаво ҳароратига ҳам боғлиқ бўлиб, 15°C ҳароратда фагоцитор реакцияси тўхтайди.

Фагоцитлар ҳар хил микроорганизмларга турлича таъсир кўрсатади. Масалан, таёқчасимон бактерияларга ва микрококкларнинг бир хил вирулентли арапалашмасидан фагоцитлар микрококкларни йўқотиб, микроспоридийларга, яъни тут ипак куртининг пебрина спорасига паст, фаоллик билан секин таъсир кўрсатади. Тут ипак куртининг фагоцитлари айрим тур бактерияларни йўқота олмасдан фагоцитларнинг ўзи парчаланиб, куртни тезда ўлишига сабаб бўлади.

Ҳашаротларнинг гуморал иммунитети. Фагоцитоз қон плазмасидаги кимёвий моддалар билан микробни ташқи кобигини ўзгаришга таъсир этиб, уни фагоцитларнинг қамраб олишини осонлаштиради. Бундан ташқари ҳашаротларда маълум дараҷада цеплюляр ҳимояланиш фактордан ташқари бошқа гуморал фактор ҳам бўлиб, юқорида кўрсатилган ҳимояланиш гуморал факторнинг фаоллигига ҳам боғлиқ бўлади. Гуморал фактор назариясини биринчи марта 1898 йил П.Эрлих ишлаб чиқган.

Бу назария бўйича организмнинг касалликга чидамлилиги микроорганизмлардан ҳимояланиш хоссаси қон зардоби бўлиб,

И.И.Мечниковнинг целялюляр иммунитет назариясига қарши ўлароқ организмнинг ҳимоя оқсилиларни (гамма-глобулин) ишлаб чиқаради ва қонга беради. Гамма-глобулинни серологик реакция натижасида ҳайвоннинг қон зардобида кузатиш мумкин. Иммунланган ҳайвон қон зардобидаги реакцияни пробиркада ёки буюм ойначасида кузатиш мумкин. Агарда аниқ бир бактерия тури билан иммунланган қуён ёки денгиз мушукчаси қон зардобига маълум бир бактерия тури юборилса пахтасимон чўкма (агглютинация) ҳосил бўлади.

Гуморал иммунитетнинг ҳосил бўлиши, яъни организмнинг ҳимояланиш функцияси мезодермал қаватнинг ҳосил бўлишида, ички органларнинг ҳосил бўлишидан бошлаб вужудга кела бошлайди. Ҳашаротларда мезодермал қават ҳосил бўлишидан ҳимояланиш функцияси жуда паст бўлади.

Фаол иммунитетни сунъий равишда эмлаш ёрдамида ҳосил қилиш мумкин. Бунда эмлаш учун бактерия хужайраси 58°C гача қиздирилади ёки дезинфекция киласидаги модданинг паст эритмаси билан ишлов берилади. Бундай бактериялар билан эмланган организмда иммунитетнинг биринчи белгилари ҳосил бўлади, аммо қуртлардаги вакцинациянинг кучи метаморфоз даврида йўқолиб кетади.

Бундан ташқари ҳашаротларда ҳосил қилинган пассив иммунитет ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бунда тайёр иммунланган ҳайвон зардобини юборса, касаллик қўзғатувчи бактериянинг ўлдирувчи дозасини қабул қилмайди, яъни маълум даражада ҳимояланади. Агарда асалари куясини куртга пневмакоккга қарши эмланган қон зардоби сепилса, унда паст иммунитет ҳосил бўлган. Бундан ташқари дифтерия токсини пуркалгanda куртнинг гемолимфасида антитоксин ҳосил бўлган. Агарда курт гемолим-фасидаги иммунланган анатоксинни бошқа қуртларга ёки денгиз чўчқаларига юборилганда токсинга қарши пассив иммунитет ҳосил бўлган.

БАКТЕРИЯЛАР ХАҚИДА ҚИСҚАЧА ТУШУНЧАЛАР

Бактерияларнинг тузилиши, кўпайиши, озикланиши. Ҳозирги вақтда бактериялар деб номланувчи микроорганизмларнинг 1600 дан ортиқ турлари маълум бўлиб, булар энг майда, кўзга кўринмайдиган бир хужайрали организмлардир. Буларни оддий кўз билан кўриб бўлмайди, факатгина микроскоп ёрдамидагина кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам микроблар ёки микроорганизмлар деб аталади. Бактерияларнинг ҳаёт жараёнларини, биокимёсини, купайиши ва ривожланишини, ўзгарувчалигини табиатда тарқалишини систематик ҳолатини ўрганадиган фан *микробиология* деб аталади.

Микроорганизмларга бактериялар, вируслар, бактерия-фаглар, стрептомицетлар (актиномицетлар), баъзи бир замбуруғлар, бир хужайрали кўк яшил сув ўтлари киради. Булар ниҳоятда майда бўлишига қарамасдан ҳалқ хўжалигида табиатда ва қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг кўпчилиги ўсимлик, ҳайвон ва одам организмида инфекцион касалликларни кўзгатади, кўпчилиги эса сапрофит ҳаёт кечиради.

Бактерияларнинг кўпчилиги хужайралардан тузилган бўлиб, уларнинг катталиги 0,1 микрондан 10 микронгача бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларни микроб ёки микроорганизмлар деб юритилади. Бактерияларни ўрганадиган фан бактериология бўлиб, микробиология фанининг бир бўлими ҳисобланади. Бактериялар сув, тупрок, чанг, ҳаво, ҳайвон ва ўсимликларнинг ташки ва ички муҳитларида яшайди, ҳатто уларни 60°C иссиқ қазилмаларда ҳам учратиш мумкин. Уларнинг миқдори 1 г унумдор тупроқда 100 млн, 1 см^3 ҳом сутда 3000 млн бактерия учрайди.

Хужайрасининг формаларига қараб бактериялар учта гурухга бўлинади:

а) Шарсимон бактериялар – кокклар. Кокклар (грекча сўздан олинган бўлиб, *soccus* – дон, мева дегани) ўзаро бир-бирларидан хужайраларининг жойланишида фарқ қиласи. Якка тартибдаги кокклар *микрококклар* деб аталади. Бўлиниш натижасида хосил бўлган хужайралар жуфтлашганича қолса, улар – *диплококклар* деб аталади. Агар бўйига ва энига бўлиниш натижасида хосил бўлган хужайралар ажрамасдан тўртталигича қолса *тетракокклар* деб аталади. Бўлинишда перпендикуляр ўзаро

юзаси бўйлаб уч марта бўлинса бунда 8-16 та кубокга ўхшаш хужайралар тўплами *сарцина* дейилади. Агарда бўлиниш тартибисиз ҳолатда, яъни узум шингилига ўхшаш бўлса *стафилококк* деб, агар хужайралар қўшилиб узун марジョンга ўхшаш шакл ҳосил қиласа *стрептоокклар* деб юритилади.

б) **Таёқчасимон бактериялар** – (бактерия – грекча сўздан олинган бўлиб таёқча деган маънени билдиради) бу гурухга мансуб бактериялар ҳам алоҳида цилиндрический формада бўлиб, айрим ҳолларда жуфт-жуфт бўлади. Бундай бактериялар *диплобактериялар* деб аталади. Агарда занжирсимон кўринишида бўлса *стрептобактериялар* дейилади. Таёқчасимон бактерияларнинг формалари ҳам ҳар хил бўлади. Спора ҳосил қиласидан бактерияларга чин *бактериялар*, спора ҳосил қиласидан бактерияларга *бациллалар* деб аталади. Бу бактериялар яъни бациллалар ичак касалликларини: бруцеллэз, ўлат, сибир язвоси-куйдирги, қоқшол, қорасон касалликларини қўзғатади.

в) **Спиралсимон-спирилла бактериялар**. Буларнинг формалари вергусимон ёки гажаксимон бўлиб, бир марта букилган бўлса вибрионлар деб аталади, агар икки ёки уч марта қайрилган бўлса спирилла, ингичка бўлса *спирохеталар* дейилади. Бу бактериялар харакатчан, ҳаракати хивчинлар ёрдамида бўлади. Хивчинлари хужайра охирида бўлади. Вибрионлар ичига энг хавфлиси холера-вабо вибрионидир. Спириллалар заарсиз бўлиб, сув тўпламларида ифлос сувларда учрайди. Буларнинг ичига битта тури инсонларда содку-сичқон қопди касаллигини қўзғатади.

Спириллаларнинг ҳаракат органлари хивчинлар бўлиб, уларнинг жойланиши турларига боғлиқ бўлади. Агар хивчинлар битта бўлса монотрихлар, қарама-қарши томонда биттадан бўлса анфитрихлар, хужайранинг бир ёки икки томонида ҳам хивчинлар тўплами бўлса лофотрихлар дейилади. Перетрихларда хивчинлар хужайранинг барча жойларида бўлади.

Бактерияларнинг кўпайиши. Бактериялар оддий, хужайранинг бўлиниш йўли билан кўпаяди. Бўлинган хужайралар кулай шароитга тушса у ҳам тезда ўсиб яна бўлинади. Агарда бактерияларнинг яшаш шароити кулай бўлса уларнинг хужайралари ҳар 20-30 дақиқада бўлинниб туради. Бактерияларнинг тараққий этиши учун шароит етарли бўлса, уларнинг хужайрасидан бир кечакундузда сон саноқсиз бактериялар вужудга келади, бундай

түхтөвсиз күпайиши давом этса улардан ҳосил бўлган бактериялар ер шарининг денгиз ва океанларни ишғол қилиб уларга сифаслиги мумкин. Бироқ биз амалда бундай күпайишни кўрмаймиз. Бунинг сабаби биринчидан, бактерияларнинг модда алмашинуви натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлари уларнинг ўзи учун захарли таъсир кўрсатади, иккинчидан эса бактериялар учун етарли зарур озука бўлмайди ва учинчидан бир хил тур бактериялар ўзаро курашади, натижада улар кўплаб халок бўлади. Бактерияларнинг баъзилари гонидийлар, яъни майда куртакчалар ҳосил қилиб кўпаяди, у она ҳужайрадан ажралиб чиқади ва бўлинади. Ҳар кайси бўлинган қисм ривожланиб алоҳида бактерияларга айланади.

Баъзи бир тур бактериялар нокурай шароитга тушиши билан халок бўлади, бошқа турлари эса спора ҳосил қиласди. Ҳужайра спорага айланиши олдидан протоплазмасидан сувнинг бир қисми қуриб концентранади ва зичлашади, усти жуда мустаҳкам пўст билан қопланади. Ҳар бир бактерия ҳужайрасидан битта спора ҳосил бўлади. Бундай ҳосил бўлган айрим тур бактерия споралари нокурай шароитга жуда чидамли бўлиб, 150°C иссиқликда ҳам бир неча соатлаб сувда қайнатилганда ҳам ўлмаслиги мумкин. Бактерия споралари ўзининг яшаш шароитини 10 йиллаб сақлаб қолиши мумкин.

Бактерияларнинг озиқланиши. Бактериялар хлорофилсиз организм бўлгани учун уларнинг кўпчилиги тайёр озука моддаларидан фойдаланади. Бактерияларнинг бундай тури *гетиратроф* озиқланувчи бактериялар дейилади. Гетиратроф озиқланувчи бактерияларнинг кўп қисми органик моддаларни мустақил вужудга келтира олмайди, улар ўлиқ органик моддалар хисобига яшайди, булар *сапрофит* бактериялар деб аталади. Буларнинг кўпчилиги оқсил моддалар ҳосил қилиш учун органик моддалардан озиқли бирикмалар ҳосил бўлган анорганик моддаларнинг тузларидан фойдаланади. Сапрофит бактерияларнинг баъзи турлари керосин, тошкўмир, торф ва шу каби бирикмаларни парчалаб улардан озиқ сифатида фойдалана олади.

Тирик организм хисобидан озиқланувчи бактериялар тури паразитлар деб аталади. Улар ҳайвон ва ўсимликнинг ичидаги ёки ташкарисида жойлашиб, мураккаб тирик органик моддалар хисобига яшайди. Турли хил касалликларни қўзғатувчи бактериялар ҳам шу жумладандир.

Бактерияларнинг табиатда тарқалиши. Бактериялар бошқа организмларга қараганда анча кенг тарқалган бўлиб, улар ер шарининг барча қисмида – ҳавода, сувда, тупроқда, барча тирик организмларда учрайди. Бактерияларнинг кўпчилиги гетератроф организм бўлғанлиги туфайли органик моддаларга бой мұхитларда, ифлос сувларда, ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқларида кўпроқ яшайди. Сапрофит бактериялар одамларнинг оғиз бўшлиғида, тиш ковакларида ва ичакларда кўплаб яшайди. Бактериялар хлорофилсиз бўлғанлардан, уларнинг кўп қисми гетератроф типда озикланиб, ўз ҳаётий жараёнлари учун зарур бўлған энергияни турли органик моддалар хисобидан олади. Бактериялар органик моддаларни парчалаб оддий моддаларга айлантиради ва шу жараёнда ҳосил бўлған энергиядан карбонат кислотани ўзлаштириш учун фойдаланади.

Бактерияларнинг асосий ҳусусиятларидан биро органик моддаларни анорганик моддаларга айлатириш бўлиб, бу жараёнда табиатда моддалар алмашинувини таъминлайди. Бизга маълумки күёш нури таъсиридан фойдаланиб, яшил ўсимликлар анорганик моддалар(CO_2 ва H_2O)дан органик моддалар ҳосил қиласи, гетератроф бактериялар эса ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўлик моддаларини бузади, парчалайди, натижада яшил ўсимликлар учун зарур бўлған карбонад ангидрид ва турли минерал тузларни ҳосил қиласи. Агар гетератроф бактериялар бўлмагандан ер юзи ҳайвон ва ўсимлик қолдиқлари билан тўлиб кетган бўлар эди ва акс ҳолда ҳавода карбонад ангидрид гази етишмай қолиб яшил ўсимликларнинг фотосинтез жараёни бузилиб ер юзида ҳаёт ҳам тўхтаган бўлар эди. Ер ости казилма бойликларидан тошкўмир, нефть ва бошқа конларнинг ҳосил бўлиши ҳам бактерияларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Патоген бактериялар. Гетератроф бактерияларнинг кўп турлари паразит ҳолда ўсимлик ва ҳайвон ҳужайрасида, тўкималарида яшаб турли хил касалликларни келтириб чиқаради ҳатто уларни ҳалок қиласи. Бундай бактериялар *патоген* бактериялар деб аталади. Инсонлардаги сил, вабо, тиф, дизентерия ва бошқа юқумли касалликларни, ҳашаротлардаги жумладан ипак куртида ўлат, қончириш, лиққоқ ва токсикоз касалликларини патоген бактериялар вужудга келтиради. Бактерияларнинг бъзи турлари ўзи учун зарарсиз, аммо турли хил бактерияларни ўлдирувчи

кимёвий фаол моддалар ишлаб чиқаради. Табиатдаги барча бир хужайралы ва күп хужайралы организмлар иккита катта гурухга: *прокариот* ва *эукариот*га бўлинади.

Прокариотга бактериялар ва кўк-яшил сув ўтлари киради, эукариотга эса барча яшил ўсимликлар ҳамда ҳамма сув ўтлари, замбуруғлар ва ҳайвонлар киради. Прокариотлар эукариотлардан айрим белгилари, хужайра структуралари, генетик тузилиши (ДНК) цитоплазмада бўлиши, ядро мембранаси тарқоқ ҳолда бўлиш кабилар билан фарқ қиласди. Эукариотларда эса ҳақиқий ядронинг ва ядро қобигининг бўлиши, хужайра тузилишига эга бўлиши билан ажralиб туради.

Микроорганизмларнинг систематикаси ва классификацияси. Барча тирик организмларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганишда, уларни алоҳида белгиларига ўхшашибликларига яаша ва кўпайиш усулларига қараб систематик гурухларга, таксономик категорияларга солиб ўрганилади. Таксономия (грекча сўз бўлиб *taxis*-жойланиш тартиби, *nomos*-конун маъносини англатади) конун асосида тартибга солиниб, ҳар бир тур лотин тилида бинар номенклатураси бўйича икки хил ном, турнинг ва авлоднинг номи билан номлаш тавсия этилган. Масалан, ярали стафилакокк – *Staphylococcus aureus* сибир язвасини қўзғатувчи бацилла – *Bacillus anthracis* куртларда стрептококк касаллигини қўзғатувчи – *Streptococcus bovis*, куртларда ичак касалликларини қўзғатувчи – *Bacillus thuringiensis* ва бошқалар.

Одатда турларни аниклагичлар ёрдамида уларнинг морфологик, физиологик хусусиятларининг бир хиллиги ёки ҳар хиллигига қараб аникланади. Айрим ҳолларда турларнинг номланиши ёки авлоднинг номланиши шу турни топган олим ўз номи билан атаси мумкин, чунки у аниқ турларга нисбатан бошқа белгилари билан фарқ қилиб бутунлай бошқа авлод ва тур бўлиши мумкин. Масалан, *Escherichia coli* тури немис олими Эшериха номига, ламбия рус шифокори Ламбия, сальмонелла американлик микробиолог Сальмон, япония микробиологи Ши номи Шигелла авлодларининг номлари муаллифлар номлари берилган.

Микробиологияда “Штамм” ва “Клон” деган тушунчалар бўлиб, Штамм – бир хил шароиттга бир вақтнинг ўзида, бир жойдан ажратиб одинган бир хил турдан ёки мутация натижасида олинган тур айғим белгилари билан фарқ қилиниши мумкин.

Масалан: антибиотикларга чидамлийлиги, касаллантириш дара-жаси паст бўлиши ёки юқори бўлиши ҳамда ҳар хил биокимёвий ва физиологик белгиларига қараб фарқ килиши мумкин, аммо булар ўша тур ва авлод хоссаларини ўзида мужассамлантирган бўлади. Клон-микроорганизмнинг битта ҳужайрасидан ўстириб олинган култураси ёки популяциясидир. Клон тушунчаси асосида ҳужайрани метоз бўлиниши она ва қиз ҳужайраларга генетик информацияларнинг тенг бўлиниши ётади. Клон бу генетик бир хил ҳужайрадан тузилган бўлади.

Ҳозирги вақтда микроорганизмларни классификацияга солған олим Д. Берджи бўлиб, у ўзининг 1978 йил нашр этилган “Бактерияларнинг аниклагичи” (инглиз тилда) китобида бактерияларнинг барча физиологик ва морфологик хоссалари кўрсатилган. Бунда 1500 турдан ортиқ микроорганизмларга таъриф берилиб системага солинган.

Прокариотлар гурухига мансуб бактерияларни Берджи аниклагичи бўйича иккита бўлингма бўлади.

1. Цианобактериялар (кўк яшил сув ўтлари)
2. Бактериялар.

Бу аниклагичда кўпроқ бактериялар бўлими ўрганилган бўлиб, бактериялар 19 та гурухга бўлинган. Шундан 5-гурух спирохитлар, 9-14-гурухларга гонококк, стрептококк, стафилококклар, 8-гурухга ичак ва вабо касалликларини кўзгатувчилари, 15-гурухга актиномицетлар, микобактериялар ва нокордиялар, 17-гурухга риккетсиялар, 18-гурухга хламидиялар ва 19-гурухга эса микоплазмалар киритилган.

Замбуруғлар, содда ҳайвонлар ва вируслар классификациясининг бошқа системасига киради. Буларни Берджи ўзининг аниклагичига киритмаган.

Бактериялар систематикасида асосий физиологик белгиларидан бири уларнинг овқатланишидир. Улар бутун танаси орқали атроф мұхитда эриган моддалар билан озиқланади. Улар оқсил ва углеводларни ҳамда бошқа мураккаб бирикмаларни парчалаб, ҳар хил моддаларни: спирт, сут кислотаси, пептон ва пептидлар, аммиак ва ҳоказоларни ҳосил қиласди.

Бактериялар табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар тупрок, сув, ўсимлик ва ҳайвон организмларида яшаб, айримлари одам, ҳайвон ва ўсимликларда ҳар хил юқумли касалликларни кўзгатади.

Бактерияларни ўрганадиган фан “Бактериология” деб атала-ди. Бу фан одам, ҳайвон ва ўсимлик касалликларини ўрганиш жараёнида келиб чиқган. Бактериялар ҳашаротларда айниқса фойдали ҳашаротларни касалликларини ўрганишда жумладан, ипак қурти, асалариларнинг касалликларини олимлар илмий изланишлар натижасида ҳар томонлама ўрганишган.

Умуман ҳашаротларда ва ўсимликларда касаллик қўзғатувчи бактерияларнинг касалликлари бактериоз деб аталади, худди шунингдек замбуруғ касалликлари микоз, чувалчант касалликлари эса гельминтоз деб юритилади.

В.Д. Штибен ҳашаротлардаги касаллик ўсимлик касалликларидан қандай фарқ қилса, умуртқали ҳайвонларда ҳам шундай, буларда қандайдир умумийлик бор, уларни касалликларини фаркларини ажратиш анча қийин, шунинг учун ҳам ўсимликлардаги, ҳашарот ва ҳайвонлардаги бактерия касалликларини умумий килиб бактериоз деб юритилади. Ҳашаротларнинг бактериози қанчаки ташки белгилари билан бошқа бактериозларга ўхшашидан қатъий назар касалликлар систематикасининг қоидаларига асосан бутунлай мустакил равишдаги касаллиkdir. Улар бир-бирларидан этиологик, паталогик ва касаллик қўзғатувчиларининг турлари ва патогенез хусусиятлари билан фарқ қиласди.

XIX аср ўрталарида фақатгина биргина микроскоп ёрдамида касаллик қўзғатувчиларини аниқлашга уринишган, аммо буни аниқлаш учун энг аввало бактериялар ситетасини, бактериологик услубларини ўрганишга анчагина вақт талаб қиласди.

Хатто XX аср бошларида ҳам ипак қуртининг бактерия касалликларини ўрганишда кўплаб маълумотлар йигилган. Олимлар ўргасида тортишувлар, баҳслар бўлиб, бу баҳс ва тортишувлар фляшерия-ўлат касаллиги устида бўлган.

ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ БАКТЕРИЯ КАСАЛЛИКЛАРИ

Тут ипак куртининг ўлат – фляшерия касаллиги

Тут ипак куртининг бактерия касалларини келиб чиқиш сабабларига кўра иккита гурухга бўлишимиз мумкин.

1. Бактериялар хужайраси озиқ моддалар билан ичакка ўтиб ичак фаолиятини бузиб касаллантирувчи паразит бактериялар.

2. Бактериялар жароҳатланган жойдан куртнинг қон суюклигига ўтиб уни касаллантирувчи бактериялар.

Овқатланиш жараёнида озиқ моддалар билан бирга ичакка ўтиб ичак касалларини қўзғатувчи бактерияларга ўлат, лиққоқ таксикоз касалларини мисол қилиб олишимиз мумкин. Ўлат касаллигини қўзғатувчи бактерияларнинг ривожланиши учун ташки мухит омилларидан ҳавонинг нисбий намлиги ва ҳарорат катта рол ўйнайди.

Фляшерия – ўлат чақиравчи касаллик деган сўз, у Франциянинг жанубидаги ипакчилар Л.Пастер билан биргаликда адабиётларга 1870 йилларда киритган. Ҳозирги адабиётларда ўлат деб юритилади.

Бу касаллик Ўзбекистонда пиллакорлар ўргасида “Қорасон” ёки “Қоратобон” деб юритилади.

Пастер ўз замонасида фляшерия ва пебрина билан ўлган куртларнинг танасидан шу фарқларни аниқлайдики, фляшерия билан ўлган куртда пебрина бўлмасдан унинг ичагида бактерияларнинг жуда кўп микдорда кўпайганлигини исботлайди. Одатда фляшерия билан ўлган курт пилласи унча кўп пачоқланмайди, аммо пилла ичида ўлган куртдан корамтир-кўнгир ёки қора суюклик оқиб пиллаларни ифлослантиради. Бундай пиллалар “Қора-пачоқ” пиллалар бўлиб, бу пиллалардан чириган олманинг хиди келади.

Касаллик қўзғатувчиси ўша вақтларда ўзига хос терминномлар билан аталиб, аниқ бактерия номлари билан аталмаган. Пастер ўлат-фляшерия касаллиги билан касалланган куртдан “ядроли пибрионлар” алоҳида якка-якка кичик бактериялар, занжирсимон кўринишли доначаларни (стрептококк) кузатган. Бу бактерияларнинг микроскопик тузилиши тасвирланган, аммо бу бактерияларнинг фляшерия касаллигини қўзғатиши мумкин деган маълум бир фикрга келмаган.

Фляшерия билан касалланган қуртлардан тоза культура-бактерияларни ажратиб олишга уурган ва мувофиқ бўлган олим Макиатидир. У Л.Пастер кузатган бактериялар билан бир хиллигини аниклади ва у бу бактерияларни ипак курти бацилласи деб номлади.

Кўпгина олимлар илгари бу бактерия тупроқда учровчи *Bacillus megatherium* деб ҳисоблашди. Кейинчалик эса кўпгина муаллифлар, олимлар Маккиати ажратган бактерия алоҳида энтомопатоген бактерия *Bacillus lombycis* тури деб ҳисоблашди.

XIX аср ўрталарида касаллик қўзғатувчи бактерияларни касаллик қўзғатишини тасдиқлаш учун учта талаб қўйилган эди. Бу талаб “Триаду Коҳа” деб номланган:

- 1) Касаллик қўзғатувчи бактерия тоза культурасини ажратиш.
- 2) Тажрибада организмни касаллантириб кўриш.
- 3) Ўрганилаётган касалликнинг клиник белгиларини ва аломатларини характерлаб бериш.

1905 йил С.Ишивата ипак куртининг юқори токсинли соттобацилла деб аталувчи ичак таксикози касаллигини қўзғатувчи-сини ва у қуртларнинг оммавий ўлимига сабаб бўлишини аниклади.

Фляшериянинг ривожланиш жараёнида қуртнинг ичак флокусида бир қанча бузилишлар содир бўлади. Ичак деворларининг функцияси бузилади. Касаллик аниқ қўзга ташланади ичак эпителияси хужайралари емирилиб ипак курти ўлади.

Фляшерия касаллигини қўзғатувчиси яқин вақтларгача ҳам аниқ бўлмаган 1960 йилларда Япония олими Ш.Ямазаки ўлат-фляшерия касаллигини вируслар ҳам қўзғатишини аниклаган. Ўлат касаллигининг турлари кўп бўлиб, уларни вируслар ва бациллалар келтириб чиқарди.

Бациллалар ва вируслар томонидан фляшерия-ўлат касаллигига йўлиқкан қуртларнинг ўрта ичагида вирус ва бациллалар жадал ривожланиб, ичак тўқималаларини бутун ички бўшилик тўқималаларини емириб чиритади ва улар ўлеми олдидан дасталарга ва сўкчакларга осилган ҳолатда ўлади. Айрим қуртлар пилла ўраши ҳам мумкин, аммо юпқа пўчокли пиллаларни ҳосил килиб пилла ичиди нобуд бўлади. Қуртларнинг пилла ичиди чириш ёки осилиб ўлганларидан сизилиб чиқган суюклик пиллаларда доғлар ҳосил килиб нобоб пиллаларга айлантиради.


Ўлат-фляшерия касаллигини қўзғатувчи бациллалар *Bacillus thuringiensis* ва *Bacillus prodigiosus* ривожланиши учун ташки мухит факторларидан ҳорорат ва намлик катта рол ўйнайди.

Юқорида кўрсатилган бациллалар ипак қуртининг ичагига барг билан оғиз бўшлиги орқали ўтиб у ерда оммавий кўпайиши натижасида ўзидан кўплаб ўткир захар-токсин ишлаб чиқаради. Ошқозонда кўплаб тўпланган захар натижасида қуртлар дастага кирмасдан тўклилади, қуртнинг ичак функциялари бутунлай бузилади ичак ширасининг ишқорийлиги ошади pH 8.9 бўлиб ишқорийлиги бутунлай ошиб истеъмол қилинган баргларнинг бўлакчалари чирийди.

Ўлат касаллигининг пайдо бўлиши асосан ипак қуртининг 5-ёшида содир бўлади, сабаби бу ёшда улар энг кўп барг истеъмол қилади, натижада ошқозонда тўпланган озиқ моддаларнинг таркибида микроорганизмлар ривожланиб, ичак эпителийсинг натижада эмирилишига сабаб бўлади, аста-секин эса ипак қуртининг бутун бўшлифига ўтиб ички органларини захарлайди (1-расм).

Ўлат касаллигига чалинган қуртлар берилаётган баргларга бефарқ қарайди, безовталаиди ва доимо харакатда бўлиб берилган барг шохларига, сукчакларга, хона деворларига ҳатто шипларга, ерларга тарқалиб ўрмалаб юради. Касаллик авжига чиққандা, қуртлар ўлими олдидан оғиз бўшлигидан кусуклар ажralиб туради, кусук билан бирга барг парчалари кўринади. Қуртнинг орқа чиқарув тешигидан қора суюқлик ҳам ажralиб чиқиб туради. Касалликдан нобуд бўлган қуртлар охирги бўғимлардаги ёлғон оёқларига осилган ҳолатда осилиб ўлади. Бундай кўриниш вирус фляшериясида ҳам содир бўлади, буни биз вирус касаллиги мавзусида атрофлича кўриб чиқамиз. Ўлат касаллигини қўзғатувчи бактеријаларнинг ривожланиши ипак қуртининг ичак ширасини ишқорийлиги паст ва юқори бўлишига қараб учта фазада боради:

1-фаза. Ичак ширасида стафилакокклар ривожланиши ва улар томонидан фаол моддалар ажralиб чиқиши натижасида ўта



1-расм. Ўлат касаллиги билан касалланиб ўлган ипак қурти

захарли моддалар түпланиб қуртнинг энг кўп барг истеъмол қилиши вақтига тўғри келади. Захарли моддаларнинг кўпайиши Мальпигиев найларини ишдан чиқаради, ичак ширасини бактерияларни ўлдириш қобилияти йўқолади, натижада бактерияларнинг кўпайишига имкон туғилади, шу билан ўлат касаллигининг биринчи фазаси тугалланади.

2-фаза. Ичак ширасининг ишқорийлиги янада пасайиб, ферментлар фаоллиги пасаяди. Натижада ипак қуртнинг функционал органлари заарлана бошлайди. Ичак шираси ишқорийлиги ўта пасайиб кетиши билан бу фаза ҳам тугалланади.

3-фаза. Ипак қуртнинг конига захарли моддалар ўтиб бутун органлари чирийди, улар түпланиб касалликни тезлаштириб қуртнинг ўлимига сабаб бўлади.

Ипак қуртнинг қон чириш – септициемия касаллиги

Тут ипак қуртнинг қон чириш-септициимия касаллиги қоннинг яни гемолимфанинг таркибида бактерияларнинг ривожланиши оқибатида содир бўлади. Касалланган қуртнинг иштахаси бўлмайди, у кам харакатда бўлиб айрим ҳолларда ўлимига қадар ўзининг ташки кўринишини йўқотмайди, соғлом қуртлардан фарқ қйлмайди. Агарда касаллик фаол кетса қурт кусади, танаси тортишиб чангчак бўлиб қолади. Агарда касаллик секин кетса, унда қуртлик даврида ёк танасининг айрим жойлари қорайиб чирий бошлайди. Айниқса кўкрак сигментларидан бошлаб, тўқималари қорая боради (2-расм).

Септициимиянинг ҳар томонлама тажрибалар орқали ўрганишда ҳашаротларнинг ичак бўшлиғи орқали турли хил бактериялар билан заарлаб кўрилганда натижасиз бўлиб чиқади. Шунга карамасдан бактерияларнинг айрим вирулент турларини кўп дозада синаб кўрилганда куртлар сепсис бўлганлиги аниқланган.



2-расм. Қон чириш касаллиги билан касалланган ипак қурти

Ипак куртида септицемияни қурт боқиши жараёнида күпинча спора ҳосил қылмайдиган бактериялар. (псевдомопас, эшерихия салмонелла шигелли каби) авлодларнинг вакиллари эпизоотий келтириб чиқариши аниқланган. Бундан ташкари спора ҳосил құлувчи бактериялардан *Bacillus subtilis*, *Bacterium mesentericus*, *Bac anthracoides* ҳам жуда кам міқдорда учраган.

1931 йилда Туркманистанда қурт боқиши вактида энг кучли вирулентли септицемия касаллигини келтирүвчи бактерияни Штибен аниклаб *Bacterium turkesgtanicum* Stieben деб номлайди. Штибенниң Туркистан бактерияси фақаттана касалликнинг ташқи белгиларини ҳосил қылмасдан потологик күренишларини ҳам, ҳатто бир қанча вактдан кейин қурт танасининг ёғ таначаларидан эноцидларни ҳам заараланган, кейин эса умумий ички бүшлиқдаги барча тұқималар ҳам бактериялар билан түлган.

Ҳашаротларнинг цеңлом бўшлигини инфекцияга қарши химояси қон системасига нисбатан тери қатламининг механик химояси фойдали хусусиятига эга, чунки жароҳатланмаган тери орқали бактериялар қуртни касаллантира олмайди. Касалланиши яъни касалликларнинг юқиши янги жароҳатланган тери хисобланади. Жароҳатланиш сабаблари асосан қуртни боқиши жараёнида уларни ғаналашда баргли новдаларни қўпол равишда қўл етмаган жойларга отиб барг беришда, айниқса ғаналашлар даврида қуртлар пўст ташлаш даврида уларнинг тери қатламлари унча қотмаган бақувватлашмаган пайтда, қуртлар жуда қалин бўлган пайтда, қуртларни чумоли ва арилар чақиб жароҳатлагандага инфекцияни келиб чиқиши, яъни септицемиянинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Септицемиянинг келиб чиқиши сабабларидан яна бири жароҳатланган ичак ҳам ҳисобланади, яъни ичак механик таъсирида ёки бошқа сабаблар билан айрим тур бактерияларнинг токсинлари таъсирида ҳам бактериялар гемолифага кириб иккиласми септицемияни қўзғатиши мумкин.

Ипак куртида ҳамма бактериялар ҳам қончириқ касаллигини оммавий – эпизоотия қиласвермайди. Эпизоотия ипак қурти бокиладиган жой юзасида касаллик қўзғатувчи бактериянинг міқдорига боғлиқ бўлади. Эпизоотиянинг ҳосил бўлиши боқиши жараёнидаги жойига, ғанани чиришига, касал қуртларнинг суюқ экскременти кабиларга ҳам боғлиқ бўлади.

Ипак куртларининг оммавий ўлими уларнинг ҳолатига ҳам боғлик, чунки нимжон ҳолатдаги куртларда касалликни қабул қилиш даражаси кўп бўлади. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики ёзги қурт бокиши даврида ипак куртларининг бактерия касалликларига чидамсизлиги ортиб, кам вирулентли бактериялар ҳам уларнинг ўлимига сабаб бўлади.

Штибенning кузатишлари бўйича температуранинг юқори бўлиши куртларни септик касалликларига нисбатан касалликни қабул қилиш даражаси ортгани, айниқса температура 25° дан юқори бўлганда эпизоотий яъни куртларнинг оммавий ўлими, температура 20° дан паст бўлганда эса секинлашгани кузатилган.

Умуман эпизоотиянинг ривожланишида қурт бокиши майдони ҳам катта аҳамиятга эга. Майдон қанча катта бўлса эпизоотияга шунча имконият кам бўлади, қанча тор ва кичик бўлса, куртлар шунча бир бирларини ёлғон оёқларидаги тирноклари ёрдамида инфекцияни тарқалишига сабабчи бўлади.

Кон чириш касаллиги куртларнинг ёшларига ҳам боғлик бўлади, чунки кичик ёшларда куртларнинг танасидаги тукчалар қалин бўлади, бешинчи ёшларида эса тукчалар сийрак бўлиб химояланиш кам бўлади, натижада катта ёшларда қончириш касаллиги кўпроқ учрайди.

Айрим қончириш касаллигини қўзғатувчи бактерияларнинг тавсифи


Ҳашаротлардаги жумладан тут ипак куртининг қончириш-септицемия касаллигини сунъий равишда кўпгина бактерия турларини ҳужайраларини қуртнинг қонига ўтказиб қўзғатиш мумкин. Куртларнинг оммавий септицемия касаллигини қўзғатувчи *Proteus vulgaris* бактериясидир. Бу бактерия формасини ўзгартирувчи, яъни ўзгарувчан бактерия бўлиб, коккобациллардан то ипсимон формаларда бўлиши мумкин. Бу бактерия авлодининг айрим турлари совуқонли ҳайвонларда (саламандра ва бакаларда) ҳам қончириш-септицемия касаллигини қўзғатади.

Тут ипак куртида септицемия касаллигини бошқа яқин турлардан *Proteus bombycis*, *Bacterium turkestanicum Stieben* лар ҳам қўзғатади.


Bacterium turkestanicum кичик (коксимон) калта таёқча бўлиб катталиги $0,7\text{-}0,8 \times 0,5\text{-}0,6$ микрон келади. Бактерияда битта

хивчинча бўлиб, секин харакатчан, спора ҳосил килмайди, 30-37°C да яхши ривожланади, 60°C да 15 минутдан кейин ўлади. Сунъий муҳитда ўсади пигмент ҳосил қилмайди. Бундан ташқари ипак қуртида қончириш касаллигини қўзғатувчи *Bacterium prodigiosum* тури бўлиб, қизил пигмент ҳосил қиласи. Модда алмашинуvida ҳосил бўлган бу пигмент антибиотик хусусиятга эга бўлиб, бошқа микроорганизмларнинг ривожланишига таъсир килиб уларни ўлдиради.


Септицемия ўлган ипак куртларида иккинчи учинчи кунларда қизил рангли пигмент ҳосил қиласи. Куртларнинг ўлиги 20-27°C ҳароратда кўп пигмент ҳосил қиласа 37°C да бактерия ўсмайди, пигмент ҳосил килмайди (3, 4, 5-расмлар).



3-расм. Қон чириш касаллигини қўзғатувчи бактерия – *Proteus vulgaris*



4-расм. Қон чириш касаллигини қўзғатувчи Туркистон бактерияси – *Bacterium turkisticum*



5-расм. Ажойиб таекча – *Bacterium prodigiosum*

Ипак қуртининг лиққоқ – стрептакокк касалликлари.

Ипак қуртининг стрептококк касаллиги қадимдан маълум бўлиб, бу касаллик асосан куртлик даврида кўзга ташланади. Бу касалликнинг характерли белгиларидан бири қуртнинг ривожланиши жуда секин ўтади, кам озиқланади, тенгқурларига нисбатан кичик бўлиб тери қатламида ажинлар пайдо бўлади, ранги қўнғирлашади, куртда ич кетиш содир бўлади. Бундай куртларда кўплаб клиник белгилар содир бўлади, пўст ташлай олмайди, айрим куртлар пилла ўрайди, аммо ғумбак ва капалакка айлана олмайди, юпқа пўчоқли пиллаларни ҳосил қиласди. Фарбий Европада ипакчилар бундай касалликни ялтирибош, ялтироқ тана, гаттина деб аташган. Касал куртлар ўраган пиллалар ичидаги ўлиб қотиб қолиши, куртлик даври узок вақтга чўзилиши ҳам касалликнинг асосий аломатларидандир.

Касалликни кўзгатувчи стрептакокклар қуртнинг ривожланиши даврида неврогармонлар фаолиятига мунтазам равища да таъсири уни ўсишдан қолдиради (6-расм).



6-расм. Лиққоқ касаллиги билан касалланган ипак қурти ва касаллик кўзгатувчи бактерия – стрептококкнинг микроскопда кўриниши

Стрептококк касаллигини қўзғатувчи бактерияларни занжирсимон организмлар қўзғатишини 1874 йилда Билброт биринчи бўлиб касал одамнинг тўқималарида аниклаган. 1884 йилда эса Розенбах бундай занжирсимон бактерияларга стрептококклар авлоди деган номни беради. 1972 йил Ф. Кон бундай организмларни микрококклар деб номлаган. Шунинг учун ҳам ипакчиликда стрептококк касаллигининг қўзғатувчиси номи олдин *Micrococcus bombycis* деб номланади.

Стрептококклар сут ачитқиларига ўхшаб қизил қон тана-чаларини парчаламаганлиги туфайли Штейнхаус 1946 йил энтра-кокклар авлодига қўшади. Энтрококклар авлодига кирувчи 4 та тур бир бирларига ўхшаш бўлиб, уларнинг бири глицеринда ўсиши билан характерланади, мана шу тур ипак куртини касаллантиришини Лисенко 1958 йилда аниклади.

Ипак куртини касаллантирувчи яна бир организм асаларидарда стрептакокк касаллигини қўзғатувчиси *Streptococcus apis* бўлиб, бу *Streptococcus bombycis*дан жилатинани парчаламаслиги билан фарқ қиласди. Шундай қилиб стрептакокклар олдин ипак курти ичагида, ўрта ичакнинг узунчоқ мускул тўқималарида харакат қилиб, фагоцитоздан ҳоли бўлиб, кейин халқали мускул тўқималарга ўтади, аста-секин эса барча ҳужайраларни зарарлайди.

Стрептококк билан касалланган қуртлар метаморфоз давригача ҳам бориши мумкин. Айрим маълумотларга қараганда улар метаморфоз даврида қуртнинг личинкалик тўқималарини парчалашда иштирок қилиш мумкин деган хуносалар ҳам бор.

Ипак куртининг стрептококк касаллиги ипак курти ичагининг ўрта қисмида стрептококкларнинг фаол кўпайишидан ҳосил бўлади. Бу касаллик асосан қуртларнинг охирги 3,4,5 ёшларида кўзга ташланади. Айрим вақтларда ликқоқ билан касалланган қуртлар оқ, ялтироқ бўлиб кўринади, чунки курт пўст ташлай олмасдан эски ва янги пўст ўргасида туллаш (пўст ташлаш) суюклиги йигилади. Натижада қуртнинг трахея тешклари ҳам аниқ кўринишда бўлади. Қуртнинг ичак канали барг бўлакчаларини тўхтата олмасдан, ичак канали шилимшиқ типик модда билан тўлган бўлади. Бундай касалланган қуртларнинг кўкрак бўғимлари шишиган, бош кўпроқ кўтарилган бўлади.

Стрептококкларнинг ривожланиши учун ичакдаги ўзгаришларнинг унча бузилмаслигидир, чунки ипак куртининг стрептококк касаллигини қўзгатувчиси ичак ширасининг юқори ишқорийлигига чидамли бўлишидадир. Шунинг учун ҳам стрептококклар бошқа бактерияларга нисбатан ичакда кўпроқ учрайди. Кўпинча энтерококклар мухитнинг ишқорийлиги ($\text{pH} - 10,0$) жуда юқори бўлганда ҳам учраб туради.

Ўлат касаллигини қўзгатувчи бактерия флорасидан стрептококни ривожланиши ичак ширасининг меъёрийлигидан бирозгина фарқ қиласди. Бундан ташқари кўплаб стрептококклар ривожланиб ўлган ипак куртида ичагидан таксин бирлигини аниқлаш учун уринишлар бўлган, аммо ижобий натижা бўлмаган. Балки стрептококк ҳосил қилган токсингарлар куртнинг ичак хужайраларида эндотоксин ҳолатда ҳам бўлиши мумкин.

Ликқоқ касаллигини аниқлашда авваламбор ипак куртининг ташки белгиларига қараб ҳарактерлаш керак бўлади, зарур бўлган пайтларда эса касалланган куртнинг ўрта ичагидан бир томчи суюқликдан олиб уни микроскопда кузатилади. Бундан ташқари куртдан олинган препаратни агарланган мухитга экиб кўрилса, стрептококкнинг рангсиз колонияларини кузатиш мумкин.

Бу касалликни олдини олиш учун ипак куртини боқиш жараённида керакли озиқланиш майдони, янги озука, меъёрий ҳарорат ва ҳаво, ҳамда намлик бўлиши керак бўлади, шундагина ликқоқ касаллиги билан айрим куртларгина касалланиши мумкин.

ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ВИРУС КАСАЛЛИКЛАРИ

✓ **Вируслар тўғрисида қисқача тушунча.** Барча тирик организмларни касаллантирувчи паразит микроорганизмлар маълум бир мухитда ўсади ва ривожланади. Маълумки инфекцион касалликлар тўғрисидаги тўплланган кўплаб маълумотлар XIX аср охирларида атрофлича ўрганила бошлади. Уларни микроскопда кузатиш, сунъий мухитда ўстириш, касаллантириш даражаларини аниқлаш, системага солиш каби барча хоссалари ўрганила бошлади. Шунга қарамасдан айрим микроорганизмларни қанчаки ўрганишга ҳаракат қилмасин, барибир касаллик қўзгатувчисини аниқлашга, уни микроскопда кўриш-кузатиш имкони бўлмаган. Рус олимларидан бири Д.И.Ивановский томонидан 1892 йилда

тамаки мозаикасини ўрганиш натижасида шуни исботлайди, касаллик кўзгатувчиси микроскопда кўринмайди, сунъий муҳитда ўстириб бўлмайди, бу вирус-захар деб изохлади. Касалликни кўзгатувчиси ультраструктурали бўлганилиги учун бактерия фильтридан ўтиши билан бактериялардан фарқ қилишини ва бактериялардан ҳам кичик организмлар, яъни вируслар борлигини исботлаб берди.

Олимлар томонидан вируслар фақат тирик тўқималарда ўсиши ва уларнинг бошқа хусусиятлари аста-секин ўрганила борди. Бактерия фильтридан ўтувчи вируслардан ташкари риккетсийлар ва микоплазма организмлар ҳам борлиги аникланди.

Вирусларнинг бактериялардан ва микроскопик замбуруғлардан фарқи шундаки, уларни сунъий муҳитда ўстириб бўлмайди, уларни зарарлаган муҳитдан ажратиб олиш ҳам қийин. Вирусларни кузатиш ва ажратиб олиш учун касалланган тўқималарни эзиб, бактерия фильтридан ўтказилади, бу фильтрат бир дакиқада 60 минг мартағача айланадиган центрофугалар ёрдамида чўқтирилиб, электрон микроскопларда кузатилади.

Вируслар уларнинг таркибидаги нуклеин кислоталарни миқдори, яъни ДНК ва РНК ларнинг миқдорига қараб иккита типга бўлинади. 1940 йилларда вируслар ўсимлик вируслари ва ҳайвон вируслари деб ажратилган. Вирусларнинг биокимёвий тузилиши электрон микроскоплар ёрдамида ўрганилиб, уларнинг бир бирларидан фарклари вирионлар таркибидаги иккита нуклеин кислотанинг тузилишига қараб ажратилган.

Вирионлар ва ҳашаротларнинг вирус касалликлари. Вирионлар вирусларнинг вояга етган бир қисмидир, бу қисмни “вируснинг инфекцион бир бўлаги” деб юритилади.

Вирион ДНК ва РНК нинг бирламчи ёки иккиласми или бўлиб, оксилли қобик билан ўралган, бу эса унинг формасини ҳосил қиласди. Электрон микроскопда кузатилгандан уларнинг танаси, яъни формаси шар ёки тухумсимон кўринишда бўлиб, капсомер деб аталади. Капсомер оксилли футляр - капсид қобик ҳосил қиласди. Капсомерлар икки турда бўлади. Биринчи тuri таёқчасимон вирусларда капсидлар цилиндрисимон маккажўхори сўтасини эслатади. Иккинчи тuri шарсимон вируслар кўп киррални капсидларни ҳосил қиласди, улар ҳашаротларнинг турсимон мураккаб кўзларини эслатади.

Вирусларнинг хужайрага кириши шундай бўладики, у ёпишган ерида хужайра мембраналарига илашиб вакуола ҳосил қиласди у ўзи билан бирга вирионни ҳам қамраб олади хужайра цитоплазмасига жойлашади, бир вактнинг ўзида вирион алоҳида таркибий қисмларга ажралади, яъни у эриб ўзининг характерли белгиларини ҳосил қиласди. У қобикнинг таркибидаги липидларни эритади, капсид эриб ички муҳитга сингади ва вируснинг ДНКси вирион қобигидан озод бўлади (7-расм).

Хужайрага кирган вируслар янги авлодларни вирус вирионларини ҳосил қиласди. Бу даврда уларни аниқлаш қийин бўлади, бу бошлангич фаза бўлиб хужайра вирусининг эклипс фазаси деб аталади. Хужайрада вируснинг ривожланиши сезиларли даражада хужайранинг морфологиясини биокимёвий ва физиологик жараёнларни бузиб вируснинг вояга етган формалари вирионларни ҳосил қиласди. Натижада хужайра вирионлар билан тўлиб, парчаланиб, бутун ички аъзолари вирионлар билан биргаликда ҳашаротларнинг ички бўшлигига вирус танаҷаларини ҳосил қиласди.



7-расм. Вирион янги
капсид эриб вируснинг
ДНК вирион қобигидан озод
бўлиши

✓ Тут ипак қуртининг сарик касаллиги ва унинг аломатлари

Ипак қуртининг вирус касаллиги билан табиий заарланиши унинг овқат ҳазм қилиш системасида ичак ҳисобланади. Бундан ташқари вирус ипак қуртига терисининг жароҳатланган жойидан, ҳатто нафас тешикчалари орқали ҳам юқиши мумкин.

Ичакнинг ичак шираси таъсирида полиздра парчаланиб, ундан вирионлар ажралиб чиқади, бунда албатта ичак ширасининг pH 9-9,5 бўлиши керак. Бу ҳолат ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди, чунки ичак ширасидаги pH курт катталашган сари ошиб бориши мумкин.


Ипак қуртининг ичак хужайрасига вирус киргандан кейин вирион ўз қобигидан озод бўлиб, ичак хужайралариаро ичак эпителиясига ўтади.

Умуман тут ипак қуртнинг сариқ касаллиги полиэдрлари капалакда ва қўйган тухум тўпламларида аниқланган. Вирус тухумга овогенез даврида, яъни тухум қобиги ҳосил бўлмасдан олдин муртакнинг хужайрасига ўтади.

С.Н.Алимухаммедовнинг тажрибаларига асосан вируснинг полиэдрлари эркак капалакларнинг сперматозоидларида, копулятив сумкачаларида, яъни сперматозоид сакланадиган халтачаларда, ургочи капалакларнинг уруғ қабул қилувчи тухум йўлларида, урғочилари қўйган, яъни оталанган тухумларида ҳам бўлиши аниқланган (8, 9-расмлар).



8-расм. Бешинчи ёшдаги касалланган ипак қуртнинг уруғ халтачаларида полиэдрларнинг кўриниши



9-расм. Вирус билан касалланган қуртнинг тухумонларидаги полизэрлар:
1-соглом ҳужайралар; 2-касалланган ҳужайраларда ядроларнинг
гипертрофияланиши; 3-полизэрлар

Микроскопда текшириш натижаларида шу нарса аниқланганки, эндицина тухумдан чиқкан күрт сариқ касаллиги билан касалланиб жонланган куннинг иккинчи куни ёткізгендегі үлганды.

Тут ипак құртидаги касалликтарнинг юқиши унинг ёшига, хажмига ҳам боғлиқ бўлади. Бундан ташқари ҳаётий жараёнларда овқат сифатининг пастлиги, намликтарнинг юқори бўлиши куртларни қувватсизлантириб, касалликга тез берилувчан бўлиб қолади. Ипак қуртининг сариқ касаллиги кўпроқ куртлик даврида учрайди. Аммо бу касаллик қуртининг кичик ёшида ҳам асосан учинчи ёшда учраши мумкин.

Касаллик қуртининг бошқа фазаларидан яъни гумбаклик даврида ҳам учраганлиги олимлар томонидан топилган.

Сариқ касаллигининг инкубацион даври икки босқичда бўлади. Биринчи босқич вирионларнинг полиздрдан чиқиб ҳужайрага кириши бўлса, иккинчи босқич касалликнинг клиник белгиларини ҳосил бўлишидир.

Тут ипак қуртини сариқ касаллиги асосий белгиларидан бири касалланган куртлар безовталаниб овқатланишдан қолади, куртлар ҳар томонга қараб тарқала бошлайди, кўпинча улар сукчаклардан пастга тўкилади. Касалликнинг белгилари олдин сезилмайди, аста-секин эса қуртининг тери қатламида касаллик белгилари билина бошлайди. Сигментлар ораси шишади, бамисоли қурт танасида халқаларга ўхшаш белгилар содир бўлади. Бундай аломатлар фақатгина ядро полиздрози учун характерли белгилардан биридир. Касал қуртларнинг териси таранглашади, ялтироқ бўлиб бамисоли ёғли қофозни эслатади. Охириг ёшдаги куртлар семирганга ўхшаш танаси анча йўғонлашади. Қуртининг танаси калталашиб сигментлар оралари текисланиб кетади. Сариқ касаллигидан семирган куртлар ҳаракатсиз бўлиб, бироз гумбакка ҳам ўхшаб қолади. Бундай қуртларнинг ранги сомон рангда ёки оқ сутсимон рангда бўлади (10-расм).



10-расм. Сариқ касаллиги билан касалланган ипак куртлари:
1-сегмент оралықларининг шишади; 2-сариқ касаллиги натижасида ипак
қуртининг "семирини"

Касал куртларнинг гистологик тузилишини кузатилса гиподерма хужайралари бузилади, яъни дегенерацияланади. Экзокутикула қатлами эндокутикулага нисбатан йўғонлашади. Сарик касали билан касалланган куртлар пўст ташлаганда пўсти билан доғлар ҳам биргаликда ташланади. Касалланган куртнинг териси жуда осонгина жароҳатланадиган бўлиб қолади, жароҳатланган ердан кўплаб лойка гемолимфа оқиб чиқади, куриганда бу гемолимфа оқ сутсимон ёки сарик рангда доғларни ҳосил қиласди.

Касалланган куртлар ипак чиқариб турсада “семирган”лиги натижасида пилла ўрай олмайди, чунки танаси эгила олмайди. Агарда касаллик унча кучли бўлмаса, бундай куртлар пилла ўраб улгуради ёки ўраб улгурмасдан ўлади. Пилла ичидаги ўлиги чириб ундан сарик ёки қўнғир кул рангдаги суюқлик чиқиб пилла қобигида доғларни ҳосил қиласди.

Вируслар энг аввали куртнинг гемолимфасини заарлаб, кейин ёғ таначаларига ўтади ва куртнинг барча тўқималарини заарлайди, бундан ташқари жинсий без тўқималари, мальпигиев назчалари деворларида, мускул тўқималарда, сўлак ва ипак безларида ҳам вирусларни учратиш мумкин.

Сарик касаллигининг диагностикаси ва эпизоотологияси

Сарик касаллигининг аниқ характеристи, ўзига ҳос аломатлари бўлганлиги туфайли касалликга диагноз қўйиш қийин эмас. Факатгина ёш куртларда касаллик белгиларини аниклаш анчагина қийинчилик туғдиради. Шунга қарамасдан ёш куртлар пўст ташлаш даврида айрим белгилар катта ёшдаги касаллик белгиларига ўхшаш бўлади. Ипак куртининг учинчи ёшидаёқ айрим куртларда саргиш рангларни ҳам учртатиш мумкин.

Сарик касаллиги билан касалланган куртларни гемолимфаси лойка бўлиши, сариф ёки сут рангда бўлиши сарик касаллигининг асосий белгиларидан биридир.

Сарик касаллигини қўзгатувчи вирусларнинг бошқа вируслардан фарки шундаки, уларни оддий микроскопда 600 марта катталаштирилиб кузатилса полизэрларнинг кристаллсимон таначаларини кўриш мумкин, аммо бошқа вирусларни оддий микроскопда кузатиб бўлмайди.

Тут ипак куртининг сарик касаллигини эпизоотологияси, яъни оммавий тарқалишида асосий манба касалланган ипак

куртининг ўзи хисобланади, бундан ташқари касалликни юқтирувчи капалак тухумлари ҳам бўлиши мумкин.

Юқоридаги кўрсатилганлардан ташқари инфекциянинг омавий тарқалишийнинг яна бир сабабларидан бири куртхонадаги куртларнинг ўта қалинлигидир, улар қанча қалин бўлса пўст ташлаш даврида шунча кўп тери қатлами шикастланади ва касалликнинг осонгина қурт танасига ўтишига қулагайлик туғилади.

Ипак куртининг куртлик даври асосий ривожланиш стадияларидан биридир, капалакларга нисбатан вируслар куртларда, капалак тухумларида ва гумбакларида кўпроқ учрайди.

Сарик касаллигининг эпизоотий бўлишидаги сабаблардан яна бири кўшни куртхоналарда касалликнинг тарқалишидир. Бундан ташқари, ядро полиэдрози билан касалланган бошқа танга қанотлилар, кўплаб вирус инфекциярининг ўчоги хисобланади.

Вируслар ташки муҳитда яхши сақланади, чунки улар ташки муҳитнинг физик факторларига анча чидамли, шунинг учун ҳам касалликнинг тарқалишида асосий манба касаллик тарқалган куртхона ёки кўшни звено куртхоналар, олдинги йиллар касаллик тарқалган майдонлар, куртхона ва хўжаликлар бўлиши мумкин.

✓ Ядро ва цитоплазматик полиэдроз тўғрисида тушунча

Ҳашаротларнинг ичагида ядро полиэдроз касаллиги К.Эшерих томонидан биринчи марта 1913 йилда қарагай аракашларининг сохта куртларини эпителiali ҳужайраларида кузатилган. 1930-1953 йилларда Берд ва Узленлар томонидан тўлиқ ўрганилган. Ичак ядро полиэдроз вируси 1958 йил Вейзер томонидан ажратиб олинган ва бунга *Berdiovirus* авлоди деб ном берилган.

Ядро полиэдроз касаллигини қўзғатувчи вирус таркибида ДНК бўлиб ДНК ли вируслар гурухига киритилган.

Полиэдра одатда битта вирион ҳосил қилиб, у биокимёвий ва серологик характерга эга. Бу полиэдра асосан бирламчи қанотлиларни, кўк курт ва карам капалакларини ҳам айрим органларидағи тўқималардаги ва ичак эпителийсидаги ҳужайра ядроларини зарарлайди. Ядро полиэдроз вируси асосан экододерма ва мезодерма тўқималарини зарарлаб, ҳашаротларнинг каттагина гурухида паразитлик қиласи.

РНК сақловчи ядро полиэдрози ҳам бўлиб, тут ипак курти ичагида ривожланаётган ядро полиэдрозида ҳам бўлади.

Цитоплазматик полиэдроз вируси ва ядро полиэдроз вирусида ҳам РНКда нуклеин кислота иккита ипли бўлиб, у ядро полиэдрозидаги нуклеин кислотасига нисбатан формальдегид ва рибонуклеаза ферментига жуда чидамлилиги аниқланган. Ядро полиэдроз вируси ва цитоплазматик полиэдроз вируси ҳам тут ипак қуртида бир хил хоссага эга эканлиги аниқланган. Ипак қуртидаги касаллик белгилари ҳам бир ҳилда бўлади. Ядро полиэдроз вируси йирик бўлиб цитоплазматик полиэдроз вирусидан фарқ қиласди ва у цитоплазмада бўлмасдан ўрта ичак эпителиал ҳужайрасининг ядросида бўлади.

Цитоплазматик полиэдроз 1934 йилда Япония олимларидан бири Ишимори томонидан ўрганилган. Цитоплазматик полиэдроз тут ипак қуртида ўлат фляшерия касаллигини, яъни вирус-фляшериясини қўзгатади. Вирус асосан куртнинг ўрта ичагини эпителияларини заарлайди. У ядро полиэдрозидан фарқ қилиб, таркибидағи РНК миқдори билан фаркланди. ДНК билан фаркландмайди, аммо цитоплазматик полиэдрооз вирионлари ҳужайра ядросида эмас, ҳужайра цитоплазмасида ҳосил бўлади. Цитоплазматик полиэдроз вируслари ҳашарот вируслари ичидаги алоҳида гурух ҳисобланади. Улар реовируслар оиласига ўхшаш бўлиб, РНК иккита ипдан (Энтеровируслар РНК си эса битта ипдан) тузилган.

Реовируслар одам ва ҳайвон вируслари бўлиб, сут эмизувчилярнинг нафас йўлларини, юқори нафас органлари касаллантиради, яъни яллиғлантиради ва ичак касалларини энтроколитларни ва яллиғланишларни қўзғатади. Шу билан бирга ҳашаротларни ҳам касаллантиради.

Энтроревируслардан реовирусларнинг яна бир фарқи РНК нинг иккимчидан иплари икки уч марта катта бўлиб, улар эфир, хлорофарм, юқори ҳароратга (56°C) чидамли бўлади.

Цитоплазматик полиэдроз вирусларининг типик вакилларидан бири тут ипак қуртининг цитоплазматик полиэдроз вируси-дир. Бу вируслар ипак қуртидан ташқари 168 ҳа капалакнинг турларини, турқанотлиларнинг иккита турини, иккичанотлиларнинг учта ва пардақанотлиларнинг битта турини касаллантиради. Цитоплазматик полиэдроз вируси ипак қуртининг ўрта ичагидаги асосан цилиндрисимон ҳужайраларини заарлаб, бакалсимон ҳужайраларни эса кам заарлайди. Улар ҳужайранинг митахон-

дрийларини, рибасомалари ва бошқа органоидларини ҳам зараплади. Ҳужайра ядроси эса унча ўзгармайди, бироз деформацияланган кўринишда бўлади. Касалланган ҳужайралар катталашиб, вирионлар билан тўлади ва ҳужайра қобиги ёрилиб ичакка ўтади.

Цитоплазматик полиздроз билан касалланган қуртларнинг экскриментлари юмшоқ оқишироқ рангда тўшалган қофозларни ҳам доғлаб ифлослантиради. Цитоплазматик полиздроз билан касалланган қуртлар ёриб кўрилганда унинг ичагида оқ лойқали мухитни кузатиш мумкин. Цитоплазматик полиздрознинг ядро полиздрозидан яна бир фарки шундаки, агарда қурт ядро полиздрози билан касалланган бўлса, полиздролар экскримент билан аралишиб чиқмайди. Цитоплазматик полиздрозда эса ичак ҳужайраларини ёриб, овқат хазм каналларига ўтиб экскримент билан ташқарига чиқади.

Цитоплазматик полиздроз билан касалланган охирги ёшдаги қурт тирик қолиб ғумбакка ва ҳатто капалакга ҳам айланиши мумкин. Касал капалаклар соғлом капалакларга нисбатан кичик, қанотлари ривожланмаган, урғочиларида тухумдонлари ҳам кам ривожланган бўлиб, тухумлари яхши оталамаган, наслдорлиги кам бўлади.

✓ Вирус фляшерияси тўғрисида тушунча

А.Пайо томонидан тут ипак қуртининг фляшерия-ўлат касаллиги яъни вирус фляшерияси ўрганилишидан бошланди. К.Аидза ва Ямадзакилар томонидан вирус фляшериясини қўзғатувчи вирусларнинг касаллик аломатлари бир хил бўлмасдан тут ипак қуртида турлича бўлиб улар катта кичиклиги билан ҳам ажralиб, туришини ўрганганди. Касаллик аломатлари эса бактерия фляшериясидан фарқ қиласди ва жуда хавфли ҳисобланади.

Фляшерия касаллигини қўзғатувчи бактерияларнинг инкубация даври 5-12 бўлиб, (тиорингинзис бактерияси) ипак қуртининг ёшларига боғлиқ бўлади. Кичик ёшдаги қуртлар вирус касаллиги билан тез касалланади, тўртгинчи ёшда эса касалланиш даражаси сусайиб боради. Агар касаллик 5 ёшда юқсан бўлса касалланишга улгурмасдан ғумбакга, ғумбак эса капалакга, капалаклар кўйган тухумлар эса ташки кўринишидан соғломга ўхшаш бўлиб, микроскопда кузатилганда вирус билан заарланган бўлади. Шу билан биргаликда касаллик манбаи ҳисобланади.

Вирус инфекцияси билан касалланган қуртлардаги аломаттардан бири үткір ичакдаги үзгаришлар, қуртнинг ривожланиши паст, жонсизланиш каби белгилари бўлиб, бундай хусусиятлар қуртларни сунъий касаллантириш натижасида экспериментал усулларда ўрганилган.

Фляшерияни қўзғатувчи вирус фақатгина ўрта ичак эпителиясидагина топилмасдан, у гемолимфада ипак безида, ёғ тана찰арида ва тери қопламларида учрайди. Вирус ўрта ичакнинг олдин бокалсимон хужайраларини захарлаб, кейин эса цилиндрсимон хужайраларни заарлайди. Заарланган бакалсимон хужайралардаги цитоплазмани ташки кўриниши ўзгаради. Цилиндрсимон хужайраларда ядро гипертрофланади.

Вирус фляшерияни диагностикаси

Бу касалликни бошқа касалликлардан кескин фарқи йўқ. Чунки касал қуртларнинг ичагидан ва кичик ёшларда оғиз бўшлиғидаги қусуқлардан уларнинг юкумли эканлигини аниқлаш мумкин. Бу усулда ҳар доим ҳам қоникарли натижа беравермайди. Гистологик диагностика қилиш учун эса ўрта ичак эпителий хужайраларида цилиндрсимон хужайралардан олинган препаратларни бўяб кўриш керак бўлади. Серологик реакция орқали диагностикани аниқлашнинг ишончли усуллардан бири бўлиб хисобланади.

Вирус фляшериясининг эпизоотогияси

Вирус фляшерияси билан касалланган курт соғлом қуртларнинг ўртасига тушиб қолса, улар ичидаги касалланганлари тезда кўпайиб иккиласми инфекция ўчонни ҳосил қиласди. Вирусларни тарқалишини аниқлашда асосий касалликни тарқатувчи манба касал қуртнинг вирусли экскременти хисобланади. Сунъий заарланган қуртнинг экскрементидан бир неча соатдан кейин буни кузатиш мумкин. Барглар тезда куриб колмаслиги учун ҳам сепилган сув қуримаган бўлса, ғанани тез-тез ғаналаб турилмаганлиги кабилар касалликни келиб чиқишини оширади. Булардан ташқари тут плантацияларида тут зааркунандаси, ифлосланган барг, уй пашшалари ва бошқалар инфекциянинг оммавий тарқалишига сабаб бўлади.

ТУТ ИПАК ҚҰРТИНИНГ ЗАМБУРУҒ КАСАЛЛИКЛАРИ

Замбуруғларнинг қисқача характеристикаси ва тавсифи

Замбуруғлар (*Fungi*) тубан үсимликлар гурухыда энг күп тарқалған бўлими бўлиб, хлорофилсиз үсимлиқдир. Замбуруғлар икки гурухга бўлинади. Биринчи гурух хақиқий замбуруғлар, иккинчи гурух эса сохта замбуруғлар. Ҳақиқий замбуруғларнинг ҳужайраларидаги ядролари шаклланган бўлиб, сохта замбуруғларда эса ядро элементларигина бўлади, буларга бактериялар ва шилимшиқ замбуруғлар киради.

Замбуруғлар табиатда кенг тарқалған, шу билан бирга улардан ҳар хил физиологик фаол моддалар, витаминлар, ферментлар, органик кислоталар, антибиотиклар олинади. Улар ёрдамида вино, пиво, нон, пишлоклар тайёрлашда ишлатилади. Кўпгина истеъмол қилинадиганлари ҳам бўлиб, уларни озик-овқат сифатида ўстирилади ва истеъмол қилинади.

Замбуруғларнинг ичидаги одам ва ҳайвон организмларида үсимлик органларида касаллик кўзғатиб, паразитлик қилиб яшайдиганлари ҳам кенг тарқалған. Замбуруғларнинг вегетатив танаси илсимон (мицелий) рангсиз узун гифалардан тузилган, уларнинг таналари ҳужайралардан тузилган.

Замбуруғлар жинсий (репродуктив) ва жинссиз (вегетатив) усулларда кўпаяди. Замбуруғ мицелийси ва споралари уларнинг кўпайишига хизмат қилувчи асосий восита ҳисобланади. Споралар замбуруғ турларининг кўпайишида, сакланишида, ҳаётчанлигини саклаб қолишида муҳим аҳамиятга эга. Споралар турли гурӯҳдаги замбуруғларнинг фелогенетик боғлиқлигини таъминлашга хизмат қиласади.

Вегетатив кўпайиши

Замбуруғларнинг вегетатив кўпайиши мицелийнинг бўлакларга бўлинishi натижасида амалга ошиб, бу усулдан лаборатория шароитида замбуруғлар тоза қультураси олинниб, ишлаб чиқаришда шампиньонларни кўпайтиришда фойдаланилади. Замбуруғларнинг вегетатив усулда кўпайишига оидийлар,

хламидоспоралар ва гаммилар ҳосил қилиши мисол бўлади. Мицелий ўз ривожланишининг маълум босқичида айрим ҳужай-ралари юмaloқ шаклга кириб йириклашади ва ундан ажралиб куртаклана бошлайди. Куртакланиб кўпаювчи замбуруғларга ачитки замбуруғи (*Saccharomyces*) мисол бўлади.

Оидийлар мицелийнинг чўзинчоқ, думалоқ шаклга кириб бўлакларга бўлинишидан ҳосил бўлади. Оидийлар ташқи томонидан юпқа пўст билан қопланган бўлиб, узоқ ҳаёт кечирмайди. Кўпгина моғор ва халтачали замбуруғлар оидийлар ҳосил қилиб кўпаяди.

Хламидоспоралар мицелий пўстининг қалинлашиши ва ўғонлашиши натижасида ҳосил бўлади. Хламидоспоралар нокулай шароитга чидамли бўлиб 10 йилдан ортиқ муддатда ўз ҳаётчанлигини сақлаб қолади. *Fusarium*, *Verticillium*, юксак базидияли замбуруғлар хламидоспоралар ҳосил қиласди.

Гаммилар хламидоспораларга ўхшашиб бўлсада, доимий шаклга эга эмаслигидан улардан фарқ қиласди. Халтачали, кора куя замбуруғлари гаммилар ҳосил қилиб, уларнинг ҳаёт жараёнида маълум босқични ташкил қиласди.

Жинсий кўпайиши

Замбуруғларнинг жинсий кўпайиши споралар ҳосил қилиш ва жинсий жараёнларда амалга ошади. Споралар мицелийнинг ўзгариб спорангий ҳосил қилиши натижасида ҳосил бўлади. Споралар ҳосил бўлиш усулига қараб экзоген ва эндоген турларга бўлинади. Эндоген спора ҳосил қилиш тубан замбуруғларга ҳос бўлиб, зооспорангий ёки спорангийларда спора етилади.

Зооспорангийда етилган зооспоралар битта ёки иккита хивчин ҳосил қилиб, унинг ёрдамида сувли мухитда ҳаракатланади. Зооспоралар ҳосил қилиш *Olpidium*, *Phyzoderma*, *Phytophthora* каби замбуруғларга хосдир.

Курукликда ҳаёт кечириувчи замбуруғлар учун спорангийларда спора ҳосил қилиш характерлидир. Споралар микдори 3-42 тадан 100 тагача бўлади. Экзоген спора ҳосил қилиш *Cercospora*, *Oidium*, *Aspergillus*, *Penicillium*, *Fusarium*, *Verticillium* замбуруғларига ҳос бўлиб, конидия бандларида биттадан ёки занжирсимон, конидиялар ҳосил қиласди. Конидиялар шакли думалоқ,

эллипссимон, урчуксимон шаклда бир ҳужайрали, кўп ҳужайрали бўлади. Эндоген конидия ҳосил қилиш фитогенетик тарақкий этган паразит замбуруғларга хос бўлиб, улар ўсимлик тўкимаси ичидаги махсус конидия бандларини ҳосил қиласди. Бундай конидия бандлари барг устиналари воситасида ташкарига чиқиб конидия ҳосил қиласди.

Айрим замбуруғлар мицелийнинг ёстиксимон, думалоқ ўрамларини барг ўсимлик қисмлари юзасида ёки унинг ичидаги етилади. Ёстиқчаларнинг устки қисмида қисқарган конидия бандлари ва конидияларни ҳосил қиласди. Қовокда ва узумда антроконоз касаллигини келтириб чиқарувчи *Colletotrichum iagenarium E.et H. Gioeosporium ampelophagum Sacc.* замбуруғлари шундай кўпаяди.

Кўпчилик замбуруғлар пикнидийлар ҳосил қиласди. Пикнидиялар девори гифаларнинг ўралиши натижасида шакли думалоқ, кўнғир рангда бўлади. Пикнидиялар ички қисмида қисқа ўралган, конидия бандларидаги турли шаклдаги кўп микдорда споралар етилади. Касалланган ўсимликларда пикнидиялар эпидермис остида ривожланиб, барг юзасига фақат уларнинг устициялари чиқиб туради. Пикнидиялар ҳосил қилиш нўхатнинг аскохитоз – *Ascochyta pisi Lib.*, қанд лавлагининг фомоз – *Phoma betae Franc.*, помидор баргидаги оқ додганиш – *Septoria lycopersici Speg.* касаллигини қўзғатувчилари учун ҳосдир.

Замбуруғларнинг жинсий кўпайиши барча юксак ва тубан вакиллар учун ҳос бўлиб, споралар иккита жинсий ҳужайранинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади.

Хитридиомицетлар синфи вакилларида жинсий жараён бир хил шаклдаги планогаметаларнинг қўшилиши – копуляцияси билан амалга ошади. Ҳосил бўлган планозигота ўсимлик тўқимаси ичига кириб тинчланган спора цистага айланади. Кулай шароит бўлганда цистанинг ривожланишидан зооспорангий ичидаги зооспора етилади.

Оомицетлар синфи вакилларида жинсий кўпайиш оогамия усулида амалга ошади. Бунда эркак гаметангий-антериидийда ҳосил бўлган суюклик ургочилик гаметангийси оогонийга келиб тушади. Иккита ядронинг қўшилишидан ҳосил бўлган цитогамия зиготага айланаб тиним даврига киради. Оогамия йўли билан кўпайиш сохта ун шудринг замбуруғларида кузатилади.

Зигомицетлар синфи вакилларида иккита морфологик гаметаларнинг кўшилиши зигоспора дейилади. Кўшилган ҳужайралар зигота ҳосил қилувчи зигогамия усулида кўпаяди. Зигоспора тинчлик даврини бошидан кечиргандан кейин ядролар кўшилиб гифага айланади. Гифалар ички қисмида ҳосил бўлган спорангий спораларда кўп микдорда спора етилади.

Аскомицетлар синфига мансуб юксак замбуруғларнинг эркаклик жинсий ҳужайра антеридия, ургочилик-архигонияни ҳосил қилиб, улар якинлашгач, дикарионларда икки ядроли ҳужайра вужудга келади. Гифаларнинг учидаги халтачалар ҳосил бўлиб, унинг ичидаги саккизтадан спора халтачалар етилади.

Аскомицетларнинг халта споралари тузилиши, ранги ва ўлчами билан турлича бўлиб, улар орасида кенг тарқалган мева таналарга: клейстотеций, перитеций, псевдоцеций, апотецийлар мисол бўлади.

Клейстотецийлар думалоқ, шарсимон мева тана бўлиб, ичидаги халтачаларда споралар етилади. Улар халтача девори парчалангандан кейин ташқарига чиқади.

Перитецийлар шарсимон, ноксимон шаклда бўлиб, тепа қисмида споралар чиқиши учун тешикча ҳосил қиласди. Перитецийнинг ичидаги халтача ва споралар етилади. Халтачалар бир қаватли пўстлоқ ҳосил қилиб, устки қисмида сўргичсимон чиқариш тешиги жойлашади. Тутда илдиз чириш касаллигини келтириб чиқарувчи-*Rosellinia negatrix* Bere, кузги бўғдойларда могофрлатувчи-*Calonectria graminicola* Wr каби замбуруғлар перитецийлар ҳосил қилиб кўпаяди.

Псевдоцецийлар – *Loculoascomycetidae* кенжасинфи вакилларининг мева танаси бўлиб тузилишига кўра перитецийларга ўхшаб кетади, лекин, ҳар бир халтача айрим локуладан етилади. Локулоаскомицетларнинг аскоген гифалари оталангандан кейин халтача ва аскоспораларни ҳосил қиласди. Бу замбуруғларнинг халтачаси икки қаватли пўстлоқ билан қопланади.

Апотецийлар дисксимон, таксимчасимон кўринишда бўлиб, унинг ичидаги қаватларида халтачалар ҳосил бўлади. Апотецийлар тут кўчватларининг оқ чириш, олма, нокнинг мевасини чириш – монилиоз касалликларини келтириб чиқарувчи дискомицетларга хосдир.

Ҳозирги вақтда замбуруғлар бўлими еттига синфга бўлинади.

1-синф. *Хатридиомицетлар* – мицелий бўлмайди, кучсиз ривожланган, зооспоралари ва гаметалари ҳаракатчан бир хивчинли, жинсий кўпайиши изогамия, гетрогамия ва оогамия йўллари билан кўпаяди.

2-синф. *Оомицетлар* – мицелийси яхши тараққий этган зооспораси 2 хивчинли жинсий кўпайиши оогамия йўли билан бўлиб, ооспора ҳосил қиласди. ’

3-синф. *Зигомицетлар* – мицелийси яхши тараққий этган, аммо тўсиқлар билан бўлинмаган, жинссиз кўпайишда ҳаракатсиз спорангиспораларни ҳосил қиласди, айрим ҳолларда эса конидия ҳосил қиласди, жинсий кўпайиши зигогамия.

4-синф. *Трихомицетлар* – мицелийсининг қобигида целиюлоза ҳосил қиласди. Жинсий кўпайиши иккита протопластларнинг қўшилишидан зигота ҳосил бўлади. Жинссиз кўпайиши макромикроспорангийлар ҳосил қиласди. Булар бўғим оёқлиларнинг ичакларида яшайди (систематикаси ҳозирча аниқ эмас)

5-синф. *Аскомицетлар* – мицелийси яхши тараққий этган, кўп ҳужайрали, жинсий кўпайиши гометогамия натижасида сумка спораларни ҳосил қиласди. Жинссиз кўпайиши экзоген конидияларни ҳосил қиласди.

6-синф. *Базидиямицетлар* – мицелийси яхши тараққий этган. Жинсий кўпайиши соматогамия бўлиб, базидия ва базидияспораларни ҳосил қиласди.

7-синф. *Дейтеромицетлар* – мицелийси яхши тараққий этган, жинссиз кўпайиши конидиялар ёрдамида, жинсий кўпайиши эса аниқ эмас. Булар такомиллашмаган замбуруғлар ҳам деб аталади.

Ҳашаротларнинг паразит замбуруғлари

Тубан замбуруғлар гурухи ичида хитридиомицетлар, оомицетлар ва зигомицетлар синфлари, юқори (олий) тип замбуруғлар ичида халтачали - аскомицетлар ва такомиллашмаган – дейтеромицетлар синфларининг айрим турлари ҳашаротларда турли хил касалликларни қўзғатади. Ҳашаротларда касаллик қўзғатувчи замбуруғлар битта оиласа мансуб бўлиб, улар *Entomophthora* ва *Empusa* авлоднинг турларидир.

Энтомофтора авлодининг энг кўп учрайдиган турларидан бири уй пашшаларида замбуруғ касаллигини қўзғатади. Бу касалликни қўзғатувчиси *Entomophora* ёки *Empusa musca* бўлиб, куз пайтларида уй пашшаларининг оммавий ўлимига сабаб бўлади.

Энтомофтор замбуруғлар оиласининг вакилларини кўпчилиги кишлок хўжалиги экинлари зааркунандаларининг ўлимига сабаб бўлиб, катта аҳамиятга эга. Тут ипак куртида энтомофтор замбуруғлар камроқ учрайди.

Энтомофтор замбуруғлар оиласини *Tarichium* авлодининг вакиллари кўпчилик тунламларнинг куртларда қора мускардина касаллигини қўзғатади. *Sorosporella* авлодининг вакиллари эса лавлаги узун бурун кўнғизларини, тунламлар ва акация капалаги куртларда кизил мускардина касаллигини қўзғатади.

Ҳалтачали замбуруғлар ичida ҳашаротларни касаллантирувчи авлодларидан бири Аспергиллус (*Aspergillus*) авлоди бўлиб, ҳашаротларда мускардинага ўхшаш касалликни қўзғатади.

Тут ипак куртининг аспергиллёз касаллигини аспергил авлодининг вакиллари кўзғатади. Аспергиллар авлодининг вакиллари табиатда кенг тарқалган, улар сaproфит бўлибгина қолмасдан ичida ҳашаротларда, сут эмизувчиларда, күшларда ва одамларда паразитлик қилиб яшайдиганлари ҳам бўлади. Булар чигирткаларда, ўсимликхўр қандалаларда, кўпгина капалакларнинг куртларида ҳам аниқланган. Ҳаммага маълумки асалариларда *Aspergillus flavus* ва *Aspergillus niger* замбуруғлари аспергиллез касаллигини қўзғатади.

Тут ипак куртининг аспергиллёз касаллиги

Ҳашаротларда бу касалликнинг қўзғатувчиси *Aspergillus gillus* замбуруғи бўлиб, бошқа ҳашаротларда касаллик туғдириши билан бир қаторда тут ипак куртида ҳам паразитлик қилиб катта зарар келтиради.

В.Е.Хохлачеванинг маълумотларига қараганда, ипак курти барча ривожланиш даврларида аспергил авлодининг қуйидаги вакиллари кўпроқ учрашини маълум қилади, улар жумладан *Aspergillus flavus*, *Aspergillus orazaе*, *Aspergillus mellus lukana*, *Aspergillus tamari* каби замбуруғларидир.

Аспергиллёз касаллиги билан касалланган куртнинг иштакаси ўқолади, 3-5 кундан кейин ўсишдан қолади, танаси соғлом

күртларга нисбатан анча кичиклашиб, пўст ташлаш жараёни анча чўзилиб, ўлимга олиб келади. Касалликнинг белгилари бамисоли оқ мускардинага ўхшаш бўлади. Куртхонанинг намлиги юкори бўлганлиги туфайли мумлашиб қолган ўлик күртлар устида замбуруғнинг олдин оқ мицелийси, аста секин эса унда споралар етилиб, ҳар хил рангдаги мөгорларни ҳосил қиласди, бу ранглар замбуруғнинг турларига боғлиқ бўлади. Айрим ҳолларда касалланган күртлар пилла ўрайди, ўраган пиллалари юпқа пўчоқли бўлиб, нобоп пиллаларни ҳосил қиласди. Касалланган гумбакларнинг сигмент ораликларида замбуруғнинг мицелийси ўсади.

Хоҳлачеванинг маълумотлари бўйича аспергил авлодининг 24 та турга мансуб замбуруғ ипак қуртининг тухумларини кучли зарарлаши аникланган. Уларнинг ичидаги энг патогенларидан *Aspergillus-kersicolor* ва *Aspergillus niger* эканлиги аникланган.

Хуллас Аспергиллэз касаллиги билан касалланган күртлар танасида замбуруғ ҳосил қилган токсин моддалар таъсири ҳисобига заҳарланиб ўлади, бу токсин ўта кучли модда бўлиб, ҳатто иссикқонли ҳайвонларни ҳам ўлдиради.

Тут ипак қуртининг бовериоз ёки оқ мускардина касаллигининг кетиши ва унинг аломатлари

Бу касалликнинг номланишини Италиялик пиллакорлар “Охакла-ниш” ёки оддий килиб “Охок” деб аташган. Французлар эса мускат ёнғоги каби ялтираганлиги учун “Мускад” деб номлашган, яъни мускардина (*muscardina*) деб аташган.

Касалланиб ўлган курт қаттиқ бўлиб қотиб қолганлиги сабабли, шарқда ва Марказий Осиёда “тош” касаллиги деб ҳам юритилади.

Ипак қуртининг мускардина касаллигининг номи бовериоз замбуруғларига тегишли бўлиб, бу касаликга ўхшаш аломатларини кўпгина бошқа замбуруғлар ҳам ҳосил қиласди.

XVI - асрларда мускардина касаллигининг ташқи аломатлари Европа адабиётларида учраб келган. Бу касалликни XVI-асрларда Италия ва Франция олимлари томонидан асосан Буасье де Соваж томонидан тўлиқ характерлаб берилди.

Тут ипак қуртининг оқ мускардина касаллигини қўзғатувчисини Августино Басси аниклаб берган. У ўзининг тажрибалари

ва кузатишлари билан ҳамда олимларнинг тўрт асрлик йиғилган назариялари ёрдамида ипак куртининг бу касаллиги тўғрисида монография ёзди. У касалликнинг қўзғатувчисини систематикасини аниқлаш мақсадида Милан Университети табиатшунослик кафедраси профессори Джузеппе Бальзамо Кривеллига юборади. Кривелли уни *Botrytis paratossa* деб номлади, кейинчалик эса *Botrytis bassiana* деб Басси номига қайтадан номланади. 1912 йилда тут ипак куртининг мускардина касаллигини қўзғатувчи *Verticillaceae* оиласининг *Beauveria* авлодига киритилади.

Ипак куртининг оқ мускардина касаллигини қўзғатувчисини мицелийси оқ унсимон донадор, момикдек бўлиб, спораси овалсимон. Замбуруғ *Deutromycetes* синфи, *Monilales* тартиби, *Moniliaceae* оиласи *Beauveria* авлоди *Beauveria bassiana* турига киради, унинг синоними *Botrytis bassiana* Balsamo.

Замбуруғнинг танаси субстрат устига ун сепгандек доғни ёки момикдек, зичлашган наматдек кўринишда оқ ёки пушти, кизил хопшияли рангни ҳосил қиласи. Ҳаво гифаларида конидия бандлари бўлиб, унинг учларида конидияларни (спораларни) ҳосил қиласи. Гифалари рангиз бир-бирлари билан боғланган. Мицелийси конидия бандлари ўсиб чиқишига хизмат қиласи. Конидия бандлари колбачасимон стрегмалар билан тугаб, бу стрегмаларда биттадан конидиялар ҳосил бўлади. Замбуруғнинг конидияси, яъни ҳаво спораси бўлиб, у жинссиз кўпайишда хизмат қиласи. Конидия ёйсимон елимли модда билан қопланган, шу модда ёрдамида ҳашаротларнинг танасига, яъни ипак куртининг танасини истаган жойига ёпишиб, 24-25°C да ривожланиш қобилиятига эга бўлади. Куртхоналарнинг намлиги юкори бўлганда (90%) спора (конидия) нинг ривожланишига имконият туғилади. Спора куртнинг танасида бир неча соат ёки кун сакланishi мумкин, қачонки қулай шароит тўғри келиши биланоқ у 5-8 соатда катталашиб боради ва 12 соатдан кейин курт танасида ўса бошлайди. Ўсаётган спорадан ўсиб чиқаётган гифалар куртнинг гиподермасига киради.

Маълумки, ҳашаротларнинг тери қатлами энтомопатоген замбуруғлардан ташқари барча микроблар учун ўта олмайдиған қатлам ҳисобланади. Шунга қарамасдан замбуруғ гифасининг ўшиш нуктасида ~~кутикулани~~ эритувчи фермент курт тёрисини эритиб ичига киради. Бу фермент хитиназа ферменти бўлиб,

барча энтомопатоген замбуруғларга хосдир. Худди шунингдек *Beauveria* замбуругининг ўсиш нұқтасида ҳам ҳар доим хитиназа ферменти ажралиб чиқади.


Замбуруғнинг инфекцион гифалари куртнинг гемолимфа сига қараб у ўзининг ривожланишини бошлайды ва куртакланиб күпаяди. 36-48 соатдан сўнг куртнинг гемолимфаси замбуруғнинг гифалари билан тўлади. Касалланган курт ҳаракатдан колади, бу гифалар ўсиб тармокланиб, мицелийни хосил қиласади.

Маълумки, гемолимфа паразит замбуруғларни ривожланиши учун энг қулай муҳит ҳисобланиб, бу муҳитда замбуруғ тезда қоннинг таркибини бузади. Кондаги моддаларни ўзгартиради. Паразит аста-секин бутун тўқималарда ривожланиб, уни ўлимга олиб келади. Ҳашарот ўлимидан кейин замбуруғнинг гифалари мицелийлар хосил қилиб зичлашади. Ўлган куртлар олдинига юмшоқроқ бўлса, аста-секин тана курий бошлаб, танаси кичиклашади ва қаттиқлашади. Ҳавонинг меъёридаги намлиқда нобуд бўлган қуртларнинг кутикуласида замбуруғнинг ҳаво гифалари ўсиб, конидия бандларини хосил қиласади ва бу конидия бандларида паразитнинг конидия споралари бўлиб, куртнинг ўлиги ун сепганга ўхшаш оқ қуқун билан қопланган бўлади (11, 12, 13-расмлар).




11-расм. Оқ мускардина билан касалланган ипак қурти ва унинг гумбаги

Маълумки, замбуруғ ўзининг ҳаётий жараённида модда алмашинуви натижасида турли хил моддаларни: токсинлар, антибиотиклар, органик кислоталарни хосил қиласади. Худди шунингдек ипак куртининг мускардина касаллигини қўзғатувчи замбуруғ *Beauveria bassiana* ҳам ўзининг ўсган муҳитига антибиотик ишлаб чиқаради ва бу модда бактерия флорасини ривожланишига йўл қўймайди. Мускардина касаллиги кўпинча ипак куртининг куртлик стадиясини касаллантиради.



12-расм. Мускардина касаллигини
күзгатувчи замбуруғ спорасини
куртнинг тери катламида ўсиши



13-расм. Мускардина
касаллигини күзгатувчи
замбуруғнинг курт танасидаги
мева танаси

Касалликнинг кўзга ташланиши (агар касаллик оммавий тус олган бўлса) куртнинг учинчи ёшида кузатилади. Касалланган куртларда иштаха бузилади, чарчоқ, хоргин бўлиб, аста-секин харакати сусаяди, куртнинг танаси хиралашади, танасидаги сувнинг микдори тезда камаяди, Куртнинг массаси кичиклашиб пулалашади. Танасининг босилган жойида чукурча ҳосил бўлади, танада қорамтири ҳар хил катталикда доғлар ҳосил бўлади. Бундай доғлар кўпроқ нафас тешикчаларининг атрофида, ёлғон оёқлари нинг асосларида кўпроқ учрайди, айрим ҳолларда ёлғон оёқларининг учлари қораяди. Куртнинг бош кисми билан кўкрак кисмининг биринчи бўғими оралиғида халқасимон ўзига ҳосил доғ ҳосил бўлади. Агарда касаллик пўст ташлаш даврига тўғри келса, пўст ташлаш анча қийин бўлади, тўлиқ пўст ташлаб ҳам улгурмайди,

Касаллик кўзгатувчиси организмнинг озиқ моддалар кўпроқ бўлган жойларда яхши ривожланиб, шу органларнинг тўқималарини тезроқ емиради, гемолимфани сувсизлантиради, ёғ таначаларини заарлаб, кейин бошқа органларни ва ичакни заарлайди. Касаллик фаолияти курт танасида бир ярим ҳафта кечади, албатта бу вақт куртнинг ёшига, куртхонанинг намлиги ва ҳароратига боғлиқ бўлади.

Мускардина билан касалланиб ўлган, куртнинг ранги замбуруғнинг пигмент ҳосил қилишига боғлиқ бўлади, маълумки у оқ,

қизил ва яшил мускардиналар бўлиб, улар ўлган куртларнинг тана юзасини қоплаб олади.

Агарда курт охирги ёшида касалланган бўлса, у пилла ўраб ғумбакка ҳам айланиб улгuriши мумкин. Курт пилла ураш олдидан касалланган бўлса, у пиллани тўлиқ ўрайди, аммо ғумбак ўлади, пилласи тирик пиллага нисбатан уч марта ёнгил бўлиб қолади ва пилла ичидаги ғумбак қотиб, ўзига хос кар пиллалар хосил қиласди.

Мускардина билан касалланган капалаклар жуда кам учрайди, чунки пилла қобиги заарли микробларни ўтиб кетишидан сақлайди. Капалакнинг тангачалари ҳам замбуруғ спорасини ривожланишига йўл кўймайди, чунки бу тангачалар капалак устини бутунлай қоплаб туради.

Замбуруғ спораси ипак курти уруғ (тухум) юзасида ҳам ривожланиши мумкин, қачонки споранинг ўсиши учун қулай харорат ва намлик бўлса, замбуруғ гифалари тухумнинг ичидаги яхши ривожланади, ипак курти тухуми ўлади, унинг ранги қизғиш бўлиб, кейин оқаради, аста-секин уруғ юзасида оқ конидия бандлари ўсиб чиқади. Шунинг учун ҳам уруғчилик корхоналарида ва инкубаторияларда харорат ва намликнинг юқори бўлишига йўл кўймаслик керак бўлади. Айникса уларни жонлантиришда уруғнинг қалинлиги ва хонанинг намлигига катта эътибор бериш керак.

Мускардинанинг диагностикаси

Бу касаллик ҳам барча инфекцион касалликлар билан касалланган ҳашаротлар сингари бўлиб, касалликнинг характеристерли белгилари, унга мос аломатлар кўз билан кузатилиб аниқланади. Бундан ташқари касалланган куртнинг гемолимфаси микроскопда замбуруғ гифалари ва унинг кейинги ривожланиш стадиялари аниқланади. Ишончлироқ ва аникроқ натижаларни фазо-контрас мослама ёрдамида микроскопда кузатиш мумкин. Микроскопда кузатиш учун вақтинчалик тайёрланган препаратлар касал куртларнинг гемолимфасидан, ўлган куртларнинг тери қатламидан, ички органларидан намуналар олиниб тайёрланади ва кузатилади.

Касалликнинг кўзга кўринадиган белгиларидан бири у ҳам бўлса қуртнинг ўлигидир. Кейинги этаплари ипак куртнинг уруғи (тухум) ғумбак ва капалакларда кам аниқлансада, уларнинг умумий массалари енгиллашиши, мумланишини кўриш ва

уларнинг тери қатламидаги замбуругнинг конидия бандларини хосил бўлиши касалликнинг тегишли ва унга хос белгиларини, яъни диагностикасини беради. Бундан ташқари замбуругнинг турини аниқлаш, унинг систематикасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни ўрганиш учун биз сунъий мухитда замбуругни ўстириб унинг конидия бандларининг шох-ланиши, унда конидия спораларининг жойланиши, конидиянинг формалари, катта кичикларини билган холда қайси бир турга мансублигини аниқлаймиз.

Мускардинанинг эпизоотологияси

Эпизоотология деганда биз ҳайвонларда касалликнинг оммавий тарқалишини тушунамиз. Инфекциянинг оммавий тарқалиши сабаблари қуидаги ҳолатларда содир бўлиши мумкин. Куртхоналарда ҳолат, яъни олдинги йилларда касаллик тарқалган куртхоналарни заарсизлантирмаслик, асбоб анжомларнинг, сукчакларнинг ифлослиги, замбуруғларнинг ривожланиши учун ҳарорат, ҳаво ва намликнинг қўзғатувчининг ривожланиши учун қуайлиги ва бошқа бир қанча ҳолатларда содир бўлади.

Бовериоз касаллигининг спораси тупроқда жуда кўп учрайди, чунки бу касалликнинг қўзғатувчисини спораси тупроқда сапрофит ҳолда бўлиб, уни сунъий мухитда ҳам ўстириш мумкин.

Тут ипак қуртининг бовериоз касаллигини қўзғатувчиси табиий шароитда ҳар хил органик ва ўсимлик қолдиқларида яшайди, уларни сапрофит ҳаёти замбуруғнинг вирулентлигини пасайтиради, шунга қарамасдан сунъий мухитда уни ўстирса вирулентлик қобилияти яна кучаяди, бу эса касаллик қўзғатувчининг озгина микдори ҳам оммавий тус олиб кетишга сабаб бўлади. Замбуруғ касаллиги наслдан наслга ўтмайди, аммо уруғ (тухум) мускардина билан касалланган бўлиши мумкин. Мускардинанинг спораси янги жонлантиришга қўйган уруғлар инфекция учоғи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ипак қурти уруғчилик корхоналарида уруғ юзаси тўлиқ заарсизлантирилган бўлади.

Энтомопатоген замбуруғларнинг касаллантириш йўллари ҳар хил бўлади, улар асосан трахея тешикчалари, териси, оғзи ва терининг тирналган жойлари орқали бўлиши мумкин, аммо овқат ҳазм қилиш органлари заарланмайди, чунки спора ичакнинг ишқорий мухитда ривожлана олмайди.

ИПАК ҚУРТИНИНГ ПЕБРИНА (НОЗЕМАТОЗ) КАСАЛЛИГИ, УНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ. КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИ СПОРАНИНГ БИОЛОГИЯСИ

Нозематоз касаллигини ўрганиш тарихи

Нозематоз касаллиги тут ипак куртиниң энг хавфли касалликларидан бири бўлиб, бу касалликни паразит содда ҳайвонларни нозема авлодига мансуб тури *Nosema bombycis* спораси келтириб чиқаради.

Франция олими А. де Катрфаж 1858 йилда ўзининг “Ипак куртиниң касалликлари” номли монографиясида касаллик белгиларини тўлиқ кўрсатиб беради. Касаллик куртлар танасида мурч сепганга ўхшаш қора доғларни ҳосил қиласди. Бу доғлар мурч кукунига ўхшаш бўлганлиги сабабли пебрина деб номланган, пебрина сўзи французча сўздан олинган.

Касалликнинг характерли белгилари шундан иборатки, озуқа билан спора қуртиниң ичагига ўтади, куртлар нобуд бўймасдан ғумбакка айланishi мумкин. Ғумбаклар ҳам ўлмай колса, метаморфозани ўтаб капалакга айланади ва касал капалак тухумлари ҳам касалланган бўлади.

Агар касаллик тухумга ўтган бўлса, жонлантирилган тухумдан чиқсан қурт биринчи ёшдаёқ ўлиб кетади. Бу касаллик энг хавфли, наслдан наслга ўтадиган касаллик бўлгани учун Республикализнинг ипак курти уруғчилик корхоналарида соғлом уруғлар тайёрланади.

Франция тадқиқотчиси Герин-Менвиль 1849 йилда пебрина билан касалланган ипак куртиниң гемолимфасини микроскопда кузатиб, овалсимон ялтирок кўринишда таначалар бор эканлигини аниклаб, уни гематозит деб номлайди. Шунга қарамасдан барча кузатувчи олимлар ипак курти уругини нотўғри саклаш, куртларни ёмон озиқлантиришдан бу касаллик келиб чиқади деб карашган.

1859 йил Озима ғумбакларни микроскопда текшириб, тухум партияларининг заарланганлигини огохлантириб, у биринчи марта пебрина таначасини спора деб атади. 1859 йилларда Виттадини тухумнинг ривожланиши даврида спора борлигини микроскопда аниклаган бўлса, Кантони биринчи бўлиб

капалакларни микроскопда текширишни амалиётта табиқ қилади.

XIX аср бошларида ипакчилик соҳасида Франция катта мұваффақиятларга эришган. Пилла ҳосили 1788 йилға нисбатан 1853 йилда 26 минг тоннани ташкил этган. Аммо 1865 йилға келиб пебрина касаллиги натижасида ҳосилдорлик 4 минг тоннага тушиб қолған. Пебрина эпизоотийи натижасида 10 млн. франк зарар күрган. Пиллакорлар Франция давлат бошлиқларига мурожаат қилишга мажбур бўлди ва хўжаликларни соғлом уруғ билан таъминлашни талаб қилди.

Франция олими Л.Пастернинг вино ферментацияларида вино ачитқиларининг касалликлари билан ишлари юқори баҳоланар эди, шунинг учун ҳам ипак қуртининг касалликларини ўрганиш Л.Пастерга топширилади.

Л.Пастер 6 июн 1861 йилда Париж шаҳрини ташлаб, Франциянинг жанубига энг кўп эпизоотий тарқалган Арес шаҳрига бориб, ипак қуртининг касаллиги билан чукур танишиб, касалланиб ўлган қуртларни бокилаётган жойларда баргхона ва қуртхоналарни, ўлган капалакларни текшириб, натижалари ҳисоботини Фанлар Академиясининг Агрономия комиссиясига топширади. Бундан ташқари 2,5 ойлик иш натижаларини ўз шогирдларига қолдириб, кейинги йили яна ишни ўзи давом эттиради.

Л.Пастер иккита ассистенти билан биргаликда текширишлар олиб боради, натижаларини эса хотинига сўзлаб ёздиради ва 1870 йилда “Ипак қуртининг касалликларини ўрганиш” деган асарининг биринчи бобини тутатади, шу билан у медицина микробиологиясида ва ветеринария микробиологиясида катта асос солади.

Л.Пастер ўзининг бир неча мартараб қилган анализларига асосланиб, пебрина касаллигини тарқалишида капалакларни микроскоп кўригидан ўтказиш шартлигини асослаб берди, шу билан бирга ипак қурти уруғини тайёрлашда аниқ тажрибалар, изланишлар албатта капалакларни микроскоп кўригидан ўтказиш кераклигини кўрсатиб берди ҳамда бу асосда соғлом уруғ тайёрлаш усули жорий этилди. Пастернинг цељлюляр уруғ тайёрлаш услуби шунга асосланган.

Нозема касаллигини қўзғатувчи споранинг биологияси

Пастер касаллик тўғдирувчи паразитнинг биологик характеристикасини бермайди, у паразитни “танача” деб атайди.

Бальбиани 1884 йил пебрина касаллигининг қўзғатувчисини систематикаси билан қизиқиб, уни бир хужайрали содда ҳайвонларга киригади ва *Microsporidium bombycis* деб атайди. 1909 йилда Штемпель томонидан пебрина қўзғатувчисининг ривожланиш цикли яхши ўрганилган. У пебрина қўзғатувчиси *Nosema bombycis* (*Naegeli*) деб номлайди, чунки 1857 йилда ёк таникли немис ботаниги К.В. Негели 1817-1821 йилларда биология станциясида ишлаб юрган пайтларида пебрина билан касалланган ипак қуртини ўз устозига келтириб ундан ажратиб олинган организмни *Nosema bombycis* деб номлайди.

XX-асрларнинг иккинчи яримларига келиб электрон микроскоплар ва оддий микроскоплар ёрдамида споранинг кўриб бўлмайдиган томонлари ва унинг бир қанча ривожланиш этапларини ўрганишга мусассар бўлинди, жумладан, споранинг спороплазмаси, поляр или, вакуолалари, скорлупалари ва ноземанинг ривожланиш даврларини тўлиқ ўрганиш имкони очилди.

Нозема спораси илгари нозема авлодига киритилган бўлишига қарамасдан кўпгина систематик олимлар ҳар хил гурухларга ажратган. Кейинчалик эса споранинг ривожланиш стадияларига, тана қопламининг хусусиятларига, ташки мухитнинг салбий таъсиридан сақланиш кобилиятлари ўрганилиб, споралилар синфини иккита кенжака синфга *Telosporidia* ва *Neosporidia*ларга бўлишган. Бу организмларда ҳам отилувчи аппарат бўлганлиги, яъни капсулали или бўлганлиги туфайли *Sporozoa* синфининг синоними деб қаралди. Бундай токсономик ўзгариш содда ҳайвонларнинг систематикасида кўпгина адабиётларда ипак қуртининг пебрина касаллигини қўзғатувчиси ҳозир ҳам, илгари ҳам споралиларга ва конидоспоридийларга киритиладиган бўлди. Шуни айтиб ўтиш керакки систематика ҳар доим ўзгариб, ҳар хил систематик олимлар томонидан организмларни у ёки бу гурухларга ажратилиб туради. Бундай систематик қарашлар нотўғри бўлмайди.


Споранинг цитоморфологияси

Пебрина спораси ташқи мұхитда ўзини спора шаклини сақлады, бу унинг тинч ҳолатдаги стадияси ҳисобланади. Агарда биз уни микроскопда күзатсак, унинг танаси элипс шаклда бўлиб, ёруғликни кучли сингдиради, ялтироқ, хаворанг силлиқ бўлиб, унинг узунлиги 3-4 мкм, эни эса 1,5-2 мкм. катталиқда бўлади (14-расм).

Нозема спорасининг 24 та тури кўпчилик танга қанотлиларда, яъни капалакларнинг куртларида паразитлик килувчилари бўлиб, уларнинг катта-кичиклиги билан бир-бирларидан фарқ қиласади. Шунга қарамасдан улар ривожланиш стадиялари билан фарқ қилмайди. Ватанабе споранинг ривожланиш стадияларини, ғўза карадринида, шоли қизил капалагида, шолғом капалагида ва уларнинг куртларида, гумбак ва ўликларида фарқлари йўклигини аниқлаб беради ва споранинг ички органоидларини (топографик) кўрсатиб беради.

Спора қобиги рангсиз, силлиқ бўлиб, эластиклик хоссасига эга, у истаганча деформацияланиб, яна олдинги формасига кайтади. Спора қобигининг қалинлиги 0,2-0,3 мкм, аммо олдинги томони бироз қалин тузилган. Спора қобигининг физикавий ва кимёвий хоссаларидан бири ташқи мұхитнинг намлиги тез жавоб берувчи, яъни у ташқи мұхитнинг таъсирида отилувчи кутб ишини осонгина отилиб чиқишидир, бундан ташқари қобикнинг кутб томони тезда бўртиши, бўялиши билан фарқланади. Спора қобиги аминополисахаридлар, хитин ва липидлардан ташкил топган.

Споранинг ички қисмида спороплазма – протоплазматик тана, яъни содда ҳайвонлардаги танача амебоидга ўхшаш бўлади, спороплазма плазматик мембрана ва кўплаб рибосомали қобик билан ўралган иккита ядроши ҳам кўп рибосома билан ўралган. Спороплазма споранинг олдинги бўшлиғи билан бир қанча аралашган, аммо унинг охирида катта вакуоласи бўлиб, бирламчи



14-расм. Пебрина қасаллигини кўзгатувчи нозема спораси

мембрана билан чегараланган. Бундан ташқари споранинг олдинги қисмиди сферик вакуоласимон структура – поляропласт ҳам жойлашган, у суюқ дисперс мұхитли пластик аралашма билан түлгән.

Споранинг отилувчи аппарати книдоспоридийлар кенжә синфининг асосий фарқылы белгиларидан биридир. У асосан отилувчи орган капсуладан (кнidoциста) тузилған. Бундай орган көвакичліларда ҳам бўлиб, ўзини ҳимоя қилишда ёки ўлжасига хужум қилишда хизмат қиласди. Микроспоридийларда, жумладан нозема спорасини олдинги кутб қалпоқасига яқин жойи йўғонлашган спиралсимон ип ўралған ҳолатда бўлади. Отилувчи ипнинг олдинги қисми тўғри бўлиб, спорадан ипни механик равишда итариш функциясини бажаради. Споранинг отилувчи поляр ипини узунлиги 90,7+14 мкм, йўғонлиги 0,2-0,3 мкм.

Кутб ипнинг отилиб чиқишига сабабчи факторлар

Олимлардан Осима спорага ипак қуртини ичак суюклигидан бир томчисини томизиб, уни ипини отилиб чиқишини кузатган. Отилувчи ипни тез отилиб чиқишини микроскопда кузатиш кийин бўлганлиги сабабли, отилиш жараёнини секинлаштириш учун перекис водородга 5-10%ли ош тузининг гипертоник эритмасини кўшиб кузатиш олиб борилған. Отилувчи ипнинг отилиши учун харорат, кимёвий моддаларнинг таъсиrlарида ҳам кузатиш мумкинлиги ўрганилди. Осима ўзининг тажрибаларида шуни кузатадики капсула ипи отилиши натижасида споранинг ичидаги 3-6 мкм диаметрли катталикдаги танача чиқиб, бу ипдан тўлиқ ажралиб, кейин кичиклашади, ҳаракатланиб гемолимфага ўтиб ҳужайрага ютилади. Бу сферик танача споранинг 2 ядроли спораплазмасидир.


Отилувчи ипнинг биологик функциясини Осима 1937 йилда ёк кузатади. Спорадан чиқсан отилувчи ип ёпишқоқ модда чиқариб, осонгина ўрта ичак деворига ёпишади ва паразитликнинг ҳаракатчан стадияси бўлиб, у токсинли модда чиқариб, ичакнинг эпителий ҳужайраларига киришини ҳам осонлаштиради деган фикрга келади. Споранинг отилувчи или фақатгина ҳашарот ичагига спорани киритувчи фиксатор бўлибгина қолмасдан, у спораплазмани курт ичаги ҳужайраларига ўтказишида маҳсус орган вазифасини ҳам бажаради.

Илгари адабиётларда икки ядроли спороплазма танаачаси муртак ёки амёбOID деб номланган. Штемпель эса споранинг ривожланишини икки хил термин билан номлайди. Бири ривожланишнинг планонт (дайди) стадияси, иккинчиси эса меронт (үтрок), яъни үтрок стадияси деб атайди (15-расм).

Планонт стадияси спороплазмадаги иккита ядронинг кўшилишидан хосил бўлади, у юмалоқ, бироз эллипссимон формада бўлиб, катталиги 0,5-15 мкм коккларни эслатади, ўргада жойлашган бўлиб, ялтироқ нуктага ўхшайди. Паразитнинг ҳужайра ичидаги стадиясида бир канча вақтдан кейин планонтни иккита ядроси кўшилиб меронтга айланади.

Планонтда юпқа протоплазматик қобиқ бўлиб, у амёбасимон ёлғон оёклари ёрдамида ҳаракат қиласди. Планонтларнинг бир кисми ичак эпителий ҳужайраларига кириб, қолган қисми ҳужайралар орасида қонда ҳаракат қиласди ва организмнинг барча тўқималарига тарқалади. Планонт ичак каналида ва касалланган ҳашаротнинг ҳужайра ичидаги стадиясига айланади.

Меронтларнинг ядроси халқасимон оқиш ҳошия билан ўралган. Ёш меронтларнинг катталиги 2 мкмдан кам бўлмайди. Улар бўлинишдан олдин 5 мкм айримлари эса 9 мкм ҳам бўлиши мумкин.



15-расм. Пебрина касаллигини кўзгатувчи споранинг ривожланиш даврлари

I. Вегетатив ривожланиши даври: 1-спораплазма; 2-спораплазманинг миграцияси; 3-иккиламчи инфекция формаси; 4-тўрт ядроли шизонт.

II. Спорогенез даври: 5-спорантнинг бўлиниши; 6-бинуклеар спорант; 7-спорабласт; 8-спора; 9-спорадан отилиб чиқувчи ити ва спораплазма.

Меронтлар хужайра ичига кириб хужайрасини катталаштиради, олдинги юмалоқ формаси сақланиб плазмодий “Шизонт” га айланади ва спороплазмадан фарқ қилиб Гимза бўёқларида ҳаворанг, ядроси эса қизил бўлиб, бўялади. Меронтлар хужайра ичидаги маълум бир вақтгача ўсиб, кейин у бўлининшга ўтади. Меронтларнинг жинссиз кўпайиши оддий йўл билан бўлинниб шизонтларни ҳосил қиласди. Бундай кўпайиш шизогания жараёни билан кўпайиш деб аталади. Бунда битта ядроли шизонт иккига бўлинниб, ҳар бири яна бўлинади ва тўртга бир ядроли қиз хужайраларни ҳосил қиласди.

Тут ипак куртигининг тухумдони хужайраларида ноземанинг хаётий ривожланиш циклини, яъни спора ҳосил бўлишини Исахар ўрганади. Заарланган куртларда иккинчи ва тўртинчи кунларда спора ҳосил бўлганлигини аниқлайди. Касаллантирилган куртларнинг бешинчи ва олтинчи кунларида эса ипак чиқарувчи безларида споронтлар ва споробластлар ҳамда ёш споралар ҳосил бўла бошлайди.

Метоз бўлининшда тўрт ядроли споронтлар жуфтлашиб, кейин споронтларнинг бутун танаси иккита қиз споробластларни ҳосил қиласди. Споробластларнинг катталиги $3,9 \times 2,3$ мкмда бўлиб, тухумсимон формада, иккита ядро бўлиб, улар кўриниши ҳолатда бўлади. Ёш споробластларда халқасимон мембрана бўлиб, Гольдже аппаратига ўхшайди.

Хуллас споробластлардан споранинг ҳосил бўлишини электрон микроскопда янги ҳосил бўлган споранинг бўёқлар ёрдамида барча органоидларини кузатиш мумкин.

НОЗЕМА СПОРАСИНИНГ ПАРАЗИТЛИК ФАОЛИЯТИ

Касалликнинг юқиши ва паразитлик фаолияти

Пебрина касаллигини кўзғатувчи спора куртигини озиқаси билан ўрта ичакга кириб, ичак эпителия хўжайраларини заарлайди. У ичакдан хужайраларга кириб, хужайра цитоплазмасининг фаолиятини бузади, хужайра қобиги юпқалашади, ёғ ва гликоген аста-секин йўқолиб боради, хужайра ядроси ҳам кичиклашиб ўз формасини йўқотади ва ядро эриб кетиб хужайра ўлади.

Заарланиш натижасида хужайранинг ёғ таначалари, ипак ажратувчи ипак безлар, мускуллари парчаланади, спора эса

гемолимфага ўтади. Мальпигиев найларининг хужайраларини парчалаб, барча стадияларини ўтаб, спорага айланиб орқа ичак оркали ахлат билан ташқарига чиқади.

Ипак куртининг сўлак безларидағи хужайралар эса касаллик юққандан 12-15 кун ўтгач парчаланиб, ичакдан ташқарига ахлат билан чиқарилади, ичакда қолган споралар ичак шираси ёрдамида яна отилувчи иплари ёрдамида ривожланишини бошлайди. Бу паразитнинг иккиласи инфекцияси бўлиб, куртнинг ичидаги бўлади, бу аутоинфекция деб аталади.

Куртнинг танасида споранинг янги авлодаларни пайдо бўлиши организмда уларнинг микдорини ўта кўпайишига сабаб бўлади.

Паразитнинг хужайра ичидаги стадияси ташқарига чиқа олмаслиги мумкин, аммо ёғ таначаларининг тирик хужайрала-рида, гиподермада, биритириувчи тўқималарда ва куртнинг бошқа органларида кўпайиши мумкин. Агарда спора куртнинг ичагига тушмаса, касалланган курт соғлом курт билан биргаликда бўлса ҳам соғлом куртни касаллантириш имкони бўлмайди. Касалланиш учун спора албатта озиқа билан соғлом курт ичагига тушиши керак.

Инфекциянинг курт танасида навбатма-навбат органларда тарқалишини Вейзер қуйидагича таърифлайди. Куртни спорали озиқа билан боқганда икки кун ўтгандан кейин пебрина спораси, ўрта ичакнинг эпителий хужайрасини, учинчи кун ёғ таначаларини, кейин ипак ажратувчи безларини ва Мальпигиев найларини заарлайди. Ундан кейин трахеяларини тери ости биритириувчи тўқималарни, охирида эса тухумдоннинг биритириувчи тўқималарини, уруғдонни ва тухумни заарлайди.


Япония олими К.Миттанининг ёзишича ипак куртининг касалланишини тўртта навбатма навбат ўтадиган гурухларга бўлади. 1-ўрта ичак эпителияси, 2-ичакнинг халқали ва узунчок мускуллар, 3-мальпигиев найлари, трахеялари, ипак ажратувчи безлари, ёғ таначалари гемоцитлари, 4-гиподерма, елка қон томири, нерв системаси ва жинсий безлари заарланади. Нозема спораси бу гурух органларида пайдо бўлиш оралиғи тахминан икки суткадан тўғри келади. Споранинг ривожланиш стадияларини оралиғи, яъни вояга етмаган споралардан вояга етган спораларни ҳосил бўлиши ўртacha бир сутка атрофида бўлади.

Түртінчі гурух: гиподерма, елка қон томири, нерв системасы ва жинсий без ва тұхумлар 10-кунда заарланиб, спора ҳосил бўлса, биринчи, иккінчи ва учинчі гурух органларда спора 8-кунда ҳосил киласди.

Касалликнинг ривожланиши ёш куртларда тезроқ кетади, катта ёшдаги қуртларда эса касаллик секинроқ ривожланади, чунки касалланган тўқималарни тикланишида генератив хужайралар кўпроқ қатнашади. Касалликнинг ривожланишини тез кетиши эса курт ичагига кирган споранинг миқдори, сонига ҳам боғлиқ бўлади. Айрим тажрибаларда шу нарса кузатилган, масалан 2000 та спора билан касаллантирилган куртнинг тұхумида янги спора 6 кундан кейин кузатилган бўлса, 50000 та спора билан заарлланган курт тұхумида 48 соатдан кейин кузатилган.

Нозематоз касаллигининг ташки аломатлари

Пебрина касаллигини кўзғатувчи споралар ташки мұхитда ҳар қандай шароитда ҳам, тупроқда, сувда ва асбоб-анжомларда беш йилдан еtti йилгача касалликни кўзғатиш қобилиятини йўқотмайди. Спора ипак курти организмига тут барғи билан оғиз бўшлиғи орқали ўтади. Споранинг ривожланишини ўрганилганда курт ичагига тушган спорадан унинг отилувчи илини билан чиққан. Ичакга ўтган спора ичак шираси таъсирида шиша бошлайди, спора ичидаги бир жуфт ядро оддий бўлиниши натижасида 4 та ядрога айланади, шундан сўнг спороплазма бир жуфт ядро ва қутб или спора ичидан чиқиб куртнинг ўрта ичаги деворига ёпишади, бир жуфт ядролар қўшилиб, споранинг планонт ривожланиш стадиясини ҳосил киласди. Заарланиш бошлангандан 24 соат ўтгач, куртнинг барча органларида кўплаб планонтлар ҳосил бўлиб, қон суюқлиги орқали бутун организмга тарқалади, шунинг учун ҳам планонтларни “дайди” хужайралар деб юқорида кўрсатиб ўтилди. Улар органларнинг хужайрасига ўтиб бўлиниб, икки кундан кейин споранинг меронт даврини бошлайди. Меронтлар ривожланиши натижасида чала спораларни ва тўрт кун ўтгач эса шаклланган спораларни ҳосил киласди. Тўлиқ ҳосил бўлган споралар ипак куртнинг экспериментларида эски пўстларида ҳам учрайди. Пебрина касаллиги авлоддан авлодга, наслдан-наслга ўтадиган касаллик бўлиб, қуртнинг барча ривожланиш стадияларини касаллантиради (16-расм).



16-расм. Пебрина билан касалланган ипак қурти ва капалаги

Куртлик даврида: Пебрина касаллигига чалинган куртларнинг иштахаси пасайиб, баргни кам истеъмол қилади, кундан кунга қурт озади, уларнинг фаол ҳаракати йўқолади. Агарда касаллик кучли кечса қурт тери ташлаш даврида терисини ташлай олмасдан нобуд бўлади. Айрим ҳолларда куртларнинг териси танасининг ҳар хил жойидан ёрилиб, янги терисидан ажралмай қолади. Айримларининг териси ярим белида қолиб охирги корин бўғимларини сиқиб ингичкалаштириб ташлайди. Пебринага чалинган куртларнинг тери майдонида, бўғимлараро масофаларда, корин оёклари атрофида, найзасимон ўсимтаси атрофида тўқ жигар рангда мурч сепганга ўзашаш доғлар пайдо бўлади. Касалланган куртлар соғлом куртларга нисбатан анча кичиклашиб қолади. Агар касаллик пилла ўраш даврида авжга чиққан бўлса касалланган куртлар сукчак атрофларига тарқалиб кетади. Бундай куртлар пилла ҳам ўраши мумкин, аммо пиллалари ҳар хил бўлиб, юпқа пўчокли пиллаларни ҳосил қиласди. Айрим куртлар ипагини гилам сингари ёки кийгизга ўхшатибчуватиб юборади, айримлари эса пилла ўрамасдан ғумбакка айланади.

Гумбаклик даврида: Агарда касаллик кучли бўлмаса касалликга чалинган ғумбаклар соғлом ғумбаклардан фарқ қилмайди, аммо касаллик кучли бўлса, ғумбакнинг бўғимлараро масофалирида кўринар-кўринмас майда нуқтасимон доғлар пайдо бўлади. Айримларининг тери майдонида кўрғошинли рангда ялтироқ доғли майдонлар ҳосил бўлади. Бундай ғумбаклардан метаморфоза даврида ҳар хил етишмовчиликлар ҳосил бўлган ҳолатда капалаклар ривожланади.

Капалаклик даврида: Пебрина касаллигига чалинган капалаклар соғлом капалакларга нисбатан унча фарқ қилмасада,

кучли касалланган капалакларнинг қанотлари яхши ривожланмайди, қанот тангачалари ва түкчалари тўқилган бўлиб, қорин бўғимларида йирик-йирик қора доғлар пайдо бўлади. Касалликга чалинган капалаклар тухумни жуда кам қўяди, қўйган тухумлари субстректда бир текисда бўлмайди. Кўпгина уруғлари оталанмаган бўлади. Айрим капалакларнинг қанотлари, мўйловлари яхши ривожланмайди.

Тухумлик даврида: Касалланган капалаклар қўйган тухумларнинг сони кам ва майдароқ бўлади. Касалланган тухумларни соғлом тухумлардан фарқлаш қийин, аммо касалланган тухумлар инкубацияга қўйилганда уруғ ичидаги муртак ривожланмайди, ривожланиш даврида нобуд бўлади, айримлари ривожланиш олдидан нобуд бўлади. Касалланган уруғлардан жонланган қуртлар ҳам биринчи ёшидаёқ нобуд бўлиб кетади. Уруғларни инкубация қилинганда жонланиш ҳам ҳар хил бўлиб, 3-4 кунга чўзилади. Уруғларнинг оқариши ҳам бир текисда бўлмасдан, чирсиллаши ҳам 2-3 кунга чўзилади.

Пебрина касаллигининг эпизоотологияси

Пебрина касаллигининг тарқалишида асосий сабаблардан бири касалланган тут ипак қурти хисобланади. Пебрина касаллигини қўзғатувчи спора ташки муҳитда касалланиб ўлган қуртлар, ғумбаклар, капалаклар, уруғ пўсти, куртни териси, капалакнинг тангачалари ва касал қуртларнинг экспериментлари (ахлатлари) ёрдамида тарқалади. Бундан ипак толаси ва капалакнинг сўлаги мустасно. Инфекциянинг асосий ўчоги касалланган қуртларнинг ахлати ва қуртнинг териси хисобланади.

Касалланган қурт эксперименти ёрдамида касаллантирилган қуртнинг ахлатидан икки кундан кейин спора аниқланган. Касалланган қурт ахлатидан споранинг янги генерацияси учун 11-14 кун кетади. Тўртинчи ёшнинг бошида касаллантирилган қуртдан 5-ёшга боргандা жуда кам спора ҳосил бўлади. Агарда касал тухумдан энди жонланиб чиккан қуртнинг ахлатидан спора аниқланса у жуда хавфли хисобланади. Аммо бундан ҳам хавфлиси қурт пилла ўрашдан олдин ичини тозалашда суюқ эксперимент чиқаради, бу даврда охириги барг бериш пайтида споранинг ажралиши кўпаяди, у куриб қуртхонанинг барча

жойларига тарқалишига сабаб бўлади. Споранинг тарқалиши ёш куртлар пўст ташлашда янги ва эски пўстларда аниқланмаган, аммо катта ёшдаги куртлар терисида доғларнинг ҳосил бўлиши (тери ташлаш олдидан) энг хавфли бўлиб, ташлаган пўстларида споралар кўпроқ бўлади.

Ташки мухит ҳам пебрина спорасининг тарқалишида катта роль ўйнайди. Ташки мухитда спора ҳаётчанлигини сақлайди-ю, аммо Л.Пастер маълумотларига қараганда, ўзининг касаллантириш қобилиятини йўқотади дейди. Текширишлар натижаси шуни кўрсатадики спораларни хона ҳароратида уч ой сақлаб кўрилганда уларнинг кўпчилиги ўлган бўлади. Янги споралар 0° атрофида бир йилгача унинг касаллантириш қобилиятини сақланганлиги аниқланган.

Айрим олимларнинг фикрича касалланган гумбакда спора ўзининг ҳаётчалигини 4-6 йил сақлар экан, уларни касаллантириш даражаси биричи йил максимал бўлса, иккичи йилга келиб бирдан пастга тушиб камайиб кетади, аммо ҳаётчанлиги 6 йилгача сақланади. Саккизинчи ва тўққизинчи йиллари споранинг ҳаётчанлиги бутунлай йўқолади. Спора чириган гўнгда $70-83^{\circ}\text{C}$ ҳароратда бир ҳафтада, қуёш нурида эса 6-7 соатда ўлади.

Пебрина касаллигининг диагностикаси

Касалликнинг барча белгиларига унинг патологиясига қараб ҳамда касаллик қўзғатувчисини микроскопда кузатиш йўли билан унга диагноз қўйиш мумкин.

Пебрина билан касалланган куртларнинг тери юзасида қора нуктали доғлар ҳосил бўлади, касал куртларнинг тери юзасидаги ҳужайраларда гистологик ўзгаришлар содир бўлади. Касаллик кучли кетса бир сутка ўтгандан кейин (пўст ташлагандан сўнг) гиподерманинг касалланган ҳужайралари кутикула томонга, кейинги суткада эса эпителиал ҳужайраларда споралар тўпла-нади ва зичлашади.

Касалланган куртларда ҳосил бўлган доғлар қуртлар тана-сининг қайси жойларида пайдо бўлиши ҳам характерли белгилардан биридир. Пебриноз доғлар авваламбор нафас тешикчалари атрофида, қорин оёкларининг асосларида ва найзачасимон ўсимтаси атрофларида ҳосил бўлади. Нихоят

диагностиканинг аниқ белгиларидан яна бири доғларнинг пайдо бўлиш муддатларини билип ҳам мақсадга мувофиқдир. Ёл касал қурт терисида доғлар билинмайди, куртларнинг ёши қанча катта бўлса доғлар шунча яхши кўзга ташланади, доғлар куртлар пўст ташлагандан сўнг айниқса яхши кўринади.

Касалланган куртларнинг диагностикасини амалиётда аниқлаш учун унинг ички органларидаги патологик ўзгаришларни ҳам аниқлаш ва кўриш керак бўлади. Бунда касалланган ички органларнинг йўғонлашуви, рангларнинг ўзгариши, ипак безларида характерли сутсимон доғларни хосил бўлишини оптик асбобларсиз аниқлашимиз мумкин. Мальпигиев наилари, ёф таначаларида қорамтири ранглар хосил қиласди.

Пебрина касаллигининг охириги диагностикаларидан бири у ҳам бўлса споранинг борлигини микроскопда кўзатишdir. Бунда касалланган қурт органларидан озгина намуна олиниб, микроскопда 600 марта катталаштирилиб кузатилади. Споранинг бор йўқлигини тут ипак куртининг барча стадияларида: тухум, қурт, гумбак ва капалаклик даврларида, уларнинг касалланган ёки ўлганларидан препаратлар тайёрланиб кузатилади. Айrim ҳолларда гемолимфа, тухумнинг пўсти, туллаш пўстлари, экскриментлар ҳам микроскоп кўригидан ўtkазилади. Ёш куртлар ҳовончада эзилиб микроскопда кузатилса, катта ёшдаги куртларни бутун танаси ёки факат ичаги эзилиб кузатилади.

Гумбак ва капалакларни кузатишда яхшироқ кўриниши учун эзиз тайёрланган препаратларни микроскопда кучсиз ишкор эритмасида кузатилади, чунки ишкор ёф таначаларини парчалаб яхши кўринишини таъминлайди. Ургуни (тухумни) кузатиш анча кийинчилик туғдирали. Бунинг учун споранинг бор-йўқлигини кузатиш учуш тухумни жонлантириб, “хабарчи” куртлар текширилади. Шу билан бирга тухум қобиқларини ҳам микроскопда текшириш тавсия этилади.

ИПАК ҚУРТИНИ БОҚИШ ЖАРАЁНЛАРИДА УЛАРНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Ипак куртининг инфекцион касалликларини олдини олишда қилинадиган дезинфекция ишлари

Ипак куртини умумий инфекцион касалликлардан ҳимоя қилиш бу пиллани ҳосилини ҳимоялаш демакдир. Шунинг учун ҳам ҳимоянинг энг асосий вазифаларидан бири оммавий инфекциянинг олидини олиш учун қилинадиган чора тадбирлар ҳисобланади.

Фанда касалликнинг олдини олиш чораларидан бири согликини асраш, касаллик бошланишдан олдин огохлантириш, яшаш шароитини яхшилаш ва тозаликка эътибор бериш йўлларини ишлаб чиқиш гигиена деб аталади. Фан инсониятнинг кенг билимларини ҳисобга олган ҳолда курт бокиша экологик факторларнинг ролини, овқатланиш режимини юқори даражада ўтказиш куртларнинг қалинлиги, агротехник қоидаларга эътибор бермаслик инфекцияларнинг келиб чикишига сабаб бўлади. Мана шу юқорида кўрсатилган санитар-гигиена ҳолатларнинг бузилиши, уларга риоя қилмаслик, ҳар хил инфекцион касалликларнинг тарқалишидаги сабаблардан бири ҳисобланади.

Ҳар хил инфекцион касалликлардан холи бўлиш учун биз курт бокишдан олдин барча куртхоналарни асбоб-анжомларни дезинфекция қилишимиз керак бўлди.

Тут ипак курти касаллигининг келиб чиқиши сабаблари асосан экологик факторлар ҳисобланади. Бунинг олдини олиш учун юқори даражада агротехник қоидаларга амал қилган ҳолда куртнинг озиқасини тозалигига ва яхшилигига ҳам эътибор бериш керак.

Ҳар хил оммавий касалликларни олдини олишда қилинадиган ишларни фойдали томонларини ҳисобга олиб, тут ипак куртини барча касалликларига тўғри диагноз кўйиш ва қўзгатувчи организмларнинг аниқ турларини сенологик йўл билан аниклаб, мақсадга мувофиқ равишда иш тутмоқ керак бўлди.

Дезинфекция жорий ва якуний бўлиб, жорий дезинфекция касалланган куртга диагноз кўйилгандан кейин инфекция

тарқатадиган касал қуртларни доимий равишда йўқотиб бориш билан бирга қурт боқилаётган жой ва боқилаётган жой юзаси барча асбоб анжомлар, ҳамда қуртнинг ўзи ҳам дезинфекция қилинади.

Японияда ипак қуртининг сариқ касаллигига карши кичик ёшдаги қуртлар қуртхонаси 3% ли формалин билан, катта ёшдаги қуртлар бокилаётган қуртхоналар эса 95% CaCO₃ ва 5% ли хлорли охак билан заарсизлантирилади. Бундан ташқари қуртхона ва жихозлар совун, сода, охакли сувлар билан тозалаб артиб борилади. Айрим ҳолларда баргли новдалар ҳам дезинфекция қилинади.

1934 йилларда Штибенning тавсиясига кўра касалланаётган қуртлар сулемманинг сувдаги эритмаси (1:10000) га 2-3 марта ботириб олингандан кейин эса тоза сувда яхшилаб чайилган. Чайилган қуртлар қоғоз тўшакларга қўйилиб янги озиқа билан озиқлантирилган бу усул лиққоқ касаллигига фойдасиз бўлган аммо септицимияга ижобий фойда келтирган.

Якуний дезинфекция оммавий ўлим (эпизоотий) келтирган аниқ микроорганизмга қарши кураши учун белгиланган. Бунда пиллалар териб олингандан кейин барча асбоб анжомлар қурт бокилган жой атрофлари алоҳида ишлатилган кийимлар дезинфекция қилиниб, арzon нарсалар эса куйдирилади. (ғаналар дасталар ва хоказо) Пилла ичидаги ўлган қурт ёки ғумбак ва тўлиқ ўралмаган чала пиллалар куруқ буғда заарсизлантирилади. Соғлом пиллалар ғумбаги эса ўлдирилади.

Айрим доғли пиллаларда 70% гача ядро полиэдроз вируси борлиги аникланланган. Вирус ва тюрингиензис бацилласининг таксинлари оддий иссиқ ҳавода ёки пилла қуритишдаги иссиқликда ўзининг фаоллигини йўқотмайди. Айниқса *B.thuringensis*-нинг эндотоксини 140°С ҳароратда 1 соат давомида ҳам ўзининг фаоллигини сақлади, буни 2 соат 150°С иситилганда тўлиқ фаоллиги йўқолади. Цитоплазматик полиэдроз вируси эса пиллаларни қуритишда 1 соат ичидаги тўлиқ фаолсизланади.

Дезинфекция бу ташқи муҳитдаги касаллик қўзгатувчиларни йўқотиш, яъни заарсизлантириш бўлиб, инкубаториялар, қуртхоналар, уруғни жонлантиришда ишлатиладиган асбоб-анжомлар дезинфекция қилинади. Дезинфекция физикавий ва кимёвий бўлади.

Физикавий дезинфекцияга қайнатиш, заарли буюмларни буғлаш, киздириш, лампалар ёрдамида күйдириш кабилар киради. Күйдириш барча касал күрт ўлуклари, ифлос нарсалар, арzon буюмларни күйдирилади. Куруқ-иссик 200-250 ҳароратда куритгич шкафда ўлдиришшидир, бунда барча микроорганизмлар ўлади.

Бутда микробиологик озуқа муҳит тайёрлашда, пебрина споралари учун 20-30 дақиқа, вирус учун 30 дақиқа, бацилла тюрингиензис 10, мускардина учун 5, стафилакокклар учун 3 дақиқа кифоя.

Күёш нури хам керакли физикавий заарсизлантирувчилардан биридир. Бунда вируслар ўлиши учун 16-22 соат, пебрина спораси 6-7 соат, мускардина учун 2-5 соат, бактерияларнинг вегетатив формалари учун 1-2 соат керак бўлади.

Кимёвий дезинфекция - кенг тарқалган бўлиб, куйидаги талабларни ўз ичига олади.

- a) *заарсизлантириши тез ва тўлиқ бўлиши;*
- b) *сувда эрувчанлиги ва заарсизлантириши хусусияти узоқ вақтгача бузилмаслиги;*
- c) *тез нейтролизацияланиши, одам ва ипак қурти учун заарсизлиги;*
- d) *арzonлиги,*

Кимёвий дезинфекцияловчи моддаларга анорганик моддалардан кислота-ишқорлар, сода, охак, NaCl нинг кучсиз эритмалари, бундан ташҳари симоб, темир, мисларнинг тузлари киради.

Органик моддалардан метанол, этанол, формальдегид, циклик бирикмалардан бензол, феноллар, карбон кислотасининг сувдаги 3,5% ли эритмаси кабилар киради.

Дезинфекция кучи: a) модданинг физик ва кимёвий хоссаларига, б) тайёрланган вақтига, в) эритманинг концентрациясига, г) эритманинг ҳароратига, д) микробнинг чидамлигига боғлиқ бўлади.

Инкубатория ва куртхоналарни дезинфекция қилиниши юкумли касалликларни қўзғатувчи микроорганизмларни йўқотиш ишидир.

Дезинфекция ипакчиликда ипак қуртининг касалликларига қарши курашда асосий восита хисобланиб, касаллик қўзғатувчи патоген микроблардан заарсизлантирилади. Айниқса, ипак

куртинг юкумли касалларни тарқалган жойларда курт бокиши мавсуми охирида ўтказилади.

Заарсизлантириш усуллари ҳар хил бўлиб, пиллачилик обьектлари асосан кимёвий усул билан дезинфекция қилинади. Кимёвий моддалар билан дезинфекцияланганда эриган модда заррачалари микроорганизмларнинг хужайра қобиги ва пардаси орқали шимилиб, хужайра ичига киради ва унинг ичидаги компонентлар билан реакцияга киришиб уни ўлдиради.

Кимёвий дезинфекцияловчи моддалар жуда кўп бўлиб, улар таркибида хлор, формальдегид, фенол, аммоний, оғир металлар бўлган моддалар киради. Ипакчилик соҳасида бизда ва чет мамлакатларда дезинфекция учун асосан формалин қўллайдилар. Пиллачиликда биноларни ҳам асосан формалин билан дезинфекция қилинади.

Формалин формальдегид газининг сувдаги эритмаси бўлиб, заводларда 36-40% концентрацияси ишлаб чиқарилади. Одатда инкубатория хоналарини ва куртхоналарни заарсизлантириш учун 4% ли эритмаси ишлатилади. Уни тайёрлаш учун бир литр формалинга қанча литр сув қўшиш кераклигини куйидаги формула билан аникланади:

$$C = \frac{x - y}{y}$$

бу ерда: C -1литр формалинга солинадиган сувнинг миқдори;

x -заводдан олинадиган формалиннинг концентрацияси;
 y -керакли ишчи эритманинг концентрацияси.

Масалан: 36%ли формалиндан 4%ли эритма тайёрлаш учун

$$x = \frac{36 - 4}{4} = 8\text{л}$$

, демак 1литр 36% формалинга 8 литр сув солиш керак. Формалиннинг керакли концентрациядаги ишчи эритмаси худди шундай тайёрланди.

Кальций гипохлорид ҳам дезинфекция учун ишлатила-диган хлорли бирикма бўлиб, биноларни, асбоб-анжомларни, молхоналарни заарсизлантиришда (медицина ва ветеринария) амалиётida 2% ли эритмаси ишлатилади. Буни 2%ли эритмасини тайёрлаш учун 200 грамм кальций гипохлорид 100 литр сувда эритилиб, сўнг эритмага амиакли селитра қўшилиб аралаштирилади.

Хлорамин - бу модда ҳам дезинфекция учун ишлатиладиган модда бўлиб, куйидагида ишчи эритма тайёрланади. Бунда таркибидаги хлорнинг миқдорига қараб, унинг концентрацияси ҳар хил бўлади. Ишчи эритма тайёрлаш учун 200 гр хлорамин 10 литр сувга солиниб, яхшилаб аралаштирилади ва кейин хлорамин миқдорига аммиакли селитра солинади (тайёрланган эритма икки соат давомида ишлатилиши керак).

Дезинфекцияга ишлатиладиган барча кимёвий моддалар механик пуркагичлар ёрдамида пуркалиб, хоналарнинг эшик ва дераазалари маҳкам бекитилади.

Целлюляр уруғ тайёрлаш ва унинг аҳамияти

Ҳозирги замон уруғчилик станциялари олдига қўйган вазифаларидан бири шундаки, бунда капалаклар қўйган тухумларни қолдирмасдан микроскоп қўригидан ўтказишдан иборатdir. Уруғ тайёрлаш бўйича кўрсатмаларга асосан тухумларни фақатгина пебрина касаллигига карши текшириш эмас, балки бошқа касалликларни бор йўқлигини ҳам текширишни мақсад қилиб қўйган. Масалан капалакларнинг тартибсиз қўйган тухумларида бактериялар борлиги аникланган.

Л.Пастер даврида ёк капалак танасида бўлган бактериялар ипак куртининг кейинги авлодини ҳам касаллантиришига сабаб бўлганлиги аникланган. Капалак танасидаги бактерияларнинг пайдо бўлишида учта сабаб бўлиб, биринчидан личинка даврида танасида қолган бактерия капалаклик давридаги физиологик ҳолат пасайган вақтда капалак ичida ривожланиб кўпаяди. Иккинчидан капалак ўлигидаги бактериядан тарқалади. Учинчидан капалак ўлигидаги бактериялар нам, зах, ёмон шамоллатилган хоналарда кўпайишга имкон туғилади, лекин касаллик уруғдан дейиш қийин, чунки уруғнинг устки қобигига ҳар хил сабабларга кўра сапрофит бактериялар, стафилакокк, спорали бактериялар ёпишиб, унинг юзаси зааррланган бўлиши мумкин. Зааррланишнинг яна бир манбаи алоҳида халтачаларда сакланадиган капалак ўликлари билан бирга уруғ ва чанглар бўлиб, уруғни юзасига ёпишган бўлиши мумкин.

Умуман бактерияларнинг уруғ юзасида бўлиши ипакчиликда унча хавфли бўлмасада, (пебрина, сарик ва мускардиналарга

нисбатан) ёш даврида қончириши – септицемия (*Vest. Prodigiogum*) касаллигини қўзғатувчиси бўлиши анча хавфли ҳисобланади.

Агар тухум инкубациядан олдин кучли зааралangan бўлса, қуртнинг биринчи ёшдаги ўлими сабабини аниқлаш қийин бўлади.

Капалакнинг мускардина касаллиги билан заараланиши жуда кам бўлади. Аммо замбуруғнинг спораси тухум қобиғини тешиб, ичига ўтади ва эмбрион ўлимига сабаб бўлади. Агарда ипак курти уруғчилик корхоналарида 3% мускардинали уруғ бўлса, бутун партиянинг уруғи куйдириб юборилади. Умуман тухумларни механик тозалаш, ювиш натижасида унинг устидаги ҳар хил микроорганизмлар йўқолади ва кўпгина касалликлардан ҳоли бўлади. Энг яхши натижা бўладиган нарса бу уруғ юзасини дезинфекция килишдир.

Япония олимларининг кўрсатмаларига асосан уруғни (тухум) ноябр ёки декабр ойларида ёки уни жонлантиришдан, яъни инкубациядан олдин (баҳорда) дезинфекция қилинади, бунинг учун курт уруғи 2-3% ли формалин эритмасига 20-30 минут солиб кўйилади (2% 30 мин, 3% 20 мин). Айrim маълумотларга қараганда 70 мин 2% формалин эритмасида, 50 мин 3% формалин эритмасига (ҳарорат 10°C) солиниб, кейин у сув билан 20-25 дақиқада ювилганда ҳам курт уруғига зарарли таъсир килмаган.

Японияликлар HgCl_2 сублимат ўлдирилган симоб билан дезинфекция килишни ман этади, аммо Казарова тажрибасида 0,1-0,2% эритмали сублимат (8 минут 30°C ҳароратда) уруғнинг жонланишига таъсир килмаган.

Италиялик олимлар мускардинага қарши тухумни 5% ли лизаформ ёки 0,1 сублиматга бир неча минут солиб турилса, бундан ташқари хлорид кислотанинг 1,129 солиштирма зичликдаги эритмасига (8 минут 30°C ҳароратда) солинса, уруғ қобиги барча патогенлардан тозаланар экан деган фикрга келишган.

Кишлоп ҳўжалиги вазирлигини кўрсатмасига (1948) асосан уруғчилик корхоналарида 3% формалин билан 50-60 мин дезинфекция қилинади, кейин эса сувда 25-30 дақиқа ювилади.

Айrim олимлар тухум юзасини ҳар хил антибиотиклар билан дезинфекция қилишни тавсия этади. М: Кириченко И.А.

(1977) тухумни (урұғ) эритромицин билан (*Streptomyces eruthreus*) ишлешні тавсия қилади. Бунда эритромициннің 2млн концентрациясыни 1 литр сувда эритириб, 45 дақыла ишлов беради, натижада 97,5% инфекция йүқөлади.

Ўзбекистон ва Украина олимлари Т.Б.Артиская, И.М.Азимжонов (1981) патулин антибиотиги билан (*Asr clavotus*), Кириченко (1982) канамецин антибиотиги билан дезинфекция (0,2% эритма 2 млн 1 литр сув) қилингандан яхши натижада берган ва Украина уруғчилук корхоналарыда қўлланилган.

Целлюляр уруғчиликнинг моҳияти

Ҳозирги вактда уруғчиликнинг қатъий схемаси ташкил қилинган бўлиб, республикамизнинг кўпгина уруғчилик заводларида қўлланилмоқда. Уруғ тайёрлашнинг қатъий кетма-кет схемаси бўйича наслчилук ишлари йўлга кўйилган. Тут ипак курти уруғчилик корхоналарыда ва наслчилук станцияларида наслдор пиллалардан чиққан урғочи ва эркак капалаклари комбинациялар йўли билан чатиштирилиб уруғ тайёрлашади. Бу ерда биринчи маротаба танлаб микроскоп ишлари инкубация олдидан пебрина спорасини аниклаш бўйича изланышлар олиб борилади. Уруғнинг ҳар бир кутиси микроскопда текширилади, бундан ташқари ривожланишдан орқада қолган куртлар ҳам қайтадан текширилади. Текшириш З ёшдан бошланади. Агарда пебриноз куртлар топилса куйдрилади ҳамда этажеркалар, бокув хоналари, асбоб-ускуналар ва териториялар дезинфекция қилинади.

Уруғчилик заводига тушган пиллалар қорапӯчоқ чиқишига қараб, ҳосилига қараб баҳоланади. Бунда қорапӯчоқ пиллалар бутун партиянинг 1% дан ошмаслиги керак. Қабул қилинган ҳар бир пилла партияси микроскопик текширувдан ўтказилади. Бу ғумбакнинг дастлабки текшируви деб аталади.

Бунинг учун ҳар бир партиядан 100 тадан пилла олиниб, инкубация қилинади, тўлиқ ғумбакка айлангунча, яъни кўзи қорайгунча, кейин ҳар биттасини ступкада эзид, буюм ойна-часига дистирлантан сув томизилиб кузатилади. Агар кузатувда пебрина спораси топилса, унда ўша пилла партияси куйдрилади. Иккинчи марта дастлабки текширув эса капалакнинг биринчи чиққан куни (иккинчи кунга ўтмасдан) ҳар бир пилла

партиясидан чиққан 100 та капалак танлаб олиниб, (эркаги) қанотидан бошқа жойини ступкада эзіб, яна микроскопда күрилади. Пебрина спораси бунда ҳам чиқса бу партия ҳам күйдирилади. Капалакнинг кейинги тахминий (дастлабки) текшируви уларни изоляция қилинмасдан олдин кузатилади, бундай капалаклар уруғчиликда ярайдиган бўлиб, уларнинг изоляция нормаси аниқланади. Изоляция нормаси куйидагича бўлади. Целлюляр уруғ тайёрлашда текширилган партиядан 0-1% гача заарланган бўлса, битта халтачадан 3 та капалак, 2-3% касалланган бўлса 2 тадан капалак, 3% дан ортиқ бўлса ҳар бир халтачадан биттадан капалак олинади ва улар микроскопда текширилади.

Л.Пастер томонидан ишлаб чиқилган уруғ тайёрлашнинг целлюляр усулининг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир тухум кўйган капалак микроскопда текширилиб, агарда унда пебрина спораси ёки бошқа касаллик кўзғатувчилари бўлса уларнинг тухумлари йўқотилади. Бунинг учун. ҳар бир капалак битта алоҳида халтачага солиб улар текширилади. Агарда касалланиш даражаси паст бўлса, капалаклар 2,3та ёки 5 тагача халтачага солиниб, бу капалаклар ҳовончада эзилиб, микроскопда кузатилади. Бундай микроскопик текширишнинг ҳар хил усуллари бўлиб, уруғчилик корхоналарида ҳар бир капалак икки марта микроскопик текширувдан ўтказилади, олдин капалакнинг қорин қисми кейин бош ва кўкрак қисми кузатиди.

Маълумки, пебрина касаллигининг кўзғатувчиси ривожланиш даврининг спора даврига ўтгандагина уни 600 марта катталаштирган ҳолатда микроскопдан кузатилади. Худди шунингдек сариқ касаллигининг кўзғатувчиси вирус таналарини, яъни кўп киррали вирусларни, мускардина касаллигини кўзғатувчи замбуруғ мицелийларини кўриш мумкин.

Уруғчилик корхоналарида ҳар хил касалликларнинг олдини олиш учун қуйидаги нуксонларга эътибор бериб, уларни яроқсиз деб ҳисоблашни талаб қилинади.

1. қисман жонланган уруғ тўпламлари.
2. қисман оталанмаган уруғ тўпламлари.
3. шикастланган уруғ тўпламлари.
4. халтачадаги капалаклар майдаланиб кетган бўлса.
5. капалаги нуксонли халтачалар.
6. қуриган уруғ тўпламлари.

Бундай нұқсанлы уруғ түпламлари ва халтачаларнинг миқдори күп озлигидан қатъий назар яроқсиз деб қараңш керак.

Саралаш вактида ишчилар томонидан ҳар бир партиядан камида 200 та халтачадан намуна олиниб, саралаб сифати текширилади. Агарда нұқсанлы уруғ түпламлари 2% дан күп бўлса, бу партия қайта текширилади. Сараланган уруғларни түпламларини микроскопда текшириш ишлари икки босқичда амалга оширилади:

1. Микроскопда ишловчилар томонидан бажариладиган ялпи микроскопда текшириш ўтказиш.
2. Назоратчилар томонидан бажариладиган назорат текшириш ўтказиш.

Ёппасига микроскопда текшириш. Халтачалардаги ҳар бир капалак олиниб, икки бўлакка корин, бош ва кўкрак қисмларга ажратилади, агарда битта халтачада Зта капалак бўлса, уларнинг корин қисми олиниб ховончада (сув томизиб) яхшилаб эзилади, бош кўкрак қисми эса қайтадан текшириш учун халтачага солиниб кўйилади.

Текширув тартиби қўйидагича бўлади, бунда капалакнинг танаси солиб эзилган ховончани ва улардан шу капалаклар солинган халтачалар текширувдан ўтказилади. Капалак эзилган ховончадан шиша таёқча ёрдамида бир томчи олиб буюм ойнаси чукурчасига шундай қўйиладики, бунда томчи буюм ойнаси чукурчасида қоплагич ойнада осилиб туриши керак. Бундан ташқари кузатилаётган препарат эзилган томчи ҳолатда кузатилади.

Бу кузатиш жараёнида пебрина спораси кузатилмаса препарат ойнасидаги иккинчи препарат кузатилади, агарда бу препаратларда пебрина спораси борлиги тахмин қилинса, шунга тегишли ҳавонча ва халтача олиниб, маҳсус идишга жойлаштирилиб, улар кейин алоҳида зааррасизлантирилади (дезинфекцияланади), кузатиш давомида пебрина спораси топилмаса кейинги препаратни кузатишга киришилади.

Микроскопнинг кузатиш майдонида бошқа ҳар хил микроорганизм-лар ҳам бўлиши мумкин. Масалан замбуруғ мицелийлари, кўп қиррали вирус таначалари учраб туриши ва гумон қилиниши мумкин, бундай ҳолларда ҳам уруғларнинг ҳаммаси яроқсизга чиқарилиб улар йўқотилади.

Капалакларни назоратчилар томонидан текшириш. Капалакларни микроскопик текширувдан ўтказгандан кейин соғлом деб ҳисобланғанлари қайтадан назорат қилиш учун барча технологик жараёнлар амалга оширилади, бунда капалакларнинг бош кўкрак қисми бир неча халтачадан олиб (10 та капалак бош кўкракдан ошмаслиги керак) ҳавончада эзилади. Демак, ҳар бир халтачада иккитадан бўлса 5та халтачадаги бош кўкрагини текшириш мумкин.

Агарда пебрина спораси топилса, 5 та халтачадаги 10 та бош кўкракнинг 1таси касалланган бўлса ҳам 5та халтачадаги уругни йўқотишга тўғри келади, яъни битта капалак уруғи деб 9та соғломини йўқотилади, бу нобудгарчилик ҳисобланади. Шунинг учун бир неча халтачалар чоки бўйича очилиб алоҳида идишга солинади ундан бош, кўкрак ва қанотининг қолдиклари ажратиб, олинади. Булар яхшилаб эзилиб майдаланади, контрол текширувдан ўтказилади. Контрол текширувчи битта буюм ойнасига 3 тадан ортиқ бўлмаган препарат тайёрлаб, ҳар бир препарат камида 10 жойдан дикқат билан кузатилади. Агарда пебрина спораси бўлса, идишга солинган уруғ ва қоғоздаги уруғ тўпламлар маҳсус идишга солинади ва барча асбоб-анжомлар заарсизлантирилади.

ИПАК ҚУРТИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

а) Пебрина касаллигига қарши қураш чоралари.

1. Авваломбор пебрина касалликларидан ҳоли бўлган қурт уруғларини тайёрлаш, яъни наслии қуртлар парваришиланаётган пайтда 3-ёш бошидан ҳар бир қуртхонада ривожланишдан орқада қолган қуртлар (30-40 дона микроскопда текширилади) агарда пебрина касаллигини қўзғатувчи споралар аниқланса бу қуртлардан олинган уруғлар наслга хўжаликдан қабул қилинмай, гумбаги ўлдирилиб саноатга топширилади. Кейин ҳар бир хўжаликдан қабул қилинган пилла партияларидан ғумбаклик, капалаклик даврларида текширилади.

Уруғлар олиниб, ювилиб, қуритилгандан сўнг уруғ партияларидан намуна олиниб, бу намуналар жонлантирилиб, микронализ қилинади. Агар ҳар кайси ривожланиш даврида пебрина спорасини борлиги аниқланмаса, бундан кейин уруғ партиялар

соғлом ҳисобланиб, наслли, саноатбоп пиллалар тайёрлаш учун хўжаликларга тарқатилади.

2. Э.Ф.Поярков (1945) пебринага қарши биологик усулда пилла ғумбагини $33,3\text{--}34,3^{\circ}\text{C}$ ҳароратда ушлаш яхши натижа бергани тўғрисида маълумот беради. Олим томонидан ипак куртининг пебрина касаллигига қарши терилган пиллалар 7-8 кун 34° ҳароратда ҳар кун 16 соат ушланниб турилган, 21°C ҳароратда эса 8 соат ушлаш тавсия этилган.

Бу усул билан ипак қурти уруғини (тухум) (Б.А.Астауров ва бошқалар) термотерапия билан ишлов беришни тавсия қилган ва бу усул грузия уруғчилик корхоналарида қўлланилган. Хуллас термотерапия касалланган қуртларни атрофлича соғломланишига ижобий таъсири фақатгина нозема касаллигини қўзғатувчисига таъсир қиласдан бошқа бир қанча инфекция қўзғатувчи содда хайвонларга ҳам таъсир этиб ипак куртини зарарсизлантиради.

3. Курт бокиш даврида хўжаликларда жайдари қуртлар бокилишига рухсат бермаслик керак. Чунки бу қуртлар назоратдан ўтмаган бўлади. Курт бокиш даврида тут одимчиси бўлган жойлардан барг тайёрламаслик керак. Бундай барглар билан қуртларни озиқлантириш пебрина касаллигини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кимётерапия термотерапия усулига нисбатан вирус касалликларига қарши курашда анча қийинчиликлар туғдиради, термотерапия усули билан касалликларга қарши курашда кўпгина олимлар ипак куртининг вирус инфекциясига қарши 1969 йил Ямагуши, 1977 йил Иноуэ вирус фляшериясига қарши, Ватанабе ва Танада кўк курт тунламиининг ядро полиздрозига қарши иссиқ ҳароратнинг таъсирини синаб кўришган.

Вирус фляшериясига қарши ҳароратни бир сутка давомида $25\text{--}32^{\circ}\text{C}$ ушлаб туриш яхши натижа бермаган. $36\text{--}38^{\circ}\text{C}$ ҳароратда эса 24-48 соат ёки 40°C 7 соат ушлаб турилганда касалликтининг ривожланишига салбий таъсири ўрганилган. Ҳарорат 25°C инфекцияланган озиқ билан бокилган бир гуруҳ ипак қуртлари 18 соат ушланган, бошқа иккинчи гуруҳ қуртларда эса ҳарорат 35°C бокилган қуртлар синаб кўрилганда биринчи гуруҳдаги қуртлар саккиз кунда ўлган. Иккинчи 35°C бокилган қуртларда 4-5 кунгача касаллик аломатлари аниқланмаган, лекин бу гуруҳдаги қуртларнинг айримларитина касалланганлиги аниқланган.

б) Сариқ касаллигига қарши кураш чоралари.

1. Уруғчилик корхоналарида сариқ касалликлардан холи бўлган наслли уруғларни тайёрлаш лозим, акс холда корхоналарда наслли уруғларда сариқ касаллиги пайдо бўлганда пиллалар уруғчилик корхоналарига эмас, туман пиллахоналарига топширилади.

2. Курт уруғларини инкубация қилиш даврида ва қуртларни парваришлашдан юқори ҳарорат ва юқори намлика йўл қўйилмаслик керак. Курт уруғлари инкубация қилинаётганда намлик 80% дан юқори бўлса, бундай уруғлардан чикган қуртлар сариқ касаллигига мойиллиги ортади. Куртлар парваришлангаётган вақтда айниқса кичик ёшларида ҳарорат ва намлик юқори бўлса куртлар сариқ касаллигига тез чалинади.

3. Куртларга салқин ва соя жойларда ривожланган тўйимлилиги паст бўлган, сурункасига сўлиган офтобда қолиб кетган ва шунингдек хлорофилга бой бўлмаган барглар берилса куртлар сариқ касаллигига чалинади, шунинг учун ипак қуртига сўлимаган, касалланмаган барглар берилса кўзлаган мақсадга эришилади.

4. Курт боқиши даврида куртлар ҳар хил ҳайпаротлардан, яъни сариқ касаллигини юқтирувчи пашшалардан, сувараклардан сақлаш лозим, курт боқувчини ва курт боқишида доир бўлган одамлар ҳам сариқ касаллигини тарқалишида муҳим роль ўйнайди.

в) Мускардина касаллигига қарши кураш чоралари.

Ипак қуртининг тош касаллигига қарши илмий текшириш институтининг касалликни ҳимоя қилиш ходимлари томонидан усуллар ишлаб чикилиб, бир неча бор текширилиб, ишлаб чиқаришга тавсия қилинган. Бу усул ипак қуртининг тош касаллигидан холи килиб, касалликни тарқалишига йўл қўйилмайди ва уни олдини олади. Агарда қуртхонадаги қуртлар тош касаллигига чалинган бўлса, қуртлар ва асбоб-ускуналарни 1% фаоллаштирилган моноклорамин эритмаси билан дезинфекция қилинади. 1литр эритма 3-4 метр квадрат ерга пуркалади. Бундан ташқари асбоблар этажеркалар ва поллар 2% формалин эритмасига шимдирилган лагта билан артиб чикилади.

г) Бактерия касалликларига қарши кураш чоралари.

Қон чириш, ўлат касаллиги пайдо бўлганда факат соғлом қуртларни янги солинган баргларга илаштириб олиб бошқа олдиндан

тайёрланган хонага олиб чиқилади. Қон чириш касаллиги пайдо бўлган хоналарда хона тез-тез шамоллатиб ҳарорат $1\text{--}2^{\circ}\text{C}$ пастга туширилади. Лиққоқ касаллиги пайдо бўлганда эса куртларга 1% пенициилин эритмаси пуркалган барглар билан озиқлантирилади.

Демак, пенициилин эритмаси пуркалган барглар билан боқилганда, лиққоқ касаллиги мутлоқ йўқ бўлиб, пилла ҳосилдорлиги бир қанча ошганлиги аниқланган.

е) Курт уруғларини дезинфекциялаш. Уругчилик корхоналарида уруғ тайёрлаш пайтида урғочи капалаклар солинган халтачалар махсус омборларда сақланаётган пайларда хоналар ўз вактида шамоллатилмаса ва ҳаво алмаштирилмаса айrim капалаклар бактериал касаликка чалиниб, нобуд бўлиб ташлаган уруғини ифлослайди. Бундай уруғларни саралашдан ўтказган пайтда уларни ажратиб олиниб, 2-3% формалин эритмасида дезинфекцияланади, яъни уруғлар формалиннинг 2% эритмасида, 30 дақиқа 3% эритмасида эса 20 дақиқа ишлов бериш тавсия этилади. Шундан сўнг уруғлар оқар сувда ярим соат ювиб кутилилади.

д) Қуртхоналарни дезинфекциялаш. Ипак куртининг касалликларига қарши кураш олиб боришда биринчи навбатда профилактик усул, яъни ипак куртида табиий чидамлиликни ошириш бўлса, иккинчидан санитария, гигиена қоидаларига риоя қилишдан, куртхонада касалликларни кўзғатувчи микрорганизмларга қарши кураш олиб боришдан иборат. Курт боқишида дезинфекциялаш ишлари 3 муддатда олиб борилади.

1. Дастребки дезинфекция, яъни курт боқишидан олдин боқишига тайёргарликни олиб бориш билан асбоб-ускуналар, химиявий дорилар билан дезинфекция қилинади.

2. Курт боқиши даврида айrim касалликлар пайдо бўлган вақтда қилинади.

3. Дезинфекция пиллалар териб топширилгандан сўнг ғаналардан тозаланиб, 4% формалин эритмаси билан хона дориланади.

Касал қуртларни боқиши давомида даволаш. Даволашнинг асосий мақсади ипак куртини ички ва физиологик функциясини меъёрига келтириш, яъни соғломлаштиришдир. Ипак куртини касалликларига қарши даволаш анчагина мураккаб бўлади, чунки улар кисқагина вақт ичидаги касалликларга учраб нобуд бўлади. Шунга қарамасдан уларни боқиши жараённида маълум бир тадбир-

ларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Касалланган куртларни бошлангич этапларида, яъни курт танасида бактериялар ривожланмасдан олдин дориларни озиқасига қўшиб берилса, бу фақатгина даволаш эмас, балки касалликни олдини олишда профилактик тадбир ҳам ҳисобланади.

Ипак куртларини боқиши жараёнида профилактик даволаш ишларида пеницилин ишлатилади. Бунинг учун пеницилиннинг 100 ед/мл сувдаги эритмаси 90,3% куртларни ҳаётчанлигини сақлаб қолиш мумкин.

Доривор моддаларни фақатгина озик моддалар орқали бермасдан, уларни тери қоплами орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Куртларнинг юпқа қаватли кутикула қатлами ишончли ҳимоя вазифасини бажаради, яъни тери орқали организмга ҳар хил кимёвий моддалар ўтавермайди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ипак куртининг кутикуласи орқали даволаш имкони бўлмайди. Фармоцевтикадаги кўпгина моддалар ипак куртининг патоген организмларига қарши синаб кўрилишига карамасдан ҳозирги вактда даволаш препаратлари жуда кам. Айрим тажрибаларда ипак куртининг инфекцион касалликлар натижасида ўлими олдидан дори моддалари ишлатилиб, уларнинг фойдали томонлари ўрганилган, жумладан сульфаниламид препаратлари ипак куртининг ичак касалликларига қарши ишлатилган. Айрим олимлар ўзларининг тажрибаларида ипак куртини боқища озигига левомицетин қўшиб беришганда, ичак касалликларига сезиларли даражада таъсир кўрсатган.

ИПАК ҚУРТИНИНГ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

Ҳайвонот оламининг турли систематик гурухларига мансуб зараркунанда организмлар ипакчиликнинг ҳосилига ва сифатига маълум даражада зарар келтиради. Бундай организмларнинг келтирадиган зарари пиллачиликнинг маълум бир бўлимларида каттагина зарар келтириши мумкин. Масалан: уруғчилик корхоналарида сақланадиган ипак курти капалагини тухумлари, ҳалтачалардаги капалак ўликлари, сичқонлар ва терихўр ҳашаротлар томонидан йўқ бўлади.

Ипак куртини боқиши жараёнида турли хилдаги зараркунанда ва йиртқич ҳашаротлар, ўргимчаклар, судралиб юрувчилар,

кушлар ва сутэмизувчилар томонидан катта заар келтирилади. Бундан ташқари пиллаларни қуритиш даврида ҳамда уларни сақлаш мобайнида турли хилдаги кемирувчи ҳайвонлар, терихүр зааркунандалар келтириладиган заарлари ҳам талайгина бўлади.

Куртхоналарда куртларни парвариш қилиш, бокиш жараёнларида эътиборликларга йўл кўйилган вақтларда куртларнинг камайиб кетиши, кичик ёшдаги куртларнинг қисқа вақт ичida йўқ бўлиб қолиш сабаблари ҳам учраб туриши мумкин. Бундай холларда зааркунандаларнинг оммавий хужумидан ташқари, куртлар йўқолиб қолгандан кейингина заарини билиб қолишимиз мумкин. Айниқса майда зах чумолилари факат куртларга келтирмасдан, хатто инкубация даврида ҳам ипак қурти уруғларини ташиб кетиши мумкин.

Куртларнинг энг хавфли зааркунандаларидан бири чумолилар хисобланади. Буларнинг республикамиизда 10-15 тури маълум бўлиб, фақатгина 2-3 туригина ипак қуртларининг ашаддий душманлари хисобланади.

Чумолилар эрта баҳорда чиқиб кеч кузнинг оҳиригача одамлар яшайдиган бинолар атрофига уя куриб яшайди. Ипак қурти учун улар энг хавфли хисобланиб, қисқа вақт ичida еб, ташиб кетади. Катта ёшдаги куртларни эса чақиб ташлайди ва ўлдиради. Бундай зааркунанда чумолиларга қарши курашда:

- Биринчидан, куртхоналарга яқин жойдаги чумоли уяларини йўқотиш, уяларга совунли керосин эритмасини кўйиш;
- Иккинчидан, куртхонадаги ва инкубаториядаги сукчак оёқларини куриб қолмайдиган ёпишқоқ елимлар суркаш сукчак оёқларини сувли идишларда сақлаш;
- Ипак куртига заар келтирмайдиган турли хилдаги инсектицидлар билан ишлов бериш каби тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

Ипак куртининг уруги ва пилласининг ашаддий душмани терихўр кўнғизларидан бири дерместес кўнғизи бўлиб, у баҳорда тухум қўяди, тухумдан сертуп куртчалар чиқиб, тез ривожланиб, пиллаларни тешиб, пилла ичидаги гумбакни еб, у ерда кўнғизга айланади ва бошқа пиллаларни ҳам заарлайди.

Терихўр кўнғизларга қарши курашда пилла тайёрлаш даврида ён атрофни тоза тутиш, бегона ўтларни йўқотиш, биноларни,

асбоб-анжомларни захарли кимёвий дорилар билан дезинфекция қилиш зарур ҳисобланади.

Кейинги зааркунанда ҳашаротлардан яна бири арилар ҳисобланади. Арилар ҳам баҳорда пайдо бўлиб, ипак куртининг ўлимига ва уларнинг сонининг камайишига сабаб бўлади. Зааркунанда ариларнинг ичида энг хавфлиси яйдоқчи арилар бўлиб, уларнинг урғочилари тужумларини барча капалак куртларининг таналарига қўйиб, уларнинг ўлимига сабаб бўлади. Зааркундалар ичида икки қанотли пащша ва чивинлар ҳам катта ёшдаги ипак куртларини чақиб, юқумли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади.

Юқорида кўрсатилган зааркунандаларни йўқотиш учун уларнинг уяларини топиб йўқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ипак куртининг зааркунандаларидан яна бири бақалар ва қурбақалар бўлиб, улар куртхона тагига сукчаклардан тўкилган куртлар билан озиқланади ва шу тариқа зарар етказади.

Ипак қуртлари учун ҳашаротхўр күшларнинг ичида энг хавфличи чумчуқлар бўлиб, куртхонадаги куртлар билан озиқланиб катта зарар келтиради. Бунда қүшлардан ҳимояланиш учун дераза ва эшиклар тўрпарда билан беркитилиши зарур. Дераза дарчаларига эса қоғоздан ясалган кокиллар осиб қўйилади.

Юқорида келтирилган зааркунандалардан ташқари ипак курти билан озиқланувчи сут эмизувчи ҳайвонлар ҳам мавжуд. Уларга уй сичқонлари, кулранг қаламушлар ва типратиканлар киради. Бу ҳайвонлар ипак курти билан озиқланиб катта зарар келтиради. Мазкур сут эмизувчиларга қарши курашиш учун тутқичлар қўйилади ёки маҳсус препаратлар билан захарланган емларни уларнинг уясига ташланган ҳолда кимёвий усулда курашилади.

ЛАБОРАТОРИЯ АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИ ҮТКАЗИШ УЧУН УСЛУБИЙ МАСЛАХАТЛАР

Талабалар “Тут ипак қурти касаллуклари ва зааркунандалари” фанидан үтиладиган лаборатория дарсларини бажарып-дан олдин бактериялар, замбуруғлар, вируслар ва бир хужайрали касаллик күзгатувчи микроорганизмлар туғрисида умумий түшунчаларга эга бўлишлари керак. Юқорида кўрсатилган микроорганизмлар туғрисида ўрга мактабда үтиладиган биология фанларидан үтилган дарсларда тўлиқ түшунчаларга эга бўлишган.

Ҳар бир лаборатория амалий машгулотларни үтказиш учун уни куйидаги қисмларга бўлиб олиб борилиши керак бўлади: кириш мулоҳазаси, кузатиш олиб бориш усуслари ва мавзуни мустахкамлаш йўллари.

Кириш мулоҳазаси. Ўқитувчи томонидан олиб борилиб, үтилган мавзуларнинг назарий түшунчасини, яъни касаллик аломатлари ва умумий характерли белгилари, биологияси ва экологияси тушунтириб берилади.

Кузатиш олиб бориш. Бунда талабалар касал қуртларни ўрганиш учун, уни ёриш, кузатиш олиб бориш тартиби ҳамда мустакил равишда касалликнинг ташки ва ички аломатларини қандай тарзда олиб борилиши ўқитувчи назорати остида ўрганилади ва кузатилади.

Үтилган мавзуни мустаҳкамлаш. Барча биология фанлари каби талабалар ўрганилган яъни үтилган мавзуга тегишли жараёнларни таҳлил қилиб, объектнинг расмини дафтарига чизиб олади. Мавзуга тегишли расмни чизишдан олдин талаба касалликнинг аломатларини синчиклаб ва асосий белгиларини ўрганиди. Сўнгра зарурый адабиётлар билан танишиб ўз билимларини мустахкамлайди. Чукур кўникмалар ҳосил қиласди.

Касаллик турлари ва паталогик белгилари аникланиб, уларнинг кўриниши қалам билан чизилиши шарт.

Дафтарга ёки альбомга чизилган расмлардан ташқари микроскопда кузатилган касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг хужайра тузилишлари, замбуруғлар бўлса уларнинг вегетатив мева таналари ҳам амалиёт дафтарига чизилиб, паразитнинг лотинча номи ёзib қўйилади. Хуллас чизилган расмдаги ҳар бир кўриниш оддий қалам билан ингичка қилиб чизилиб, изоҳ

кўрсаткич чизиклари тартиб сонлар билан белгиланади, хар бир соннинг ўзига изоҳ берилиб дафтарга ёзилади. Масалан:

1. Мускардина касаллигини қўзғатувчи замбуруғнинг конидия бандлари;
2. Конидия бандларидаги споралари;
3. Касалланган қуртнинг тери катлами ва хоказо.

Иложи борича изоҳ чизилган расмдаги изоҳ кўрсаткич чизиклари бир-бирлари билан кесишмаслиги керак.

1-Лаборатория иши

Мавзу: Лаборатория амалий машғулотларида ишлатиладиган асбоб-ускуналар билан танишиш

Керакли жиҳозлар: Микроскоп турлари, турли хилдаги лупалар, тайёр препаратлар, ҳайвонларни ёриш учун ишлатиладиган пичоқ, қайчи, қискич ва ниналар. Микроскоп ва лупаларни акс эттирувчи таблицалар.

Танишиш объектлари: оддий микроскоп, қўл лупаси, бинокуляр лупалар, тайёр препаратлар.

Препаратлар тайерлаш усули:

Ишининг мартиби: микроскоп дастасини ўзингизга каратиб кўйинг. Буюм столчаси марказида тешикчани устига кичик объектив (8) ни тўғриланг ва чап кўз билан акуляр орқали караб ёруғликни кўзгу орқали объективга йуналтиринг ва буни тақрорлаб ўрганинг.

Микроскоп оптик қисмида окуляр ва объектив йўлларни бирлаштириб турувчи тубусга эътибор беринг. Окуляр линзалардан тузилган тубуснинг юқори қисмида бўлиб, унинг катта қилиб кўрсатиш даражаси ёзиган кўйилади ($7\times$, $10\times$, $15\times$). Объектив ҳам $8\times$, $20\times$, $40\times$, $60\times$, $90\times$ мартагача катталаштириб кўрсатади. Рақами $90\times$ бўлган объектив иммерсион объектив деб аталади. Бунда текширилаётган препарат устига бир томчи кедр мойи томизилиб, $90\times$ объективнинг учи мойга секинлик билан теккизилиб, мой каватини ҳосил қилиб буюм кузатилади.

Микроскопнинг механик қисми штатив, буюм столчаси ва микрометрик винтлардан иборат. Штативнинг пастки қисми тақасимон тузилган. Юқори қисми микроскоп дастасини кўздан кечиринг. Буюм столчасининг остида микроскопнинг ёритгич қисмлари, кўзгу

конденсор ва диафрагма жойлашганлигини кузатинг.

Кўзгу икки томонлама бўлиб, бир томони текис, иккинчи томони эса ботик ёруғликни тўплаб беради. Конденсорнинг вазифаси: уни пастга тушуриб ёки юқорига кўтариб ёруғликни ойдинлаштириш ёки хиралаштиришдан иборат. Диафрагма ёруғликни хар хил катталиқда тешикчадан ўтказиш учун хизмат килади.

Кўл лупасининг катта қилиб кўрсатиш имконияти хар хил бўлиб, унинг устки қисмига 2 x, 7 x, 10 x, 20 x каби рақамлар ёзиб кўйилади. Бинокуляр лупада икки кўз билан кузатиш мумкин. Унинг лупалари штативга микроскопга ўхшатиб ўрнатилган бўлади. Бундай кўл лупаларида хашоратлар, ўргимчаклар ва шунга ўхшаш ҳайвонларнинг баъзи органларини текширишда ишлатилади.

Микроскопда биринчи марта иш бошлагандаги кўйидагиларга амал қилиш керак:

1. Микроскоп билан иш бошлашдан олдин уни тозалигига эътибор бериб, конденсор юқорига кўтарилиб кичик объектив буюм столчаси ўртасига келтирилади.

2. Ўрганилаётган препаратни катта қилиб кўриш учун 20, 40, 60 рақамили объективлар билан навбатма-навбат кузатилади. Кичик объектиларда кузатиш учун ботик кўзгуда 90 x рақамили (ёғли система) объектив билан кузатиш учун эса текис кўзгудан фойдаланилади.

3. Микроскоп билан жуда эҳтиет бўлиб ишлаш керак, айниқса окуляр ва объективларнинг линзалари юмшоқ оқ тоза газламадан тайерланган рўмолча билан тозаланади. Агар препарат 90 x объекти ёрдамида препаратга кедр ёғи томизилиб кузатилган бўлса, бу ёғ линзада қотиб қолмаслиги учун дарс охирида линзани толуул билан намланган дока ёрдамида тозалаш керак бўлади.

2-Лаборатория иши

Мавзуу: Препаратларни тайёрлаш

Керакли жиҳозлар: микроскоплар, касалланган ипак қурти, ғумбаги, капалаги ва тухумлари, фосфор эзгичлар бир ёки икки мл томизгичлари, юз граммли стаканларда сув, тўғрилагич ниналар, буюм ва қоплагич ойналар, кўк метилен (метилен

синкаси) эллик мәл қаттық, ҳамда турли хил касаллуклар билан касалланган ўсимлик ва ўсимлик мевалари, шиша таёқчалар ва тегишли расмлар.

Танишиш объекті: пебрина ёки бактерия билан касалланган ипак қурти капалаги, қуртлари ёки касалланган ўсимлик танаси, меваси ҳам бўлиши мумкин.

Ишининг тартиби: форфорли идишчага касалланган қурт, гүмбак, капалак ёки тухумдан солиб яхшилаб эзинг ва тўрт беш томчи сув томизиб, яна эзишни давом эттиринг. Эзилаётган препарат бактерия ёки пебрина спораси бир мл да 3-5 минг бўлиши керак. Агар тайёрлананаётган препарат жуда куюқ бўлса, унга яна сув солиб аралаштирилади.

Тайёрланган препаратдан шиша таёқча ёрдамида бир томчи олиниб буюм ойначасига томизилади ва қоплагич ойнача билан беркитилади. Қоплагич ойнача атрофидан суюқлик чиқмаслиги керак. Шунинг учун томизилган томчи унча катта бўлмаслиги лозим. Агарда томчи қоплагич ойначадан чиқса, унда эхтиёт-корлик билан фильтр қоғозда сувни шимдириб олиш керак бўлади.

Тайёрланган препаратни микроскопда кузатиш учун тартиб билан куйидагиларни бажариш керак.

Микроскоп тубиси пастига ўрнатилган кичик объектив микроскоп столчасига 5-6 мм баландликда қилиб пастга туширилади ва окулярга текис ёруғлик берилади. Тайёрланган препарат микроскоп столчасига куйилади ва қисқич билан маҳкамланади. Ёнидан караб тубус макрометр винт ёрдамида қоплагич ойначага яқинлаштирилиб, кузатилаётган буюм кўринишича кузатилади. Шундан кейин микрометр винтни жуда секинлик билан бураб аниқ кўрингунча диафрагма тешиги бироз паст ёки баланд кўтарилиб ҳолати узайтирилади.

Кўраётган препаратимиз аниқ кўриниш ҳосил қилгандан кейин микроскоп столчасидаги иккита винт ёрдамида препарат у ёки бу ёнга сурилиб кузатилади.

Агарда кузатишда керакли организм аникланмаса унинг катталигини ошириш билан кузатув олиб бориш керак бўлади. Бунда тубус макрометрик винт ёрдамида кўтарилиб, каттароқ кўрсатадиган объективга алмаштирилади, кейин аста секинлик билан уни қоплагич ойначага жуда яқин олиб борилади (аммо тегмаслиги керак). Сўнгра окулярдан қараб буюм кўрингунча

микрометрик винт ёрдамида текширилаётган нарса аниқ кўриниш хосил бўлганча давом эттирилади. Бунда объективга ёргулик кўпроқ тушуши лозим бўлади.

Катта кўрсатадиган объективлар билан ишлашда жуда эҳтиёткорликни талаб қиласди, чунки объектив ва унинг бошлангич линзаси микроскопнинг керакли ва қимматбахо кисмларидан бири ҳисобланади.

Юқорида тайёрланган препарат сингари ипак қурти, ғумбаги, капалаги, тухуми ўсимликнинг касалланган органлари ва бошқа нарсалардан ҳам шундай усуlda препаратлар тайёрлаб микроскопда кузатиш мумкин.

Умуман микроскоп билан ишлаганда окулярга иккала кўз ҳам очиқ ҳолда кузатишни ўрганиш керак бўлади.

Тайёрланган препаратлардаги кузатилган нарсаларнинг кўриниши амалиёт дафтарига чизиб олиниши шарт.

Препарат тайёрлаш ишлари тамом бўлгандан кейин талабалар олдин тайёрлаб кўйилган ва фиксация қилиниб бўлган препаратни иммерсион объектив билан кўришни давом эттиради. Бунда тубусни кўтариб препарат устига бир томчи кедр ёғи томизилиб ён томондан кузатилган ҳолатда секинлик билан фронтал линза кидр ёғига теккунча тубус туширилади. Сўнгра кузатиш окуляр орқали бўлиб, текширилаётган препаратни яхши кўриниш ҳолатига келтириш факат микрометрик винт ёрдамида бажарилади.

Барча кузатишлар ва расмлар дафтарга чизилиб бўлгандан кейин, микроскоп тубуси кўтарилиб, фронтал линза юмшоқ латта билан талоул ёки бензин ёрдамида яхшилаб артиб тозаланади. Бу ишлар эҳтиёткорлик билан бажарилади.

3-Лаборатория иши

Мавзу: Ипак қуртининг ўлат касаллиги ва унинг аломатлари

Тут ипак қуртининг энг хавфли касаллкларидан бири ўлат касаллиги бўлиб, куртларнинг оммавий ўлимига сабаб бўлади. Касаллик кўпинчя бешинчи ёшдаги куртларнинг бешинчи ёки олтинчя кунида содир бўлади. Касалланган куртлар озиқланмасдан безовталаниб сукчаклар атрофига тарқалиб, кам ҳаракатда бўлади ва ўлади. Айрим ҳолларда касаллик секин тарқалиб куртхонанинг айрим кисмларидан учрайди. Кўпинчя касаллик

кучайиб 2-3 кунда қуртхонани барча жойларини қамраб олади. Ўлган қуртларнинг орқа чиқарув тешигидан жигарранг суюқлик оқиб туради. Ипак қурти тўқималари тезлик билан чирий бошлайди. Ўлган қуртлар юмшоқ бўлиб, қора суюқлик билан тўлган халтачага ўхшаб қолади. Айрим ўлган қуртлар охири жуфт ёлғон оёқлари билан ғанага ёки дастага осилган ҳолатда оғиз бўшлигидан суюқлик томчилаб туради. Касаллик тарқалган қуртхонадан чириган олманинг хиди келади. Ўлган қуртлардан оқаётган тўқ қўнғир суюқлик соғлом қуртлар ўраган пиллаларни ҳам ифлослантаради.

Ўлат касаллигини бундай кечишига қурт ичагида бактерияларнинг тез кўпайиши сабабчи бўлади. Ичакда бактериал флора турлича бўлиб бунда аэроб бациллалар, стафилакокк ва турли хилдаги ичак таёқчалари бўлиши мумкин.

Керакли жиҳозлар: Микроскоплар, томизғичлар, тўғрилагич ниналар. Буюм ойначалари, қоплағич ойначалар, ўлат касаллиги билан касалланган қуртлар ва таблицалари, дистерланган сув.

Танишиши объекти: 10-15 дона ўлат касаллиги билан касалланган қуртлар, ифлос пиллалар касалланган қуртдан тайёрланган тайёр препаратлар.

Ишининг тартиби: Ўлат касаллиги билан касалланган қуртни ташки томонидан кузатинг. Касалланиб ўлган қуртнинг ичагидан олинган ичак суюклигидан препарат тайёрланиб ичак флорасини текшириб кузатинг. Ўлат касаллиги билан касалланган қуртнинг ичагидаги микрофлорадан тайёрланган ва бўялган рангли препаратни кузатиб бактерия ҳужайралигига эътибор беринг. Касалликни ўрганиш вақтида препаратни дастлаб микроскопнинг кичик объективида кейин эса бироз катталаштирилган объективида кузатиб, бактериянинг ташки кўриниши ва шаклини дафтaringизга чизиб олинг. Бундан ташқари таблицалар ёрдамида касалланган қуртларнинг алломатларини ҳам кўрсатувчи расмларини дафтарга чизинг. Барча ишларни тамомлагадан кейин микроскопни тозалаб кафедра катта лаборантiga топширинг.

4-Лаборатория иши

Мавзу: Тут ипак куртининг қончириш касаллиги ва унинг аломатлари

Керакли жиҳозлар: Микроскоплар, қон чириш касаллигига тегишли таблицалар, касалланган куртлар, тайёр препаратлар, сув томизгич, марля фиксация қилинган касал куртлар, туғрилагич ниналар, шиша таёқчалар.

Танишиш обьекти: Септицимия қон чириш касаллиги билан касалланган куртлар, тайёр препаратни кузатиш, қон чириш касаллиги билан касалланган куртлар ўраган пиллалар.

Ишнинг тартиби: Қон чириш касаллиги билан касалланган куртларни ташки морфологик кўринишини кузатинг. Фиксация қилинган касал куртларни олиб кўкрак қисми, қорин бўғимларига эътибор бериб каранг, касаллик аломатларига характеристика беринг.

Ўлат касаллиги билан касалланган куртлардаги аломатлар билан солишириинг, фарқларини аникланг. Қон чириш касаллиги билан касалланган куртлардан тайёрланган рангли препаратлар билан танишиб, микроскопда кузатинг. Касаллик кўзғатувчи спора ҳосил қилмайдиган *Bacterium turkestanicum*, *Potus vulgaris*, *Bacterium prodigiosum* бактерияларнинг ҳужайра формалари билан танишиб, таблицалардан фойдаланган ҳолда расмларини чизиб олинг. Бундан ташқари касалланган куртнинг ташки аломатларини ҳам дафттар ёки албомингизга расмини туширинг.

Қон чириш касаллиги билан касалланган куртнинг қонидан ва касал органларидан препарат тайёрланг ва уни микроскоп ёрдамида олдин кичик обьектда кейин эса катталашган обьектларда микроскопда кузатиб, бактериянинг формаларига эътибор беринг. Шунингдек қон чириш касаллиги билан касалланган куртларнинг ичак флорасидан ҳам препарат тайёрлаб микроскопда кузатинг сўнгра уни касал тўқимадан тайёрланган препарат билан солишириб микроорганизмларнинг фарқларини дафтaringизга ёзиб боринг.

Бундан ташқари қон чириш касаллиги билан касалланган куртлар ўраган пиллаларни кузатиб ўлат касаллиги билан касалланган куртлар ўраган пиллалар билан солишириинг, уларнинг фарқларига тавсиф беринг.

Қон чириш касаллиги билан касалланган курталарнинг кўқрак сегментларидан қора-қўнғир ёки қора доғларига эътибор беринг. Қон чириш касаллигини келиб чиқиш сабабларини билган ҳолда қасаллик қўзғатувчи бактериялар қон орқали куртнинг бутун органларига тарқаб унинг турли бўғинлари ва бўғим оралиқларида тўқималарни чиришига сабаб бўлишини кузатинг.

Дарс охирида ишлатилган микроскоп ва асбоб анжомларни тозалаб кафедрага топширинг.

5-Лаборатория иши

Мавзу: Ипак куртининг лиққок – стрептококк касаллиги ва унинг аломатлари

Керакли жиҳозлар: Лиққоқ касаллиги билан касалланган куртни таблицалари, фиксация қилинган касал куртлар, тайёр рангли препаратлар, буюм ва коплагич ойначалар, микроскоплар, тўғирлагич ниналар, сув, томизғичлар ва ванначалар.

Танишиши обьекти: Лиққоқ-стрептококк касаллигига чалинган куртлар, фиксация қилинган касал куртлар (тайёр препарат *Streptococcus bombycis*) ва касалланган куртлар ўраган пиллалар.

Ишнинг тартиби: Лиққоқ касаллиги билан касалланган куртни ташки аломатларига синчислаб эътибор беринг. Бу касаллик асосан личинкалик даврининг қайси ёшига тўғри келишини аниқланг. Касалликнинг энг характерли белгиларидан бири куртларнинг ривожланмай қолишига, пўст ташлаш жараёнига, ташки кўринишига, ранги ва курт терисининг ажинларига, курт танасининг юмшоқлигига эътибор бериб кузатинг.

Лиққоқ касаллиги билан касалланган куртлар ўраган пиллаларга, ҳосил қилган ғумбагига ва капалакга айланишига эътибор бериб кузатинг. Касаллик кучли бўлганда пилла ичидаги куртнинг холатига ва ўраган пилланинг юпқалигига эътибор беринг.

Касалланган куртдан олиб ичини ёринг ва ичак флорасидан препарат тайёрлангт. Тайёрланган препаратни олдин кичик кейин эса катталаштирилган обьектларда кузатиб стрептококк ҳужайрапарининг тузилишини расмларини чизиб олинг. Бундан ташқари касалланган куртни аломатларига характеристика беринг.

Плакатлар ёрдамида ҳам касаллик ҳолатини ўрганиб расмларига зътибор қилинг. Олдиндан тайёрланган рангли препарат билан янги тайёрланган препаратингизни солиштириб характерлаб беринг.

Кузатилган нарсаларнинг расмларини дафтарингизга чизиб олинг.

6-Лаборатория иши

Мавзу: Ипак куртининг вирус – сарик касаллиги

Ипак куртининг ҳавфли касалликларидан бири вирус касалликлари бўлиб, айрим фермер хўжаликларида у ипак куртининг оммавий ўлимига сабаб бўлади.

Куртлар бу касаллик билан кўпинча бешинчи ёшда ёки пилла ўраш олдидан касалланади.

Керакли жиҳозлар: Микроскоплар, буюм ва қоплагич ойначалар, вирус касаллиги билан касалланган куртлар, таблицалар, фиксация қилинган касал куртлар, тўғрилагич ниналар, сув ва томизғичлар.

Танишии объекти: Вирус билан касалланган куртлар, соғлом куртлар. Касал куртлар ўраган куртлар, фиксация қилинган касал куртлар ва гумбаклар.

Ишининг тартиби: Вирус билан касалланган курт билан соғлом куртларнинг кўринишини бир-бирлари билан таққосланг ва фарқларини аниқланг. Касалланган куртларнинг рангига бўғим ораликларига зътибор беринг. Касалланган куртлар танасига нина санчиб гемолимфасини лойқалигини кузатинг. Гемолимфа препарат тайёрлаб микроскопда олдин кичик объектив орқали кейин эса катталаштирилган объективда кузатиб, кўп киррали таначаларга зътибор беринг. Худди шунингдек соғлом куртнинг терисига ҳам нина санчиб гемолимфасидан препарат тайёрлаб микроскопда кузатинг. Касалланган куртларнинг экспериментини соғлом куртларнинг эксперименти билан солиштиринг.

Касалланган куртнинг ички органидан бир кисмени олиб 4-5 мл 20 фоизли физиологик эритма билан биргаликда сопол ззгич ёрдамида эзиб, препарат тайёрланг ва микроскопда кузатинг. Кўринаётган кўп киррали таначаларнинг характерли белгиларини кузатиб маълумотларни дафтарингизга ёзинг ва расмини чизинг.

Юқоридаги күрсаткىчларнинг барчаси сариқ касаллиги билан касалланган куртларнинг белгилари бўлиб, бундан ташқари уларнинг териси сарғиш ялтироқ тусга кириши ва бўғим ораликлари қисқариб тана қалта бўлиб “семириш” ҳосил қилишини кузатинг. Бундай кўринишдаги куртлар букила олмайди, куртнинг танаси калталашиб сукчаклардан ерга тўкилиши кўп бўлади. Бундай куртларнинг лабидан чиқаётган ипак толаси ер юзисида бўлиб, гиламга ўхшабчуваланиб ётади. “Семириш” билан касалланган куртларнинг ўлими анча кеч бўлиб, касалланган курт органлардан ҳамда гемолимфасидан препарат тайёрлаб микроскопнинг олдин кичик, кейин эса каттароқ қилиб кўрсатадиган объективлар орқали вирус таначаларини кузатинг. Кузатилган нарсаларни плакатлардаги расмлар билан тақъосланг ва расмларни чизиб олинг.

7-Лаборатория иши

Мавзу: Ипак қуртининг мускардина касаллиги

Тут ипак қуртининг мускардина (бовериоз) ва аспергиллёз касалликлари замбуруғ касалликлари бўлиб, намгарчилик кўп бўлган вилоят ва тоғли зоналарда анчагина зарар келтиради. Бу касалликлар фақатгина куртни касаллантирибгина қолмасдан капалак уруғларини, пилла тўпламларини ҳам зарарлайди, яъни намлик юқори бўлганда пилла ва тухумларда ҳам ривожланиб нуқсонли пиллаларга ва жонланмайдиган тухумларга айланиши мумкин.

Керакли жиҳозлар: Микроскоплар, лупалар, тўғрилагич ниналар, моғорли пиллалар, шиша томизгичлар, буюм ойначалари, қоплагич ойначалар, сув, моғор босган куртлар, замбуруғ билан касалланган қурт расмлари.

Танишиши объекти: Оқ мускардина билан касалланган ипак қурти, моғорли пиллалар ва капалак тухумлари.

Ишининг тартиби: Оқ мускардина билан касалланган қуртни ташки аломатлари билан танишиб ундан препарат тайёрланг. Тайёрланган препаратни микроскопнинг кичик объективи билан кузатиб мускардина замбуругини гифа ва мицелийларини, конидия бандларини ва конидия спораларини кузатинг. Бундан ташқари аспергиллёз касаллиги билан касалланган пиллалардан препарат

тайёрлаб бу препаратни ҳам микроскопда кузатинг. Мускардина ва аспергилл замбуруғларини конидия бандларини солиштириб фарқларини аниқланг. Таблицалардан фойдаланиб мускардина ва аспергиллөз билан касалланган куртнинг расмларини ҳамда замбуруғларни вегетатив мева таналарини тузилишини расм дафтарингизга чизиб олинг. Ишни тугатгач асбоб-анжомларни, микроскопларни тозалаб кафедрага топширинг.

8-Лаборатория иши

Мавзу: Пебрина касаллигини қўзғатувчи спорани тузилиши

Пебирна касаллигини қўзғатувчи бир хужайрали ҳайвон бўлиб, тут ипак куртида жуда хавфли касалликни келтиради, бундан ташқари турли хилдаги бўғим оёкларда ҳам паразитлик килиб яшайди. Пебрина касаллиги деб касалликни номланишини сабаби касалланган ипак куртининг танасида майда қора мурч сепилган доғларни ҳосил қиласди. Пебрина французча- мурч (перец) деган маънени билдиради.

Керакли жиҳозлар: Кўл лупалари, микроскоплар, пебрина билан касалланган куртлар, пебрина спорасини доимий препарати, ниначалар сопол эзгичлар, споранинг расми туширилган плакатлар, сув ва томизгичлар.

Танишиш обьекти: Назематоз касаллигини қўзғатувчи спорани микроскопда кузатиш ва унинг тузилиши.

Ишнинг тартиби: Энг аввал жадвал ва расмлар ёрдамида споранинг схематик тузилишини кузатиб, унинг отилувчи стерженили ипига, катта ва кичик вакуолаларига, ядроларига ҳамда спора қобигига эътибор беринг. Бундан ташқари микроскоп ёрдамида споранинг шаклига спора қобигининг силлиқлигига, рангсизлигига эластиклик қобилиятларига эътибор бериб кузатинг. Микроскопда кузатилган спорани таблицадаги спорани схематик тузилишига солиштириб расм дафтарига спорани расмини чизиб олинг.

9-Лаборатория иши

Мавзу: Ипак қурти тухумида пебрина касаллигининг аломатлари

Ипак қурт тухумлари кучсиз заарланган бўлса касалланган тухумларни соғлом тухумлардан фарқлаш қийин бўлади. Заарланиш кучли бўлган капалаклар қўйган тухумларнинг кўпчилиги оталанмаган бўлади. Заарланган тухумларни жонланиши чўзилади. Жонланганлари ҳам нобуд бўлади.

Керакли жиҳозлар: микроскоплар, лупалар, сопол эзгичлар (ступка), сув томизғичлар, ниналар, буюм ойналари, қоплагич ойначалар, касалланган капалаклар қўйган тухум уймалари, тайёр препаратлар.

Танишиши объекти: Соғлом ва пебрина спораси билан касалланган ипак қурти, капалакларни тухумлари.

Ишнинг тартиби: Ипак қуртини соғлом ва касалланган капалаклари қўйган тухум кўймаларини бир-бирлари билан солиштириб уларнинг сон жиҳатидан, катта-кичиклиги, ранги субстратга ёпишиши тартиби каби фарқларини аниқлаб дафтарингизга ёзисб кўйинг. Касал капалаклар қўйган тухум кўймаларидан препарат ясаш учун касалланган 2-3 та тухум кўймаларини эзгичга солиб 3-4 томчи сув томизиб яхшилаб эзинг. Худди шунингдек соғлом капалаклар қўйган тухумдан ҳам препарат тайёрлаб, алоҳида-алоҳида буюм ойначасига томизиб микроскопнинг олдин кичик обьективида кейин эса катталаштирилган обьектларида кузатинг ва кузатиш натижаларини дафтарингизга ёзисб боринг.

Тайёрланган препаратни қайси бирида спорани кузатганингизни ёзинг. Кузатиш натижаларини ва касалланган тухум кўймаларини дафтарингизга расмларини чизинг.

10-Лаборатория иши

Мавзу: Ипак қуртида пебрина касаллгини аломатлари

Керакли жиҳозлар: Кўл лупалари, микроскоплар, сопол эзгичлар (ступка), томизғич, тўғрилагич ниналар, буюм ойналари ва қоплагич ойначалар, пебрина билан касалланган турли ёшдаги қуртлар.

Танишии объекти: Пебрина назематоз касаллиги билан касалланган ипак куртлари.

Ишнинг тартиби: Аввало касалланган ипак куртларини ташки аломатларини кузатинг, куртнинг бўғим оралиқларига, чин ва ёлғон оёкларини атрофларига, умуман куртнинг тери қопламидаги майда мурч сепилганга ўхшаш қора доғларга эътибор бериб кузатинг. Касалланган куртларнинг ёшлирига ҳам эътибор беринг.

Касалланган қуртни ташки тери қопламидан ҳамда ички органлари-дан алоҳида ажратиб сопол эзгич ёрдамида яхшилаб эзинг, эзилган мухитга 2-3 томчи сув томизиб яна эзишни давом эттиринг ва тайёр бўлган препаратдан бир томчи олиб буюм ойначанинг устига томизинг ҳамда томчини қоплагич ойнача билан бекитиб олдин микроскопнинг кичик объективи билан кейин эса катталаштириб қўрсатадиган объективларда кузатиб споранинг тузилишига эътибор беринг.

Кузатишни янада давом эттириш учун кузатилаётган қоплагич ойнача устига бир томчи кедр ёғини томизиб микроскопнинг эмерсион объективида кузатинг, бунда кузатиш эҳтиёткорликни талаб қиласди (бу тўғрида юқоридаги қўрсатмаларда маълумот берилган).

Кузатиш натижаларини бир-бир билан таккосланг ва расмини дафтарингизга чизиб олинг.

11-Лаборатория иши

Мавзу: Ипак куртининг ғумбаклик давридаги пебрина касаллгининг аломатлари

Керакли жиҳозлар: Кўл лупалари, микраскоплар, буюм ойналари, қоплагич ойначалар, пебрина билан касалланган ғумбаклар, сопол эзгичлар, скаппель, қайчи ва таблицалар, томизгичлар ҳамда тўғрилагич ниналар.

Танишии объекти: Пебрина билан касалланган ғумбаклар.

Ишнинг тартиби: Ипак куртининг ғумбаклик давридаги пебрина касаллгини аломатлари унча билинарли бўлмасада синчиклаб қаралганда ғумбак юзасида қора рангдаги доғларни аниқлаш мумкин. Шунинг учун касалланган ғумбакларни кузатишида соғлом ғумбакларга солиштирган ҳолатда кузатинг.

Касаллигини аниклаб гүмбакни сопол эзгичда яхшилаб эзинг ва 2-3 томчи сув ҳам томизиб аралаштиринг. Эзилган аралашмадан бир томчи олиб дастлаб микраскопнинг кичик объективи ёрдамида кейин эса катталаштирилган объектив ёрдамида кузатинг. Препаратда спорани бор ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.

Тайёрланган препаратлардан олган тушунчаларингизни амалиёт дафтaringизга ёзib боринг. Пебрина билан касалланиб ўлган ва куриб қолган гүмбаклардан ҳам препаратлар тайёрлаб хулосаларни тартиб билан дафтaringизга ёзинг ва расмини чизинг.

12-Лаборатория иши

Мавзу: Пебрина касаллиги билан касалланган капалакдаги аломатлари

Керакли жиҳозлар: Микраскоп, қўл лупалари, сопол эзгичлар, сув, томизғич, тўғрилагич ниналар, буюм ойналари ва коплагич ойначалар, мавзуга тегишли плакат ва таблицалар, соғлом ва касалланган капалаклар.

Танишиши объекти: Пебрина касаллиги билан касалланган капалаклар.

Ишининг марташиби: Касалланган капалакларни соғлом капалаклар билан таққослаб солиштирма характеристика беринг. Маълумки, нозематоз касаллиги билан касалланган капалаклар соғлом капалакларга нисбатан кам яшайди. Кучли касалланганлари тухум қўймасдан ўлади. Эркак ва ургочи капалаклар бир-бирлари билан суст қўшилишади. Касалланган капалаклар танасидаги қўргошин рангли қора доғларни дикқат билан кузатинг, капалак қанотларида ҳам қора доғлар бор йўқлигига эътибор беринг. Бундан ташқари касалланган капалакларнинг мўйловлари, қанотлари яхши ривожланмаган, кўкрак оёқларини, соғлом капалакларни кўкрак оёқларига солиштириб фарқларини амалиёт дафтaringизга ёзинг. Пебрина билан касалланган капалакнинг барча характерли белгиларини аниклаб, плакатлар ёрдамида расмини амалиёт дафтарига чизиб олинг.

13-Лаборатория иши

Мавзу: Тут ипак қурти касалликларини олдини олишда ишлатиладиган кимёвий моддалар .

Ипак қуртининг барча инфекцион касалликлардан ҳоли бўлиш учун ипак қуртини боқишдан олдин барча куртхоналарни асбоб-анжомларни дезинфекция қилишимиз яъни заарсизлантиришимиз керак бўлади. Дезинфекция – бу мухитдаги касаллик қўзғатувчиларни йўқотиш демакдир.

Дезинфекция яъни заарсизлантириш турли усуулларда бўлади. Физикавий дезинфекция қайнатиш, заарли буюмларни буғлаш, киздириш лампалар ёрдамида нурлаш кабилардир. Кимёвий дезинфекция жуда кенг тарқалган бўлиб, унда заарсизлантириш тез ва тўлиқ бўлиши, арzonлиги, сувда эрувчанлиги билан бошқа дезинфекциялардан устун туради.

Дезинфекция ипак қуртининг касалликларига қарши асосий восита ҳисобланади. Кимёвий дезинфекцияловчи моддаларга кислоталар, ишқорлар, сода, оҳак, ош тузининг кучсиз эритмалири, симоб, темир ва мис тузларининг эритмалари киради. Ипакчилик объектларини заарсизлантириш учун асосан формалин бўлиб, бу формальдегид газининг сувдаги эритмасидир. Одатда инкубатория ва куртхоналарни заарсизлантириш учун формалиннинг 4% ли ишчи эритмаси ишлатилади.

Заводлардан олинадиган формалиннинг концентрацияси 36 ёки 40%. Биз керакли эритма тайёрлаш учун аввал дизенфекция қилинадиган хонанинг майдонини аниқлашимиз керак бўлади.

Масалан: $5 \times 10 \times 3$ м бинони 10 та стандартли 5 та ярусли сукчакни заарсизлаш учун қанча эритма сарфлашини аниқлаймиз.

Дезинфекция қилинадиган хонанинг :

Иккита ён деворининг майдони	$6 \times 3 = 36$ кв м
Иккита узун деворини майдони	$10 \times 3 = 60$ кв м
Ер майдони	$10 \times 6 = 60$ кв м
Хонанинг тепа майдони	$10 \times 6 = 60$ кв м
Сўкчакни майдони	$65 \times 10 = 65$ кв м
Демак умумий майдони	281 кв м.

Одатда дезинфекция қилиш учун 3 кв м майдонга 1 л ишчи эритма ишлатилади. Заарсизлантирадиган майдонга тахминан 85 л ишчи эритма ишлатилар экан.

Ишчи эритмамизнинг концентрацияси 4% ли бўлиши учун 1 литр 36% ли формалинга қанча сув кераклигини қуидаги формула орқали аниқлаймиз.

$$C = \frac{x - y}{y}$$

Бу ерда С – 1 литр формалинга кўшиладиган сувнинг миқдори, x – заводдан келтирилган формалин концентрацияси, у – керакли бўлган формалинни ишчи эритма концентрацияси.

Агарда x-36% формалин бўлса ишчи эритмамизнинг концентрацияси 4% бўлса 1 литр 36% ли формалинга 8 литр сув солиш керак бўлади.

$$C = \frac{x - y}{y} = \frac{36 - 4}{4} = 8 \text{ литр}$$

Керакли жиҳозлар: 36, 40% формалин, 3, 5, 10 шиша идишлар, мензуркалар, ўлчов стаканлар.

Танишии объекти: Турли хилдаги концентрацияли ишчи эритмалар тайёрлаш ва ишлатиш.

Ишнинг тартиби : 1) Юкорида кўрсатилган усууллар ёрдамида 36 ва 40% ли формалинда 500 мл, 1 литр 2 метрли 2 ва 4% ли ишчи эритмалар тайёрланг.

2) Майдони 150 кв м бўлган қуртхонани дезинфекция килиш учун 4% ишчи эритмадан қанча керак бўлади?

3) 40% формалиндан 2% ва 3% ишчи эритмалар тайёрланг.

4) Эни 4 метрли, узунаси 8 метрли, бўйи 3 метрли бўлган қуртхонани умумий майдонини топиб 36% формалиндан ишчи эритма тайёрлаб қанча кетишини аниқланг.

14-Лаборатория иши

Мавзуу: Ипак қурти тухумини зарарсизлантириш

Керакли жиҳозлар: 20 ёки 30 гр. ипак қурти тухуми, 36% формалин, кристализатор, сув, марля (дока) 1-15 метр, тоза идишлар.

Танишии объекти: Ипак қурти тухуми (уруги), 36% формалин

Ишнинг тартиби: 500 мл ёки 1 литр 2% формалинли ишчи эритмани 40% формалиндан тайёрланг, тайёрланган формалинни кристализаторга солиб ҳароратини иситиб ёки совитиб 21 гача

келтиринг кейин эса эритмага 20-30 гр. ипак курти тухумини 20 минут ушлаб туриңг. 20 минутдан кейин эса дока ёрдамида сүзіб олинг. Сүзіб олинған тухумни оқиб турған сувда дока билан 30 дақықа ушланғ, кейин эса тухумни юпқа қилиб ёзинг, тухум қофоз устига ёзилади, ҳар 5 минутта тегидаги қоғоз ўзгартирилиб туради, тұлық қуриғандан кейин эса алоҳида тоза идишга солинг. Бажарилған ишлар қозасидан хисоботни дафтaringизга ёзинг.

15-Лаборатория иши **Мавзу: Ипак куртининг зааркунандалари**

Керакли жиһозлар: чумоли, ари, сичқон, илон, лупа.

Ипакчиликка катта заар келтирадиган ҳайвонот дүнёсіні турли систематик гурухларига мансуб зааркунандалар бўлиб, улар ипакчиликнинг айрим бўлимларига кўп заар кўрсатади. Ургуччилик корхоналарида уруғларни ва ўлиб қуриған капалакларни саклашпа турли хилдаги терихўр зааркунандалар таъсиридан заарланади.

Курт бокиши жараённанда эса ипак куртлари кўпгина йиртқич ҳайвонларнинг озиғи хисобланади. Жумладан улар ҳашаротлар, ўргимчаклар, судралиб юрувчилар ва сут эмизувчилардир. Терихўр ҳашаротлар томонидан пиллаларнинг тешилиб нуксонли пиллаларнинг ҳосил бўлиши, куртлик даврида турли хил яйдокчилар арилар, чумолилар, илонлар, бақалар, типратиконлар, қушлар томонидан куртларнинг камайиб кетиши пилла ҳосилига ва унинг сифатига жуда катта таъсир кўрсатади.

Ишининг тартиби: мавзу бўйича ишни бажаришда таблица ва плакатлардан фойдаланиб ҳамда зааркунандаларнинг коллекцияларидан фойдаланиб айрим зааркунандаларнинг расмларини чизиб олинг. Тушунчаларингизни хисобот кўринишида дафтарга ёзиб энг хавфли зааркунандаларни расмларини дафтарга тушириңг. Уларга қарши чора тадбирларни ҳам хисоботда кўрсатинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Н.Ахмедов, С.Муродов-“Ипакчилик асослари”, Т, “Ўқитувчи”, 1998.
2. Е.И.Билай, Э.З.Коваль-“Аспергиллы”, Киев, “Науковая думка”, 1998.
3. Биологический + энциклопедический словарь. Москва “Советская энциклопедия” 1989.
4. М.Р.Ганиева-“Тут ипак қурти касалликлари ва зааркунандалари” “Ўрта ва Олий мактаб”, Тошкент, 1963.
5. П.А.Генкель-“Микробиология и основы вирусологии” Москва “Прасвещение”, 1974.
6. П.А.Генкель-Микробиология с основой вирусологии. Москва «Просвещение» 1974.
7. Н.Грин, У.Старт, Д.Тейлор. Биология I том. Москва «Мир» 1993.
8. Е.Н.Михайлов-«Бактериозы тутового шелкопряда» (обзор) Ташкент. 1976.
9. Е.Н.Михайлов-Шелководство. Гос.Изд. Москва, 1950.
10. Е.Н.Михайлов-«Инфекционные болезни тутового шелкопряда». Ташкент. «Ўқитувчи». 1984.
11. Е.Н.Михайлов-«Болезни и вредители шелкопряда». Москва. Сельхозгиз. 1959.
12. С.Собиров-“Ипак қуртининг юкумли касалликлари” (магистрлар ва талабалар учун маъриза матнлари). Тошкент.2003.
13. С.Собиров-“Ипак қуртининг касалликлари ва зааркунандалари” (бакалавр талабалари учун маъриза матнлари). Тошкент. 2000.
14. А.Саипов.-Возбудитель чахlostи на выкормках Узбекистана и меры борбы с ними. Автореферат кандидатской диссертации. ТашСХИ. 1973.
15. Э.Штейнхауз.-Патология насекомых. 1952.
16. А.Ф.Кашкарова, Ш.Р.Умаров.-«Тут ипак қуртини касаллигини олдини олиш ва ташхиси». Тошкент, 2008.

Мундарижа:

Кириш.	3
Касаллик ва умумий патология тўғрисида бальзи бир тушунчалар.	7
Иммунитет. и.и.мечниковнинг "хужайра иммунитети" назарияси.	10
Бактериялар хакида кискача тушунчалар.	13
Тут ипак куртининг бактерия касалликлари.	20
Тут ипак куртининг ўлат – фляшерия касаллиги.	20
Ипак куртининг кон чириш – септициемия касаллиги.	23
Айрим кончириш касаллигини кўзгатувчи бактерияларнинг тавсифи.	25
Тут ипак куртининг вирус касалликлари.	29
Тут ипак куртининг сарик касаллиги ва унинг аломатлари.	31
Сарик касаллигининг диагностикаси ва эпизоотологияси.	34
Ядро ва цитоплазматик полиздроз тўғрисида тушунча.	35
Вирус фляшерияси тўғрисида тушунча.	37
Вирус фляшерияни диагностикаси.	38
Вирус фляшериясиининг эпизоотологияси.	38
Тут ипак куртининг замбурург касалликлари.	39
Замбуругларнинг кискача характеристикаси ва тавсифи.	39
Вегетатив кўпайиши.	39
Жинсий кўпайиши.	40
Ҳашаротларнинг паразит замбуруглари.	43
Тут ипак куртининг аспергиллэз касаллиги.	44
Тут ипак куртининг бовериоз ёки оқ мускардина касаллигининг кетиши ва унинг аломатлари.	45
Мускардинанинг диагностикаси.	49
Мускардинанинг эпизоотологияси.	50
Ипак куртининг небрина (нозематоз) касаллиги, уни ўрганиш тарихи. касалик кўзгатувчи споранинг биологияси.	51
Нозематоз касаллигини ўрганиш тарихи.	51
Нозема касаллигини кўзгатувчи споранинг биологияси.	53
Споранинг цитоморфологияси.	54
Кутб иттининг отилиб чиқишига сабабчи факторлар.	55
Нозема спорасининг паразитлик фаолияти.	57
Касалликнинг юкиши ва паразитлик фаолияти.	57
Нозематоз касаллигининг ташки аломатлари.	59
Пебрина касаллигининг эпизоотологияси.	61
Пебрина касаллигининг диагностикаси.	62
Ипак куртини бокиши жараёнларида уларнинг касалликларига қарши кураш чоралари ва профилактик тадбирлар.	64
Ипак куртининг инфекцион касалликларини олдини олишда килинадиган дезинфекция ишлари.	64
Целлполар урут тайёрлаш ва унинг аҳамияти.	68
Целлполар урутчиликнинг моҳияти.	70
Ипак куртининг касалликларига карши кураш чоралари.	73
Ипак куртининг заараркунандалари.	77

Лаборатория амалий машғулотларни ўтказиш учун услугий масла- ҳатлар.	80
1-Лаборатория иши. Лаборатория амалий машғулотларида ишлати- ладиган асбоб-ускуналар билан танишиш.	81
2-Лаборатория иши. Препаратларни тайёрлаш.	82
3-Лаборатория иши. Ипак куртининг ўлат касаллиги ва унинг аломатлари.	84
4-Лаборатория иши. Тут ипак куртининг кончириш касаллиги ва унинг аломатлари.	86
5-Лаборатория иши. Ипак куртининг ликкок – стрептококк касал- лиги ва унинг аломатлари.	87
6-Лаборатория иши. Ипак куртининг вирус – сарик касаллиги.	88
7-Лаборатория иши. Ипак куртининг мускардинга касаллиги.	89
8-Лаборатория иши. Пебрина касаллигини кузгатувчи спорани тузилиши.	90
9-Лаборатория иши. Ипак курти тухумида пебрина касаллигининг аломатлари.	91
10-Лаборатория иши. Ипак куртида пебрина касаллгини аломатлари..	91
11-Лаборатория иши. Ипак куртининг гумбаклик давридаги пебрина касаллгининг аломатлари.	92
12-Лаборатория иши. Пебрина касаллиги билан касалланган капа- лакдаги аломатлари.	93
13-Лаборатория иши. Тут ипак курти касалликларини олдини олиши- да ишлатиладиган кимёвий моддалар.	94
14-Лаборатория иши. Ипак курти тухумини заарсизлантириш.	95
15-Лаборатория иши. Ипак куртининг зааркунандалари.	96
Фойдаланилган адабиётлар.	97

Собиров Суюн, Ахмедов Намоз, Жуманова Умида

“Ипак қурти касалликлари ва заараркунандалари”

(Үқув қўлланма)

Масъул мұжаррир: Б.Нурматов

Мұжаррир: О.Худойбердиев

Техник мұжаррир: Д.Алимқулов

Мусаххих: Д.Кодирова

Босишига рухсат берилди 24.02.2011. Формати (60x84) 1/16. Гарнитура Times New Roman.
Шартли босма табоги 6,0. Нашриёт босма табоги 6,0 Адади 100. баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот кўмитасининг 21-2254 сонли гувоҳномаси
асосида ТопшДАУ Тахририят-нашриёт бўлимида чоп этилди.
700140, Ташкент, Университет кўчаси 3.

